1984/12

ГУЛИСТОН

12
1984

КПСС Марказий Комитети ерларни мелиорациялашни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программасини бажариш умумхалқ иши бўлиб қолади, деб ишонч билдиради. Бу эса юксак даражада ривожланган ва барқарор қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини барпо этишда янги катта қадам қўйиш, бутун совет экономикасини янада юқори поғонага кўтариш имконини беради.

К. У. ЧЕРНЕНКО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 12 (418)
Декабрь
1984

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

ГБ УзССР НН

СУРУР

ШОЛИКОР ҚУРБОНОЙ ҚОРАХОНОВА ҲАҚИДА

Ўша куни Қурбоной тўртала боласини ҳам ухлатди-да, печда чирсиллаб ёнаётган оловга қараб, чуқур ўйга толди: «Зиммамга юклатилган вазифани уддалай олармикинман...» Бир кўнгли бригадани қабул қилганига пушаймон бўлди. «Нима, сувчилигим ёмонмиди? Ҳурмат ҳам, иш ҳақи ҳам жойида эди. Бирдан тақир ер ҳосил бермаса-я?» деган шубҳа унинг ич-этини кемирарди. «Йўқ, — дерди яна ўзига-ўзи, — астойдил меҳнат қилган кишидан ер саховатини аямайди».

Хайрият, машинасига эҳтиёт қисмлар ортиб райондан кеч қайтган эри Давлат Алламуродов Қурбонойнинг кўнглини кўтарди: «Бўлган иш бўлибди. Энди юзингни ерга қаратмасликнинг чорасини қидир». Естиқдошининг далдаси унинг қалбидаги шубҳаларни тумандай тарқатиб юборди. Ишга астойдил киришди. Бутун қиш давомида қишлоқ хўжалигига доир адабиётларни ўқиди, ўзи меҳнат қилаётган совхозининг мўл ҳосил устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жовмир Мамадиев, Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги «Нукус» совхозининг машҳур шоликори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алексей Кан, Краснодар ўлкасининг донгдор шоликори Иван Кобзовларнинг тажрибасини қунт билан ўрганди.

Баҳор келиб, ер уйғониши билан қудратли скреперлар ерларни оби-тобига келтириб текислади. Сўнг шоли экиш учун мўлжалланган майдонларга бира-тўла уч трактор кирди. Бири ўғитланган майдонларни ҳайдай бошлади, иккинчиси мола босишга тушди, учинчисига эса сеялка тиркалган эди.

Қорахонова бригадаси дастлабки йилдаёқ шолидан мўл-кўл — 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 78 центнердан ҳосил етиштирди. «Тажрибали одамлар сабаб бўлиб, мўл ҳосил кўтарди. Техниканинг сараси ҳам Қурбонойда. Йўқса-ку...» деювчилар ҳам топилди. Қорахонова келгуси йили энг қолоқ бригадага раҳбарлик қилиб, ҳосилдорлик бўйича ман-ман деган шоликорларни ҳам ортда қолдириб кетганида, оғзига кучи етмаганлар ер чизиб қолишди. Баъзиларнинг назарида гўё ер ҳайдалди-ю, текисланди, карталарга сув берилиб, уруғ сепилди ва юқори ҳосил етиштирилди. Вассалом! Ҳолбуки, одамлар кун бўйи шу даражада чарчашардики, оёқда зўрға туришарди. Ахир осонми, заранг бўлиб кетган бўз ерлар икки карра ҳайдалиб, текисланди. Кейин майдонлар бегона ўтлардан тозаланди. Ерни ювиш-чи?.. Ҳатто яп-янги бульдозерлар, тракторлар, плуглар ҳам бир ойга бардош беролмасдан, ремонтга муҳтож бўлиб қоларди. Оғир меҳнат саракни саракка, пучакни пучакка ажратар экан. Қийин шароитга чидолмасдан, кўрпа-ёстиғини ортмоқлаб кетганлар ҳам бўлди. Хуллас, чўл бағридан «ерни тортиб олиш» осон кечмади.

* * *

Боғларда, полизларда авжи пишиқчилик. Ўнг томон эса кета-кетгунча шолизор. Қипқизариб етилган сархил бошоқлар ўрим комбайнларига мунтазир. Бундан атиги беш йил муқаддам мазкур ерлар инсон қадамига зор, сувга ташна, ҳудудсиз дашт-биёбон бўлганига ишонгинг келмайди, киши.

Узоқда шаҳар қиёфасидаги қишлоқ намоён бўлди. Мактаб, клуб, совхознинг маъмурий биноси, магазин, аптека. Текис ва равон кўчаларнинг икки томонида хўжалик ишчилари ва мутахассислари учун қурилган замонавий уйлар.

Совхоз идорасида бир лаҳза тўхталиб, хўжалик директори Алихон Нормуродов ҳамроҳлигида машҳур шоликор, учинчи агроучастка бошлиғи Қурбоной Қорахонова далаларига йўл олдик. Улкан карталар киши диққатини ўзига жалб этади.

— Илгарилари шоли экилган чеклар майда бўлиб, бамисоли шахмат тахтасидаги катакчаларни эслатарди, — дейди директор фикримизни уққандай. — Бундай аҳволда, табиий, трактор ҳам, комбайн ҳам иш беролмасди. Шу сабабдан, ерни текислашдан тортиб, шоли ўримигача бўлган жараёнларнинг ҳаммаси қўлда бажариларди. Эндиликда, кўриб турганингиздек, энг замонавий қишлоқ хўжалик техникаси ихтиёримизда. Ҳа, деҳқоннинг мушкулини осон қиладиган ана шу техника туфайли шолизорлар қиёфаси буткул ўзгариб кетди. Деҳқон майдамайда бўлаклардан иборат чеклардан воз кечди. Узингиз ўйланг, кичкина чекни кетмон воситасида расамадига келтириб, текислаш осон. Ихтиёрингда улкан карталарни дазмолдай текислайдиган қудратли бульдозерлар, скреперлар бўлса-чи? Унда қуроқлардан иборат далаларга ҳожат бормикин?

Шоли — қимматбаҳо, айни чоғда, инжиқ техника экини. Гуруччиз дунёнинг учдан икки қисм аҳолиси ўз ҳаётини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Унинг 120 кун давом этадиган вегетация даври сув ичида ўтади. Деҳқон 120 кун экин устида парвона, далалар узра 120 кун давомида қизғин меҳнат мароми ҳукм суради. Гуруч иштаҳамизни қитиқлайдиган палов ҳолига келгунча, шоликор қанчалар машаққат, ранж-озор чекади.

Бундан бир неча йил муқаддам ҳозирги «Искра» совхози негизида шоличиликка ихтисослашган янги хўжалик — «Правда» совхози ташкил этилганида, агроучастка бошлиғи этиб тайинланган Қурбоной Қорахонова янги услубда — карталарни яхлитлаштириш ҳисобига шоли етиштиришга қарор қилди. Ҳисоб-китоблар мазкур индустриал услуб анъанавий шоли чекларида ҳосил етиштиришга нисбатан арзон, қулай бўлиб, сув кам сарфланишини исботлади. Энг муҳими, бундай қилинганда, қўл меҳнатига ҳожат қолмасди. Бундан ташқари, ўват олиш учун сарфланадиган беш-саккиз процент ернинг иқтисод қилинишини айтмайсизми? Ҳолбуки, ўша уватлар турли зараркунанда ҳашаротлар, бегона ўтлар учун маскан ҳам ҳисобланарди. Бу эса, ўз навбатида, ҳосил чўғига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмасди.

...Қурбоной Қорахонова шоли ўраётган комбайнчилардан бирига алланарсаларни тайинлади-да, биз томон далил кела бошлади. Қорамағиздан келган, қора кўз, хиёл озғин бўлса-да, аммо чайир, пишиқ жуссали 28 ёшдаги бу жувон ёшлигидаёқ отаси Худойназар акадан шоли етиштиришнинг сир-асрорини ўрганди. Ўзи туғилиб ўсган

© «Гулистон», № 12, 1984.

Тонгга пешвоз

Сўнгсиз пахтазор пайкаллари узра тонг отаётир. Бу ерда тонг оққуш сингари қанотларини бутун борлиққа ёйиб, гўё оппоқ пахтазорлардан оҳиста кўтарилаётгандек туюлади. Кузатган кишида тонг худди улкан оққуш полопони янглиғ пахтазорлар узра эгилиб, лўппи-лўппи бўлиб очилаётган чаноқлардан тошган оппоқ ёғдуларни ютоқиб эмаётгандек тасаввур уйғотади. Шунинг учун ҳам бу ерда бошқа жойлардагига нисбатан субҳидам ёрқинроқ нур тарайди. Оламгина эмас, кишилар дили ҳам равшан тортиб кетади. Ҳа, субҳ сабоси яна бир янги кун кириб келаётганлигидан дарак бериб, Фарғона водийси бўйлаб сарсари кезмоқда. Бироқ янги кун эндигина бошланаётганлигига қарамасдан, далаларда аллақачон ҳаёт қайнаб кетган, аллақачон пахтакорлар тонгга пешвоз чиққан эди.

Кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳри биқинидаги Бувайда районига қарашли «Правда» колхозининг ўн иккинчи бригада бошлиғи Сотқиной Жумабоева ҳам одатдагидек тонгни далада қаршилади. Бу тонг унга ҳамишагидан серташвишроқ, ҳамишагидан ёрқинроқ отди. Чунки унинг бригадасидаги пахтазорларни республика телевидениеси мухбирлари суратга олишлари керак. Улар келгунча Сотқиной опа пахтазор пайкалларни яна бир бор кўздан кечириб чиқиши лозим. Терим ташвиши эса барча ташвишларни босиб тушади...

Мен Сотқиной Жумабоева бригадасига боришдан аввал колхоз идорасига кирдим. «Правда» колхози бўйича давлатга пахта сотиш плани қандай бажарилаётганлигини ҳамда шу пайтгача бўлган колхоз даромади билан қизиқдим. Колхоз экономисти Т. Эргашев ҳисоб-китоб қилиб, айрим маълумотлардан мени хабардор этди. Малум бўлишича, 10 октябрга қадар колхоз бўйича давлатга жаъми 3023 тонна пахта сотилган. Яъни колхоз коллективи давлат планини 92,02 фоиз бажариб қўйган. Бу, колхоз 2 миллион 297 минг 450 сўм даромад қилди, демакдир. Шу жумладан, давлат планининг 76,90 фоизи, яъни 2526 тонна пахтаси биринчи сортга, қолган 15,12 фоизи эса, яъни 497 тонна пахтаси иккинчи сортга топширилган. Агар пулга чақиладиган бўлса, ҳозиргача 1 миллион 965 минг 980 сўмлик пахта биринчи сортга, 331 минг 470 сўмлик пахта иккинчи сортга сотилибди. Аммо пахтазорда ҳали ҳосил кўп. Ваҳоланки мен колхозга борган куннинг эртасига, аниқроғи 13 октябрда давлат плани тўлдирилганлиги тўғрисидаги рапортга имзо чекилди. Колхозчилар тантана нашъасини сурдилар. 996 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32,4 центнер ҳосил олинди — давлатга пландаги 3285 тоннадан зиёдроқ пахта сотилди. Шу кундан бошлаб мажбурият ҳисобига пахта топширила бошланди. Мажбурият колхоз бўйича ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиб давлатга жаъми 4500 тонна пахта сотиш мўлжалланган.

Мен бригадалар планининг ба-

Бувайда район «Октябрь» колхози раиси Самижон Умурзоқов теримчилар даврасида.

Н. Шерматов фотоси

Гагарин районидаги Шўроб қишлоғида ўрта мактабни тамомлаб, шу райондаги «Искра» совхозининг шоликорлик бригадасида оддий ишчи, сувчи бўлиб ишлади. 1975 йилдан механизациялаштирилган бригадага етакчилик қилди.

Бундан атиги беш-ўн йил муқаддам ҳам қўл кучига асосланган шоликорнинг меҳнати оғир бўлиб, бутун кун давомида қаддини дол қилганича экинга ишлов бериши, ўтоқ қилиш учун тиззасига қадар сувда туриши лозим эди. Қурбонойнинг ҳам ёшликда ўроқ тутган қўллари ҳанузгача қадоқ, кафтларида шоли бошоқларидан қолган зирапча излари. Ана шу боисдан ҳам у шоликорнинг оғирини енгил қилишга, машаққатталаб юмушларнинг ҳаммасини машина ва механизмлар зиммасига юклашга интилади. Қурбонойнинг участкасида ишловчилар сони эллик кишига етар-етмас. Ўтган йили у бошқарган агроучастқада 410 гектар ерга янги нав шоли экилиб, пландаги 45 центнер ўрнига 80 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳар центнер шолининг таннархи 8 сўм 20 тийинга арзонлаштирилди. Бу йил участка меҳнат аҳли шунча майдондан 83 центнердан юқори сифатли ҳосил олиб, шоли таннархини центнер бошига 8 сўм 70 тийинга арзонлаштиришга муваффақ бўлди. Бу ютуққа техникадан самарали фойдаланиш туфайли эришилди.

Қурбонойдан ана шунча майдондаги шолизорга қўлда ишлов бериш учун қанча ишчи кучи сарфланишини сўраганимизда, у кулди:

— Жуда кўп ишчи кучи сарфланган бўларди. Ҳар ҳолда, совхоздаги барча ишчи кучи етишмасди.

— Сиз эришган марра шоличиликда сўнгги чегарами?

— Йўқ, — дейди Қурбоной. — ерни яхшилаб текислаш, сара уруғ, захни вақтида қочириш, ер шўрини оби-тобига келтириб ювиш, экинни вақтида озиқлантириш, шолини қисқа муддатда экиш ва йиғиштириб олиш, қолаверса, гербицидлардан омилкорлик билан фойдаланиш ҳосилдорликни оширишнинг асосий йўлларидан саналади. Биз яқин йилларда шоли ҳосилдорлигини гектар бошига юз центнерга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Агроучастканинг илғор меҳнат аҳли ҳақида гап кетар экан, Қурбоной бригадир Х. Аллабердиев, механизаторлардан П. Қувонов, А. Баҳромов, А. Холиёров, Я. Норқулов, А. Чориев, С. Маманазаровнинг номларини фахр билан тилга олади. Участка эришаётган муваффақиятларда социалистик мусобақанинг аҳамияти катта бўлаётганлигини таъкидлайди.

Мана, учинчи йилки, Қорахонова область Совети депутати Дўстмурод Қувонов бошлиқ агроучастка марварид дон ижодкорлари билан мусобақалашиб келади. Икки агроучасткани фақат канал ажратиб туради демаса, ер ҳам, сув ҳам, қўёш ҳам, ўғит ҳам, техника ҳам, одамлар ҳам бир хил. Шунга қарамай, етиштирилган ҳосилда каттагина фарқ бор. Қувонов бошлиқ бўлган участкада ҳосилдорлик 60 центнерни ташкил этди. Гарчи бу кўрсаткич область миқёсида юқори бўлса-да, мусобақадошникидан 23 центнер кам эди. Кўриниб турибдики, ўртадаги тафовут анчагина. Ана шу сабабли, Дўстмурод Қувонов Қорахонова тажрибасини қунт билан ўрганади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланган юбилей йилида Сурхондарё области шоликорлари 36 минг тонна аъло сифатли шоли етиштириб бердилар. Шундан 32 минг тоннаси «Правда» совхозининг ҳиссасига тўғри келди. Қурбоной Қорахонова бошчилик қилаётган агроучастка эса 3 минг 400 тонна марварид дон етиштириб, хўжалик хирмонига муносиб ҳисса қўшди.

Шу йил хўжалик меҳнаткашлари фақат совхоз ва райондагина эмас, балки бутун республикада мазкур қимматбаҳо техника экинининг истиқболи учун қайғурадиган, бахтини меҳнатдан топган Қурбоной Қорахоновага юксак ишонч билдириб, уни СССР Олий Совети депутатлигига сайлашди. Эл қизи сайловчиларга катта ҳиммат кўрсатди. Совхоз қишлоқларини ободонлаштириш, йўлларни ўнглаш, кўчаларга асфальт ётқизиш, хонадонларни газлаштириш, аёллар меҳнатини енгиллаштириш учун енг шимариб ишга тушиб кетди. Фельдшерлик — акушерлик пункти қурилиши учун маблағ ундирди. Булар бир қарашда кўзга ташланадиганлари. Сайловчилар ҳам қараб туришгани йўқ — ҳашар йўли билан қишлоқ кўчаларига дов-дарахтлар ўтқазишди, ариқларни тозалашди.

Суҳбатимиз пировардида Қурбоной уч юз ўринли янги клуб қурилиши масаласида область молия бўлимидаги ўртоқларга учрашажаги лозимлигини айтиб, бир билан хайрлашар экан, ҳорғин жилмайди:

— Хўжалигимиз янги, ташвишлар эса кўп. Бунинг устига эрта-индин қишки имтиҳон сессиясига жўнаб кетишим керак (Қурбоной Қорахонова Термиз Давлат педагогика институти биология факультетининг иккинчи курсида сиртдан таҳсил кўради).

Қурбоной машинага ўтириб, жўнаб кетди. Ботиб бораётган қуёш Жайҳун ортидаги кенгликларга бош қўяр экан, кўк юзидаги бир уюм булутни алвон рангига бўяшга улгурди. Дарё томондан илиқ шабада эсди.

Шерали СОКИН

Гагарин райони

жарилишини ҳам кўздан кечирдим. Колхозда ўн еттита бригада мавжуд. Шундан Расулжон Шамсуддинов бошлиқ ўн биринчи бригада давлат планини 110 фоиз, Олимжон Отабоев бошлиқ тўртинчи бригада 107 фоиз, Султонбой Аскаров бошлиқ бешинчи бригада 105 фоиз, Дўмонжон Деҳқонов бошлиқ бешинчи бригада 104 фоиз бажарган, яна бир неча бригада ҳам планларини ортиғи билан адо этишган экан. Лекин Сотқиной Жумабоева бошлиқ бригада ҳали анча ортда эди. Давлатга пахта сотиш планини бу бригада эндигина 70 фоиздан оширибди. Ҳайрон бўлиб қолдим. Бувайда район партия комитети биринчи секретари нега бу бригадани тавсия этганлиги мени ўйлантириб қўйди. Ҳаммаси бригадага боргандан кейин аён бўлди.

Биз бригадага етиб борганда телевидение мухбирлари пайкалларни суратга олиб кетишган экан. Дарҳақиқат, бригада пахтазорлари суратга олса арзигулик. Зеро, терим охирлаб бораётган бир пайтда бундай чамандек очилиб ётган пахта пайкалларини бошқа жойларда учратиш қийин. Ғўзаларнинг бўйи ҳам, ён-атрофига шохалаши ҳам меъёрида. Чаноқлар биринчи теримдагидай ғуж-ғуж кўсаклар кўп: далада ҳосил мўл. Кўрган кўз қувонади. Оппоқ ёғду денгизи мисол нурланиб ётган пахтазордан кўзимиз яшнаб машинадан тушар эканмиз, бизни истараси иссиқ, ўрта бўй, тўладан келган, ўрта яшар аёл кутиб олди. Биз излаб келган бригада бошлиғи Сотқиной Жумабоева шу аёл экан. Очиқ чеҳра бу аёл билан йўл четидаги марзага ўрнатилган сўрида ўтириб суҳбатлашдик. Биздан сал нарироқда бригада учун кенг, шинам, замонавий янги шийпон қурилаяпти. Ҳали битганича йўқ. Суҳбат мавзуси пахтага келиб тақалди. — Ҳосилнинг чўғи яхши. Лекин планни бажаришда бошқа бригадалардан нимагадир орқада қолиб кетибсизлар? — сўрадик биз Сотқиной опадан.

— Тўғри, чигит экишда бироз вақтдан ютқазиб қўйган эдик. Пахтамизнинг нави ҳам кечпишар: «Ан». Шунинг касри. Лекин «Ан» навидан нолимаймиз, кўриб турибсиз, жуда серҳосил экан. Агар бу навни 15 апрелгача экиб улгурса, айни муддао бўлади. «Уйчи» навидан ҳам 20 гектар ерга экканмиз. «Уйчи» навининг фазилати: эртапишар, толаси яхши, нархи қиммат. Бироқ ҳосили «Ан»га нисбатан кам. Ҳозирча орқада қолганимиз билан ҳадемай етиб олиб, ўзиб кетамиз. 54 гектар пахта майдонимиз бор. Давлат планига кўра ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, бригадамиз бўйича 162 тонна пахта топширишимиз лозим. Биз бу йил маррани ҳар гектаридан 50 центнерга яқин ҳосил олишни мўлжаллаганмиз.

Район партия комитети биринчи секретари нима учун бизни бу бригадага йўллаганини энди англадик. Чиндан ҳам бригада коллективи ўз олдига қўйган маррани эгаллайди. Қурбоной Абдуллаева, Сорахон Файзуллаева, Ҳалимахон Ўролова сингари теримчилар ҳар куни 200 килограммдан зиёд пахтани териб хирмонга тўкмоқдалар. Бригада аъзолари пахта сортига ҳам катта аҳамият бермоқдалар. Улар 80 фоиздан ортиқ пахтани биринчи сортга топшириш ниятидалар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, пахтани асосан хотин-қизлар етиштиради. Бинобарин, Сотқиной опа бригадасида жаъми қирқ ишчи кучи мавжуд. Шундан атиги ўнга яқини эркаклар. Улар сувчилик билан тракторчилик ёки бошқа ишлар билан шуғулланадилар. Қолган ҳамма иш хотин-қизлар зиммасида. Беихтиёр эркаклар нима ишлар билан машғуллигини ўйлайсан. Кўз олдингга бозорма-бозор изғиб, савдогарчилик қилиб юрган эркаклар келадию, юрагинг ачишиб кетади... Шунда Сотқиной Жумабоева каби аёлларимизга ҳар қанча тасанно ўқисанг арзийди.

Сотқиной опа ёшлигида колхозга сут соғувчи бўлиб кирди. У ўз меҳнати билан тезда оғизга тушди. Сотқиной Жумабоева районда биринчилардан бўлиб сут соғиш аппаратини қўллади. Меҳнаткашлиги, ташкилотчилигини инобатга олиб, уни ферма мудири қилиб тайинлашди. Кейин уни сабзавотчилик бригадасига бошлиқ қилиб ўтказишди. У қаерда ишламасин астойдил хизмат этди, кўп эътиборини қозонди. 1970 йилдан бошлаб колхозда қолоқ ҳисобланган ўнинчи пахтачилик бригадасини бошқарди. Бригада тез орада илғорлар сафидан ўрин олди. 1976 йил у чўл бригадаси ҳисобланган кам ҳосилли 12-пахтачилик бригадасига ўтказилди. Саккиз йилдан буён Сотқиной опа мана шу бригададан мўл ҳосил олиб келаётир. Ўтган йилги оғир шароитда ҳам Сотқиной опа бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектаридан 46,7 центнердан ҳосил кўтариб, мажбуриятни ортиғи билан адо этдилар.

Сотқиной Жумабоеванинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. У 1970 йили «В. И. Ленинниг 100 йиллиги» медали, 1972 йили «Меҳнат шуҳрати», 1975 йили «Меҳнат Қизил байроқ» орденлари билан мукофотланди. Шунингдек, у уч марта Фарғона область советига депутат қилиб сайланди. Ҳозир ҳам у район советининг депутатидир.

Биз бу ердан «Партия XX съезди» колхозининг ўн учинчи бригадасига йўл олдик. «Партия XX съезди» «Правда» колхозидан икки кун олдин давлат планини бажарган эди. Колхоз планининг тўлишида III даражали Шуҳрат ордени кавалери Патилахон Эргашева бошлиқ ўн учинчи бригада коллективининг ҳам ҳиссаси катта. Улар ҳар гектаридан 39 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил тўплаб, давлат планини зиёдаси билан адо этдилар. Аммо далада ҳали ҳосил мўл. Шу боис бригада коллективи теримни сусайтирмасдан, аксинча жадаллаштирдилар. Ёғин-сочин бошланмай туриб, мажбуриятни ҳам бажаришга интилдилар. Бригаданинг экин майдони 46 гектар. 56 ишчи кучи бор. Шундан 12 киши эркаклар. Теримда асосан хотин-қизлар. Муккаррамой Турғунова, Ҳажирахон Раҳимова, Тўлғоной Қорабоева сингари моҳир теримчилар ҳар куни хирмонга 120—130 килограммдан пахта тўкмоқдалар. Улар биринчи теримда кунлик ўсишни 200 килограммдан ҳам оширдилар. Биз бригада иши билан танишар эканмиз, бригада бошлиғи Патилахон Эргашевадан сўрадик:

— Бундай кўп ҳосил тўплашга қандай эришдиларингиз?

— Колхозчиларимиз манглай тери билан. Биринчидан, чигитни вақтида экиб улгуришга, бехато ундириб олишга ҳаракат қилдик. Ғўзаларни бир меъёрда етилтирдик. Бунинг учун жазирама ёз бўйи даладан чиқмай меҳнат қилдик. Иккинчидан, ҳар бир қарич ердан, ҳатто ортиқча марзалар ўрнидан ҳам унумли фойдаландик. Пахта навига ҳам катта аҳамият бердик. Масалан, биз серҳосил «Ан-402» навини кўпроқ экдик. Саккиз гектарга «Уйчи» навини экдик.

Патилахон — ёш, ҳаракатчан, дадил аёл. У аввал колхозда одий колхозчи бўлиб ишлади. Икки йил пилла бригадасига бошчилик қилди. 1980 йилнинг кузидан бошлаб пахтачилик бригадасига ўтказилди. Шундан буён у ҳар йили мўл ҳосил етиштириб келаётир. Ҳар йили «Мусобақа ғолиби» нишонини қўлга киритмоқда. Бу йил ҳам Патилахон Эргашева маррага биринчилардан бири бўлиб келди.

Тошкентга етиб келганимдан сўнг республикамиз бўйлаб қувончли хабар тарқалди. Бувайда райони республикада биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш планини ортиғи билан бажарди! Улкан меҳнат зафарини қўлга киритган бувайдаликларга ичимдан тасанно айтар эканман, кўз олдимда Сотқиной Жумабоева, Патилахон Эргашева каби олтин қўлли хотин-қизларимиз — меҳнат қаҳрамонлари гавдаланди. Шонли республикамизнинг юбилей хирмонида уларнинг улуши бениҳоят юксакдир.

Эргаш МУҲАМЕДОВ

Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхози партия ташкилотининг секретари Шарофат Қораева «зангори кема» рулида.

Ж. Тўраев фотоси



Суратда: Л. Д. Кизим (ўртада), В. А. Соловьев (чапда) ва О. Ю. Атьков.

А. Пушкарев фотоси (ТАСС)

КОСМОНАВТИКАМИЗНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ ҒАЛАБАСИ

237 кун! Ҳа, космонавтларимиз Леонид Денисович Кизим, Владимир Алексеевич Соловьев ва Олег Юрьевич Атьков «Салют — 7» — «Союз — Т — 11» орбитал комплексида космик фазода шунча кун бўлиб, 1984 йил 2 октябрда Москва вақти билан соат 13 дан 57 минут ўтганда ерга муваффақиятли қайтиб тушдилар. Ер орбитаси атрофига 1982 йил 19 апрелда чиқарилган «Салют — 7» станцияси эса автоматик режимда учишни давом эттирмоқда.

Жасоратли космонавтларимизнинг бу галги парвозлари космонавтика тарихида энг узоқ муддатли учиш бўлиб, бу вақт ичида жуда кўплаб илмий-тадқиқотлар ўтказилди, энг яхши техника воситалари, механизмлар тинчлик, халқ манфаати мақсадларида синаб кўрилди, халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган экспериментлар амалга оширилди.

1984 йилнинг 4 апрелида СССР космонавт учувчилари Юрий Васильевич Малишев, Геннадий Михайлович Стрекалов ва Ҳиндистон Республикасининг граждани Ракеш Шармадан иборат халқаро экипаж «Союз Т — 11» кемасида «Салют — 7» станциясига чиқарилиб, бир вақтнинг ўзида олти нафар космонавт самарали ишладилар.

1984 йилнинг 18 июлидан 29 июлигача «Салют — 7» станциясида космонавтлар Владимир Александрович Жонибеков, Светлана Евгеньевна Савицкая ва Игорь Петрович Волк асосий экипаж билан ҳамкорликда муҳим тадқиқотлар ўтказдилар.

«Салют — 7» станциясининг асосий экипажи узоқ муддатли учиш давомида катта ҳажмдаги илмий-техник, тиббий-биологик тадқиқотлаар олиб борди.

Геофизик тадқиқотлар программасига мувофиқ эса Ер юзаси кузатилди, фотосуратга олинди ва спектрометр ўлчовлари ўтказилди. Бундай текширишлар натижасида мамлакатимизнинг минерал хом ашё ресурслари, қишлоқ хўжалик майдонлари ва ўрмонзорлари, яйловларнинг мавсумий ўзгарувчанлиги, денгизда сузиш ва балиқ овлаш шароитлари тўғрисида қўшимча маълумотлар олинди.

«Интеркосмос» программасига мувофиқ ерни узоқдан туриб зондлашга доир комплекс экспериментлар ҳам амалга оширилди. Уларнинг натижаларидан Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида узоқ муддатли прогнозларни тузишда фойдаланилади.

Учиш давомида Галактикада ва Галактикадан ташқарида бўлган турли объектлар, рентген ва ультра бинафша нурланишларнинг манбалари, планеталараро муҳит тадқиқ қилинди. «Салют — 7» станциясидаги геофизик ва астрофизик экспериментлар Совет Иттифоқида, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Ҳиндистон ва Францияда тайёрланган аппаратлар ёрдамида ўтказилди.

237 кунлик учиш давомида олинган тадқиқот ва экспериментларнинг самарали натижалари илм-фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, улардан доимий ишлаб турадиган орбитал комплексларни яратиш чоғида қўлланилади.

Космонавтикамизнинг янги жаҳоншумул муваффақияти барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашларининг қалбларини ҳам ифтихор туйғулари билан тўлдирди.

САРКАРДА

Совет Армияси Улуғ Ватан урушининг ҳамма жанггоҳларида — Баренц денгизидан Қора денгизгача, Нарвадан Белградгача, Москва атрофида, Ленинград, Сталинград бўсағаларида енгилмас ҳисобланган фашист қўшинларига қақшатғич зарба бериб, мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Ватанимиз озодлиги таҳлика остида қолган кунларда ўзбек халқининг жасур ўғлони Собир Раҳимов ҳам фронтнинг муҳим участкаларидан бирида ўз дивизияси билан қутурган душман аскарларининг йўлини тўсиб турарди.

1941 йилнинг июнь ойи. Смоленск ўрмонларини қора булут қоплаган. Шиддатли жанглардан, тўхтовсиз артиллерия отишмаларидан ер-кўк ларзага келарди. Худди шу йили майор Собир Раҳимов танк дивизияси составидаги моторлашган полк командирининг ўринбосари бўлиб ишларди. У хизмат қилган полк немис генерали Фон Гудерианнинг иккинчи бронетанк армияси қўшинларига қарши жанг қиларди. Собир Раҳимов биринчи марта 1941 йилнинг июлида, Ельна атрофида жангга кирди. Бу ердаги шиддатли жангларда душман катта талафот кўрди ва 100 километр нарига улоқтириб ташланди. Август ойининг бошларида жанглар янада шиддатли тус олди. Бунда Собир Раҳимов енгил яралар бўлди. Сентябрда яна сафга қайтган Собир Раҳимов 11-дивизия составидаги полклардан бирига командирлик қила бошлади. Полк Ростов-Дон атрофида фон Клейст армиясининг қисмларига қарши курашаркан душман ҳамласини матонат билан қайтариб тургани ҳолда, қарши ҳужум жангларига ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқда эди.

29 ноябрь кечаси қўмондонликдан ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ олинди. Буйруқ Дон ва Оқсой дарёларидан ўтиб, Ростовга шарқи-шимолий томондан ёриб киришни тақозо қиларди. Бўрон кўз очишга имкон бермасди. Олдинда эса икки азим дарё, душман томонидан мустаҳкам қўрғонга айлантирилган қишлоқ. Дон дарёсининг нариги қирғоғидаги душман истеҳкомига қатиқ зарба берган полк аскарлари душман позициясининг биринчи чизиғини ёриб ўтиб, Оқсой дарёсига етди. Дарё қалин муз билан қопланган эди. Жангчиларимиз дарёнинг ўртасига етганда гитлерчилар тўп ва миномётлардан даҳшатли ўт очдилар. Солдатлар муз устида эмаклаганча ўлимни писанд қилмай, олға силжиб борардилар. Вақт зиқ, дақиқалар ҳисобда. Ана шу пайтда Собир Раҳимов ўрнидан ғоз туриб:

— Ватан учун олға! — деб қичқирди-да, олдинга ташланди. Қўшинлар яшин тезлигида қишлоққа кириб бордилар.

Куннинг биринчи ярмида Оқсой қишлоғи душмандан батамом тозаланди. Полк жангчиларини дастлабки ғалаба билан табриклаган қўмондонлик, суръатни пасайтирмай, Ростов томон ҳужумни давом эттириш ҳақида буйруқ берди. Ҳужум шиддат билан давом этарди. Пиёдаларга тўпчилар, танкчилар, учувчилар мадад бериб турдилар. Ростов озод этилди. Душманнинг 30 танки, 17 тўпи, 20 та пулемёти, 250 автомашинаси ўлжа қилиб олинди. Қанчадан-қанча қурол-яроғлар, озиқ-овқат омборлари қўлга туширилди. Кўрсатилган жасорат учун кўпгина командир ва аскарлар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Собир Раҳимов кўксига эса жанговар «Қизил байроқ» ордени қадалди.

1942 йилнинг ёзида Собир Раҳимов командирлик қилаётган полк Донбассга ташланди. Бу ерда душманнинг 104-тоғ дивизияси ва 125-пиёда аскарлар дивизияси турарди. Собир Раҳимов полки гитлерчиларнинг мустаҳкам таянч пунктларини емириб, уларни ғарбга томон 75 километрга улоқтириб ташлади.

Гитлерчилар Волга бўйидаги мустаҳкам қўрғон — Сталинградни, Кубаннинг серҳосил ерларини, Кавказ нефтини қўлга киритиш режасини тузган эдилар. Бу вақтда Собир Раҳимов командирлик қилган қўшилма Кавказнинг энг муҳим участкаридан бирини қўриқламоқда эди.

6 сентябрь эрталаб фашистлар ҳужум бошладилар. Шу куни душманнинг 15 марта ҳужуми қайтарилди. Гитлерчилар 900 дан ортиқ солдат ва офицерларининг жасадини жанг майдонида қолдириб, чекинишга мажбур бўлдилар. Душманнинг сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларидаги жуда кўп ҳужумлари барбод бўлди. Қўшинларимизнинг уч ой мобайнида олиб борган муваффақиятли жангларида душманнинг 8 мингдан ортиқ солдат ва офицерлари қириб ташланди. Бу жангларда кўрсатган жасорати ва қўшилмани маҳорат билан бошқаргани учун СССР Олий Советининг 1943 йил 8 февраль фармони билан Собир Раҳимов иккинчи даражали Суворов ордени билан муфотланди.

1944 йилнинг баҳор фасли. Қорлар эриб, ботқоқлар пайдо бўлган. Ана шу мураккаб, оғир шароитда Собир Раҳимов генерал П. И. Батов қўмондонлик қилаётган армияга хизматга келди.

— Мен Раҳимовни қўшилма офицерлари билан таништирдим,— дейди П. И. Батов.— С. Раҳимов ишга астойдил киришиб кетди. Ботқоқликни синчиклаб ўргангач: «Аскарларимизни чанғига миндирсак», деди у. Шундай қилинди ҳам. Ёғоч ва новдалардан эгиб, уларни ип ва чилвирлар билан боғлаб, чанғи шаклига келтирилди. Жангчилар чанғиларни оёқларига боғлаб, ботқоқликлардан бемалол ўтиб кетавердилар.

Оғир тўпларни ҳам ботқоқликдан олиб ўтишнинг иложи топилди. Танклар ёғочлардан ясалган тахталарга ўрнатилиб, икки томондан арқон боғлаб, шатакка олинди.

1944 йилнинг май ойи. Бобруйск операцияларини бошлаш учун пухта тайёргарлик кўрилаётган пайтлар. С. Раҳимов дивизиясининг ботир жангчилари барча техникани ботқоқликлардан ўтказиб, душман рўпарасига келтириб қўйди. Гитлерчилар Совет Армияси ботқоқлик томондан катта куч билан келишини сира кутмаган эди. Бу тадбир операциянинг муваффақиятини таъминлади. Натижада катта ғалаба қозонилди.

1945 йил январь ойининг биринчи ярмида «Висла» операцияси бошланиши керак эди. Бу операцияда генерал Собир Раҳимовнинг гвардияси жуда муҳим ва ўта масъулиятли вазифани бажариши лозим эди. Ниҳоят, 1945 йилнинг 14 январь куни эрталаб кўпдан бери кутилган шиддатли жанглар бошланди. Қудратли артиллериямиз душман истеҳкомлари ва иншоотларини, аскарларини ер билан яксон қила бошлади. Пайт пойлаб турган пиёдалар душман устига ташландилар. Жанг шиддатли тус олди. Ҳужумкор қисмларимизга қарши душман ўзининг учта ўққи дивизияси, танк бригадаси, тўплар бригадаси, миномёт полкларини жангга солган эди. Фашист солдатлари қаттиқ қаршилик кўрсата бошлади. Аммо совет жангчилари матонат ва шижоат кўрсатиб, 8 соатлик шиддатли олишувдан сўнг душманнинг олдинги позициясини ишғол қилдилар. Улар фашистлар билан окоп ва траншеяларда, дот ва дзотларда, очиқ майдонларда юзма-юз, яккама-якка жанг қилдилар.

Душманга тиним бермай қувиб бораётган қўшинларимиз 16 январь куни Висла дарёси бўйидаги Грауденц шаҳри остонасига етиб келди. Гитлерчилар шаҳар яқинида кучли мудофаа линиясини вужудга келтирган эдилар. Собир Раҳимов бошлиқ гвардиячилар Грауденц шаҳри учун 40 кун жанг қилди ва душман мудофаасини ёриб, шаҳарни озод этди. Сўнгра генерал Собир Раҳимов қисмлари Ғарб сари илгарилаб, Данциг шаҳрига етиб борди.

Данциг — катта порт шаҳри. Гитлерчилар шаҳарни қўлдан бермаслик учун Шарқий Пруссиядан, Болтиқ бўйи ва Помераниядан жуда катта қўшин олиб келди. Собир Раҳимов дивизиясининг аскарлари душман қаршилигини енгиб, қадам-бақадам олға силжирди. Аммо... шаҳар учун даҳшатли, омонсиз жанг бораётган бир пайтда шум хабар тарқалди: энг яхши гвардиячи дивизиянинг моҳир қўмондони, генерал-майор Собир Раҳимов Данциг учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Бу 1945 йилнинг 26 март куни юз берган эди.

Генерал Собир Раҳимов дивизиясининг солдатлари севимли генераллари учун душмандан қасос олдилар. Данциг шаҳри батамом озод қилинди.

Тошкентда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-майор Собир Раҳимовга ўрнатилган ҳайкал.

Номи тилларда достон бўлган ўзбек генерали Собир Раҳимов, 1922 йилда Қизил Армияси сафига кўнгилли бўлиб хизматга кирди. 1925 йилда Бокудаги ҳарбий мактабни тамомлаб, ўзбек отлиқ аскарлар дивизиясига ишга келди. Тожикистон тоғлари, Туркманистон саҳроларида босмачиларга қарши курашда актив иштирок этди. Бунда орттирган бой тажрибаси немис-фашист газандаларига қарши жангларда қўл келди. У Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. «Қизил байроқ», «Қизил Юлдуз» ва II даражали Суворов орденлари билан мукофотланди.

Генерал Собир Раҳимовнинг хотираси учун Тошкент шаҳри районларидан бири, кўчалар, метро станцияси, кинотеатрлар унинг номи билан аталмоқда. Қаҳрамон фарзандига нисбатан халқ эҳтироми чексиздир.

Лутфулла ҲАМРОЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси,
СССР Журналистлар союзи аъзоси

ҲАЁТ ТАСВИРИ

Таниқли рассом Баҳодир Жалоловнинг «Ҳосил байрами» асарини кўздан кечирганингизда олтин куз фаслининг сахий, тўкин-сочинлиги, мўъжизаларга тўла нашидали ҳаёт сурури, бахтиёр инсон ғурурини юрагингизда ҳис этасиз. Ўзбекистон кузининг ҳар бир дақиқаси ана шундай фараҳбахш. Бу қуёшранг, тароватли фаслнинг нафис бўёқлари, улуғворлиги, заҳматкаш, матонатли меҳнат кишиларининг шоду хуррамлиги, куз мусиқаси, япроқлар қатига табиат ёзган шеърий сатрлар — бир бутунлигича рассомнинг қалб туйғулари билан йўғрилиб, сўлим манзара ҳосил қилган.

Баҳодир Жалоловнинг ўзига хос оригинал асарлар яратиш, она табиатнинг қайтарилмас гўзал онларини йирик полотноларда рангин чизиб бера олиш қобилияти бундан ўн йиллар олдиноқ кўзга ташланганди. Шундан буён у республикамизнинг кўпгина гигант қурилишларида бўлиб, турар-жой, маъмурий бинолари ўз асарлари билан безади. Бу асарларда биринчи навбатда атроф-муҳит билан уйғунлик, меҳнат кишиларига хос соддалик, самимийлик, миллийлик, урф-одатлар ёрқин акс этган. Мўйқалам сеҳридан ҳайратга тушасиз! Уларда бутун бир Ўзбекистон барқ уради.

Рассомнинг Таллимаржон насос станцияси биноси деворига ишлаган ва репродукцияси журналимиз муқовасининг биринчи ва тўртинчи бетларида эълон қилинаётган суратини унинг авж пардаларда куйланган энг юксак қўшиғи дейиш мумкин. «Ҳосил байрами» деб номланган бу йирик полотнода асосан шукуҳли меҳнат тароналари акс этган. Асар композициясини ягона фикр — инсон, инсоннинг меҳнат туфайли эришган муваффақиятлари, бахту саодати ифодаси ташкил этади.

...Ҳамма ерда олтинланиб пишган ҳосил йиғим-терими бошланган тўкин-сочин куз кунларининг бири. Қуёш нурлари остида мамнун мева тўла саватни кўтариб келаётган аёл, гўдагини меҳр билан бағрига босиб, суюб эркалаётган она, шодлик, бахтиёрлик туйғуси билан тўлиб-тошган санъаткорларнинг карнай-сурнайи эзгулик — тинчлик рамзи бўлган каптарни мурғак қўлларида авайлаб ушлаб турган болакай образи. Бу тасвирланган одамлар орасида замондошларини диққат билан кузатиб турган яна бир одамга кўзимиз тушади, бу муаллифнинг ўзи:

Рассомнинг ижоди бу йил СССР Давлат мукофоти билан тақдирланганлиги бежиз эмас. Баҳодир Жалолов бундан кейин ҳам ана шундай дилларда эзгу ҳислар уйғотувчи ҳаётий, юксак асарлар ижод қилишига ишончимиз комил.

М. БОГДАНОВСКАЯ,
санъатшунос.

ҚУТЛУҒ ИЗЛАР

Оқилжон ҲУСАНОВ

МАШҲУР чўлқувар Мамажон Дадажоновнинг номини Жиззах областида, айниқса Дўстлик районида зўр ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар. Чунки чўлқувар қаҳрамон ўзининг жасоратли меҳнати, ташкилотчилик қобилияти ва ақл-заковати билан мазкур районда ўзининг қутлуғ изларини қолдирди.

Маълумки, Мамажон Дадажонов 1966 йили Андижондан Мирзачўлга келиб, биринчилар қатори қўриқ очишда қатнашди: ер ҳайдади, чигит экди, асрий чўлнинг дастлабки гули бўлган ғўзаларни парвариш қилди, кузда терим машинаси билан пахта терди, янги совхозлардан бирида бригада бошлиғи бўлди. Шу ерда унинг ташкилотчилик қобилияти ҳам намоён бўлди.

1968 йилнинг сентябрь ойида Мамажон Дадажонов чўлда очилган янги — 11-совхозга директор этиб тайинланди. Аслида янги совхозда ҳали дуруствроқ идора биноси ҳам йўқ эди. Одамлар эса жуда кам эди. Идора биноси асосан вагон-уйдан иборат эди. Мамажон Дадажонов янги хўжаликнинг ташкилий даврида ўз машинаси билан далада пахта теришга ҳам, ер ҳайдашаётган трактрочилар ҳолидан хабар олишга ҳам, қурувчиларнинг ишини тезлаштириш учун у ташкилотдан бу ташкилотга югуриб-елишга ҳам улгурарди. Қисқаси, у тунни тонгга улаб меҳнат қиларди.

Янги совхозда иш юритиш учун одамлар керак эди. Шунинг учун 1968 йилнинг сўнгги кунларида Мамажон ўзи туғилиб ўсган қишлоғи — Андижон область Марҳамат районидаги Шукурмерган қишлоғига бориб, тенгқурларини, ўзидан ёшроқ йигитларни меҳмонга чақирди.

— Оғайнилар, ўзларингизга маълум, ёшлигимдан гапнинг лўндасини яхши кўраман. Мен сизларни чўлга таклиф қилгани келдим,— деди у суҳбат орасида.— Мирзачўлни асрий уйқусидан уйғотиш учун сизу биздек шерюраклар керак. Мен чўлдаги янги совхозга директор бўлдим. Сизлардек оғайниларга ишониб, иш бошлаб юбордим. Қўллаб юбормасаларингиз бўлмайди...

Даврада ўтирган йигитлар бир-бирларига қараб олишди. Баъзиларнинг юз-кўзида: «Меҳмонга чақириши бежиз эмас экан-да», деган кайфият зоҳир бўлди. Бу ҳолат Мамажонга бироз қаттиқ ботди.

— Ўз уясидан нарини билмайдиган бўрсиққа ўхшамайлик, оғайнилар,— деди у даврадагиларга қарата.— Узимизни арслонга қиёс қилайлик, арслонлар ҳамиша ўз майдонини кенгайтириб туради.

— Бизга бир-икки кун муҳлат берасан, оғайни,— деди юқорироқда ўтирган Қўйсинбой Муллаев кўпчилик номидан.— Гапинг тўғри, ҳаммамиз ўзимизни шерга қиёслаб — йигитмиз деб юрибмиз. Лекин ҳар қайсимиз ким биландир — ё ота-онамиз билан, ё оиламиз билан маслаҳату муҳокама қилишимиз керак-ку... Масалан, шахсан мен, ўзинг биласан, район қишлоқ хўжалиги техникаси идорасида техника хизмати кўрсатиш бўйича бошлиқман. Еш эмасман, икки қизим, бир ўғлим бор. Сен билан чўлга кетишим мумкин, кўнглим талпиниб турибди. Лекин, ҳеч бўлмаганда, келининг Суйдихон билан бир оғиз маслаҳатлашмасам, уят бўлади-да.

Қўйсинбойнинг гапи меҳмонларнинг ҳаммасига маъқул келди... 1969 йилнинг январь-февраль ойларида Шукурмерган қишлоғининг анча-мунча йигитлари Мирзачўлдаги 11-совхозга кўчиб келдилар. Улар ўз дўстлари Мамажон Дадажонов бошчилигида янги хўжаликни оёққа турғиздилар, чўлда дурдоналар етиштириб, элу халқнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди, неча-неча баҳор келиб кетди. Эндиликда Дўстлик районидаги В. И. Ленин номли совхозга қадам ранжида қилган одам бу ерда Мамажон Дадажонов ва у билан баробар иш бошлаган жасур чўлқуварларнинг қутлуғ изларини кўради.

Қутлуғ излар, содиқ издошлар...

Мамажон Дадажоновнинг қишлоқдоши, бир маҳаллар ўз дўстининг таклифига биринчилар қатори «лаббай» деб жавоб берган Қўйсинбой Муллаев мана бугун шу совхозда биринчи бўлимни бошқараяпти. Мазкур бўлим 1983 йили 580 гектар пахта майдонидан 32 центнердан «оқ олтин» етиштирган эди. Бўлим пахтакорлари бу йил миқёсни янада кенгроқ олдилар: пахта майдонини 770 гектарга етказдилар, ҳосилдорликни 35 центнерга етказдилар. Пахта тайёрлаш бўйича олинган мажбурият ноябрь ойининг дастлабки ҳафталарида бажарилди. Айниқса Рашид Нурлибоев, Тўлан Дадажонов, Пайзихўжа Мамажонов бошлиқ бригадаларда пахта етиштириш бўйича юқори кўрсаткичларга эришилди.

Машҳур чўлқуварнинг укаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажоновнинг номи айтилганда, табиийки, уни бир кўриб кетиш истаги туғилади. Шу боисдан бўлим бошқарувчиси Қўйсинбой Муллаевдан қаҳрамоннинг қаердалигини сўрадик.

— Тўланбой ҳозир Жиззах область шифохонасида...

— Ие, тинчликми?

— Механизаторларимиздан бирининг машинаси бузилиб қолган экан. Куюнчоқ одамда Тўланбой. Машина устига чиқиб, ҳалиги қусурни тузатаётган маҳали қўли сирпаниб кетиб, йиқилиб тушибди. Битта қовурғаси лат ебди. Бу йилги теримда деярли қатнашолмади бояқиш. Лекин Тўланбойнинг бу ерда йўқлигини билдирмаяпмиз. Масалан, унинг ўғли Валижон Дадажонов бу йил мавсумда дадасининг терим машинасини бошқарди, 150 тоннадан ошириб пахта терди... Бўлимимиздаги механизаторлардан Карим Нурлибоев, Янгибой Самсарбоевлар ҳам ўз машиналари бункеридан 100—150 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкдилар.

Қўйсинбой Муллаевнинг ўзи ҳам — Мамажон Дадажоновнинг содиқ издошларидан. Мамажон дўстининг ёнида чўлга отланган пайтда Қўйсинбой 28 ёшда эди. Шундан бери у Жиззах чўлини ўзлаштириш, чўлда мўл пахта етиштириш бўйича олдинги сафда бораётир. Қўйсинбой дастлаб чўлга келган йиллари совхозда бош инженер ўринбосари, сўнгра бош инженер бўлиб ишлади. 1970 йил октябрь ойидан бошлаб бўлим бошқарувчиси бўлди. Бу вазифада у саккиз йил хизмат қилди. Кейин уч йил давомида совхоз ишчилар комитетининг раиси вазифасида ишлади. Ўртада бир йил қўшни Пахтакор районидаги Кичанов номли совхозда бош агроном бўлиб хизмат этди. 1983 йил апрель ойида эса, яна ўзининг чўлда «кўз очиб кўрган» совхозига қайтиб келди.

— Чўлқуварлик менга чинакамига бахт берди,— дейди Қўйсинбой ўзаро суҳбатда.— Бу ерга келгунимча, учта фарзандим бор эди. Чўлда яна уч ўғилнинг отаси бўлдим. Катта фарзандларим бўйга етиб қолишди, институтларда ўқишаяпти. Дўстим Мамажонга эргашиб чўлга келдик, мана, кам бўлганимиз йўқ. Қўлимиздан келганича социалистик жамиятимиз ишига ҳисса қўшиб келмоқдамиз.

Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади, дейди халқимиз. В. И. Ленин номли совхознинг марказий истироҳат боғини, бўлимларга тегишли мевазорларни айланган киши беихтиёр ана шу ҳикматли сўзни ёдга олади. Мамажон Дадажонов ўзига топширилган янги совхозни ташкил этиш, оёққа турғазиш давомида пахта етиштириш билан бирга чўлда боғ-роғлар яратишга ҳам алоҳида эътибор берди. Бугунги кунда ана шу боғлар машҳур чўлқуварнинг қутлуғ излари сифатида кўрган кўзларни қувонтириб турибди. Бу боғлардан териб олинаётган тонна-тонна олма, шафтоли, беҳи, нашвати ва узум ҳосили ҳар йили совхоз аҳлининг дастурхонини безаётир.

Қисқаси, Мамажон Дадажоновнинг садоқатли, меҳнатсевар издошлари чўлда боғу бўстонлар яратишни давом эттирмоқдалар, Қаҳрамон чўлқувар барпо этган боғлар, совхоз территориясидаги йўл ёқаларида саф тортиб турган сон-саноқсиз манзарали дарахтлар қишин-ёзин заковатли инсонлар шаънига таҳсин айтаётгандек туюлади кишига.

Пскент шаҳри пенсионерлари пахтакорларга кўмаклашдилар.

АДИБ ХОНАДОНИДА



(САДРИДДИН АЙНИЙ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРДАН)

Қурбоной УБАЙДУЛЛАЕВА

Самарқанд. 1950 йилнинг апрель ойи эди. Одатдагидек эрталаб ишга келишим билан мени «Ленин йўли» газетасининг редактор ўринбосари Темур Маъруфий йўқлаётганини айтишди. Борсам, Темур ака Раҳим Ҳошимов билан суҳбатлашиб ўтирган эканлар.

— Мана, мен айтган қизимиз,— деди Темур Маъруфий менга жой кўрсатиб.— Сиз бу кишини корректор сифатида танийсиз, аммо машинисткаликдан ҳам хабарлари бор. — Сўнг менга юзландилар.— Устод Садриддин Айний хонадонларида ишлаш учун шахсий машинистка керак экан. Мен сизни тавсия қилгандим... Таклиф сизга маъқулми?

Мен нима дейишимни билмай довдираб қолдим. Забардаст ёзувчининг асарларини бекаму кўст машинкада кўчириш катта масъулият юклашидан ташқари, негадир Садриддин Айний деганда, кўз ўнгимда ўта салобатли, жиддий қиёфали бир киши гавдаланиб, у кишига рўпара бўлиш мени ҳайиқтирарди. Лекин бу андишаларнинг ҳаммасидан адиб билан учрашиш, танишиш иштиёқи устун келиб, таклифни қабул қилдим.

Раҳим ака билан келишиб олганимизга мувофиқ эртаси куни барвақт туриб, адиб хонадонига йўл олдим. У киши бизнинг маҳалламизга яқин жойда — Лабиғор торқўчасида яшар эдилар. Эски шаҳар билан янги шаҳарни боғлаб турувчи марказий Регистон кўчасининг муюлишида жойлашган икки қанотли қизил дарвоза илгаридан менга таниш бўлиб қолган. Лекин бирор марта ҳам адиб билан кўришиш менга насиб бўлмаган эди. Бу гал улкан адиб хонадонига келаётганимдан қаяжоним ичимга сиғмай, олам-олам фахру қувонч билан ўзимга таниш ўша қизил дарвозага яқинлашдим-у, аллақачук суст босиб,тўхтаб қолдим. Мўлжалдан барвақтроқ келган эканман, шекилли, ҳали Раҳим Ҳошим кўринмасди. Нима қилишимни билмай, бир зум аланглаб тургач, қия очиқ дарвозадан секингина ичкарига мўраладим.

Гулларга бурканган чоққина ҳовли. Ўнг томондаги уйлар олдига ғиштин супа кўтарилган бўлиб, ундан ичкарига кириладиган эшик ҳовлининг ички ва ташқи саҳнлардан иборат эканлигини билдириб турарди. Супа атрофи ва саҳнни гир айлантириб экилган рангоранг гуллар, бир-икки туп мевали дарахт, ўрталикда кўм-кўк бўлиб яшнаб турган райҳон, жамбил ва турли хил кўкатлар ҳовли ҳуснига ҳусн кўшиб, ажиб бир манзара касб этганди. Кулранг матодан тикилган китель устидан пахталик симоби чопон кийган, миқтидан келган, ўртадан пастроқ бўйли, зангори духоба дўппили, ҳаракатлари тетик, оқсоқол бир киши радиодан берилаётган ҳазин куй маромида бош тебратганча мис кўзачадан гулларга сув қуйиб юрарди. Бир қарашда бу кишини таний олмай, бирмунча вақт қараб тургач, дарвозани оҳиста ёпганимча орқага қайтган эдим: «Ким у? Марҳабо! Кириng! Кираверинг!» деган бўлиқ овоз ва яқинлашиб келаётган оёқ шарпаси эшитилди. Зум ўтмай қаршимда пайдо бўлган бояги кишини кўриб, ўзимни йўқотаёздим. Зўрга салом бердим.

— Ваалайкўм! Келинг, қизим, хўш, хизмат?!

Мен нима дейишимни билмай, ер чизганимча жим туравердим. Ҳаяжонланганимдан тилимга жўяли бир гап келмасди.

— Э, дарвоқе, сиз Темуржон менга йўллаган машинистка бўлсангиз керак-а? Номингиз Қурбоноймиди?! Қани марҳабо, ичкарига кириng!

Мен бу гаплардан ёзувчи Садриддин Айний шу киши эканликларини билган бўлсам-да, лекин негадир ишонгим келмай ҳайратомуз қараб турардим.

Устоз мени яна бир бор таклиф этгач, салмоқдор қадам ташлаб, ёшларига нисбатан анча дадил бир ҳаракат билан илдам юрганча, ичкари ҳовли эшиги ёнида тўхтадилар:

— Холапошшоси, қани бу ёққа чиқинг-чи. Қаранг, Темуржон бизга қандоқ машинисткани юборибди.

Ичкаридан ўрта бўй, тўладан келган, эллик ёшлар чамасидаги хушсурат бир аёл чиқиб, мен билан худди ўз қизларидай яқин олиб кўришгач, сўриток тегидаги ясатилган стол томон бошладилар. Бу ерда оила аъзолари ўзаро нима ҳақдадир гурунглашиб ўтиришар, сал нарироқда, гулхоналар ўртасига қўйилган юмалоқ стол атрофида эса салобатли, кийим-боши ўзига жуда ярашиб тушган, кўркам, худди устозга ўхшаб кетадиган бир йигит қандайдир катта бир китобни варақлаб, ундан нималарнидир ёзиб олиш билан банд эди. Бу — адибнинг ўғиллари Камол Айний экан.

— Танишинглар, бу қизим шоир Темур Маъруфийнинг қўлида ишлайдиган машинистка. Исмлари Қурбоной. Ишимизнинг шаклу мазмуни маъқул келиб қолса, эҳтимолки, бизда муқим ишлаб қолсалар ва биз ҳам машинистка қидиришдан халос бўлсак.

Мен ботинмайгина оила аъзолари билан бир-бир танишиб, сўрашиб чиқдим. Оила аъзолари суҳбатларига қулоқ солиб ўтирарканман, нариги столда ота-бола — адиб билан Камол ака қандайдир масала юзасидан қизғин баҳсга тушиб кетдилар.

Устознинг уч нафар фарзандлари бўлиб, ўша йиллари Холида ва Лутфия исмли қизлари Москвада, Камол Айний Ленинградда таҳсил олишар экан. Камолиддин ака илмий иши юзасидан ҳар гал Душанбега ўтганида Самарқандга тушиб, ота-оналарини кўриб ўтар, баъзан айрим масалаларда йўл-йўриқ олиш учун атайлаб келиб турар экан.

Мен дам-бадам эшик томон қараб, Раҳим Ҳошимнинг келишини ва ишни тезроқ бошлаб юборишни сабрсизлик билан кутардим. Устоз буни сезди шекилли, ўғиллари билан бўлган суҳбатга хотима бериб, соатига қараб олди ва бизга ўгирилиб:

— Оҳ-ҳо! Вақт ҳам бамисоли шамол, елиб-югуриб илгарилаб кетибди-ку! Мулло Раҳимдан нечун шу вақтгача дарак бўлмаяпти экан? Бесабаб бу қадар кеч қолиш одати йўқ эди унинг, — деди...

Раҳим Ҳошим анча кечикиб келди. Устоз Айний иккаласи суҳбатлашиб олгач, бизлар билан бошлашиб машинистка хонасига кўтарилди ва иш тартиби, асарларни неча нусха кўчириш, сифат даражаси, ҳатто ёзиш техникасига оид баъзи нарсаларни тушунтирди.

Мен ишга киришдим.

...Дарвозадан кираверишда, чап томонда қурилган мўъжазгина болохона машинисткага мўлжалланиб, ремонтдан чиқарилган ва шинамгина қилиб жиҳозлантирилган эди. Қабулхона ва меҳмонхона ташқари билан ички ҳовли ўрталигида жойлашгани учун ҳар икки томондан ҳам эшик қўйилган уйлар тагидаги ертўла кутубхона вазифасини ўтарди. Ички ҳовлининг тўрида шарқона йўсинда қурилган токчали, меҳробли уй устознинг ижодхоналари бўлиб, деярли барча асарлари шу уйда ёзилган экан.

— Устозингиз шу уйдан бошқа жойда иш қилолмайдилар,— дер эди Холапошшо менга ичкаридаги уйларни бир-бир кўрсатар экан,— билмадим, қарилик аломатими ёинки асар ёзишни биринчи бор шу уйдан бошлаганлари учунми, ҳарқалай, бу уй у кишига жуда қадрдон бўлиб қолган. Қаергаки борсалар, ёзадиган китоблари учун керакли материалларни олиб келиб, ёзишчизишни шу ерда қиладилар. Хусусан, кейинги пайтлар шунақа, сал инжиқроқ бўлиб қолдилар. Иш столларига ҳеч кимни яқин йўлатмайдилар. Керакли китоб-қоғозлари мана шу тартибда жой-жойида туриши лозим эмиш. Ҳар бир ишда сариштасаранжомликни, тартиб сақлашни ҳуш кўрадилар.

Устознинг нозиктаъбликлари, биз ишлайдиган хонанинг жиҳозланишида ҳам кўриниб турарди. Унчалик катта бўлмаган, ёруғ бу уйда машинка столидан ташқари, яна бир катта ғаладонли стол, икки-учта тумбочка, диван, уч-тўртта стул ва яна бошқа керакли нарсалар қўйилганлиги туфайли, ҳадеганда, пастга тушиб-чиқишга ҳожат қолдирмасди ва иш унумини таъминларди.

Консультация ва суҳбатлар ёз пайтлари ташқи ҳовлида — дарахтлар соя-салқинида махсус тайёрланган жойда, қиш фаслида меҳмонхонада белгиланган соатларда ўтказиларди. Қабул кунларидан ташқари ҳам турли масалалар билан узоқ-яқиндан келиб турувчилар анча-мунчани ташкил этарди. Устоз уларнинг айримларини ичкарига — меҳмонхонага таклиф қилсалар, баъзилари билан ташқари ҳовлидаги гулхона ат-

рофига қўйилган скамейкада ўтириб, қисқагина суҳбатлашиш билан кифояланардилар. Келиб-кетувчилар болохонанинг ҳовлига қараган деразасидан бемалол кўриниб турганидан: «Булар билан банд бўлиб, ўз ишларини ҳам вақтида ёзолмасалар керак»,— дея ўйлардим.

— Парво қилманг, устоз ҳеч қачон вақтларини беҳудага кеткизган эмаслар ва кеткизмайдилар ҳам. У киши ҳар бир келувчига алоҳида муддат ажратиб, ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйганлар. Шунинг учун ҳам вақту бевақт келувчилар ижодий ишларига заррача халал етказмайдилар. Эшикдаги эълонни ўқигандирсиз? Бу ерга келувчи ҳар бир киши шунга қатъий амал қилади. Амал қилмаса, устоз уларга эслатиб қўядилар,— дер эди Раҳим ака.

Чиндан ҳам қабулхонага кираверишдаги эшик орқасида қуйидаги эълон бор эди:

1. Қабул кунларида ва кўрсатилган муддатда келишга ҳаракат қилиш;

2. Узоқ вақт ўтириб қолмаслик;

3. Кеч келиш (кечаси) ва тунаб қолмаслик;

4. Аниқ бир мақсад кўзлангандагина келиш...

Бизлар эрталаб барвақт келиб иш бошлашга одатланганмиз. Устознинг: «Иш қанча барвақт бошланса, шунча унумли ва сифатли бўлади, ишлагувчини ҳам толиқтириб қўймайди, аксинча, бардам-бақувватлик, яхши кайфият бахш этади», деган сўзларига қаттиқ амал қилардик. Бу ишда у кишининг ўзлари бизга намуна кўрсатарди. Баъзи кунлар мен Раҳим акадан ҳам барвақтроқ келиб, ёзилган варақларни нусхаларга ажратиб, қоғозларни тахт қилиб қўярдим. Қай маҳал келмайин, дарвоза доимо очиқ, устозни ичкари ё ташқари ҳовлида гулларга қараш, дарахтларни суғориш ва бошқа шунга ўхшаш ишлар билан машғул ҳолда кўрардим.

Иш кунининг ҳар икки соатида беш-ўн минут танаффус қилиш бу хонадонда одат тусига кириб қолганди. Адиб кўпинча бизнинг хонамизга кўтарилиб, ишларимизнинг бориши ва бошқа тўғриларда Раҳим ака билан суҳбатлашиб ўтирар, қизиқ-қизиқ воқеалардан ҳикоя сўзлаб, руҳимизни кўтариб кетар эди. Қисқа муддатли бу ҳордиқ чиқаришдан сўнг ўзимизда қандайдир янги бир куч, ғайрат пайдо қилиб, яна ишга киришардик. Тушликдан сўнг адиб қўлларини орқага қилганча бир зум ҳовли саҳнида айланиб юргач, Раҳим Ҳошимни пастга чорлаб, ўтганкетганлардан суҳбатлашиб ўтиришни хуш кўрарди.

— Байтбаракка майлингиз қалай, мулло Раҳим, келинг, ким ўзарга бир байтбарак айтишайлик-чи?— дея бир нуқтага тикилганча Навоий, Фузулий, Рудакий, Аҳмад Дониш ғазалларидан бир қанчасини завқу шавқ билан ёдаки ўқигандан кейин байтбарак қоидаси ёдига тушарди, шекилли, навбатни Раҳим Ҳошимга берарди. Устоз уйда маҳалида ишимиз завқли, кайфиятимиз баланд, ҳамма ёқ тўлиб тургандек, беморлигида ё сафарда юрган чоғида борлиқ ҳувиллаб қолгандек бўларди. Хусусан, тушки дам олиш пайтлари у кишининг йўқликлари жуда билинар, келишлари билан эса, яна одатдаги ичак узди кулгили гаплар, ғазалхонликлар бошланиб кетар эди.

...Иш бошлашимиздан олдин папкаларда тахланиб ётган қўлёзмаларнинг кўплиги мени чўчитиб юборган бўлса, бора-бора бу шубҳаларимдан асар ҳам қолмади. Чунки биз орадан кўп ўтмай «Қуллар» романини қўлдан чиқариб, иккинчи асарни кўчиришга киришган эдик. Шу иштиёқ, тезкорлик билан ишни давом эттирадиган бўлсак, мўлжалдаги ҳамма ишларни бажаришга бемалол улгуриш мумкин эди. Болалигимдан ўзимга таниш бўлган ҳам қизиқарли, ҳам ачинарли ҳодиса-воқеаларга бой бу асарларни ҳеч қийналмасдан, завқу шавқ билан тезроқ ёзишга ҳаракат қилардим. Баъзан ишга қизиқиб кетиб, дам олмай ишлаганимиз кўринишимиздан сезилиб қолса, устоз Айнийдан танбеҳ эшитардик:

— Бу дейман, менинг йўғимдан фойдаланиб, ўзларингни қийнаб қўйган кўринасизлар. Бир-бир нафас ростлаб олмай, сурункасига ишлай бериш, керагидан ортиқча ҳаракат билан ўзни толиқтириб қўйиш бефойда. Ҳар ишнинг ўз вақти-соати ва меъёри борки, бунга риоя қилмаслик ишнинг ривожини оширмайди, балки сусайтиради. Унумли, сифатли ишлаш учун вақтида дам олиш, тамадди қилиш ва сайру томошанинг нафи катта. Донишмандлар: «Ҳолига қараган ҳоримас», деганлар.

Устоз адибнинг ўз иш услуби бор эди: эрта саҳар соат тўрт-бешларда турар, тонгги концерт бошланишига қадар ижод билан шуғулланар, нонуштадан кейин яна ишни давом эттирар эди. Куннинг иккинчи ярмида ижодий иш билан шуғулланмай, келувчиларни қабул қилиш, хатларга жавоб йўллаш, мутолаа қилиш, учрашувларда иштирок этиш ва бошқа зарурий ишлар билан банд бўларди. Ҳафтада бир кун консультация ва бир кун ижодкорлар билан ишлашга ажратилган бўлиб, бу машғулотлар иш ва ўқишга халал етказмаслиги учун кўпинча дам олиш кунлари кечга томон ўтказиларди. Бу ишлардан ташқари, устоз адиб маҳалла кўйда бўлиб турадиган иссиқ-совуқ лозим мадаларга иштирок этиш, меҳмондорчиликка бориш ва меҳмон кутиш, сайру томошага чиқишга ҳам бемалол вақт топарди.

Садриддин Айний сўнгги йилларда нафас қисиш касалига дучор бўлган эди. Бу дард тез-тез хуруж қилар, ҳарорати кўтарилиб туришига қарамай, ўзини имкон борича бардам тутишга, касаллик олдида енгилмасликка тиришар ва ҳеч қачон хасталикдан нолиб, шикоят қилмас, қалин адёлга ўралиб олганча, худди соғлом пайтлардагидай ишлаб ўтираберар эди. Бундай пайтларда осойишталикка қаттиқ риоя қилишга, хонамизнинг эшик-деразаларини ёпиб олиб, ортиқча гап-сўз, ҳазил-мутойибага чек қўйган ҳолда эҳтиёткорлик билан ишлашга ҳаракат қилардик. Хонадонда алланечук ноҳуш кайфият, юракни энтиктирувчи сукунат ҳукм сурарди. Бу эса адибга ёқмасди.

— Шундоқ иссиқ, нафас қайтар кунда деразаларни нечун ёпиб қўйдинглар, Қурбоной?— пастдан туриб мурожаат қиларди устоз.— Бетоблигимда ҳар турли шовқин-сурон, талатўпни хуш кўрмасам ҳам, мошинканинг чиқ-чиқи менга халал бермайди, аксинча илҳомлантиради. Одамларнинг овози, мошинканинг ишлаб туриши — демакки, менинг ишим давом этаётгани, аҳволи руҳиям жойидалигидан далолатдир. Бемалол ишлайверинглар.

Қашқадарё областидаги гидротехника иншоотларидан бири. Қурилиш трестининг бош инженери В. Парамонов, бригада бошлиғи А. Расулов ва участка бошлиғи Р. Петросян.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)

ЧЎПОННИНГ КЕЛИНИ

СОВЛИҚЛАР аллақачон қўзилаб бўлган. Ям-яшил кенгликларда, қўй-қўзиларнинг янгроқ «ба-бў»си баҳор тароватига тароват бағишлайди. Ҳали эгнидан келинлик либоси тушмаган Ойзода дамбадам қўзичоқларни тутиб олиб эркалайди. Мунчоқдек кўзларига тикилиб, дўнг пешоналарини силайди.

Қўйхонадан сал нарида эса, совхоз молхонаси бор. Сигирлари лорсиллайди. Ойзода келин бўлиб тушибдики, кўнглининг ярми ўша ёқда, оппоқ халат кийган соғувчи қизларга, келинчакларга ҳаваси келади. Улар «пов-пов» сигир соғишади, меҳнатдан бир ажиб завқ туйишади.

Ойзоданинг қалбида бир чўғ ял-ял ёнади...

— Ота! Соғувчи бўламан.

Келинининг қатъийлигидан, меҳнатнинг заҳматлисини танлаганидан Усмон чўпон мамнун бўлди. Энди оила ҳақиқий чорвадор оилага айланди. Ойзода сигирлари атрофида парвона бўлар, уларни ювиб-тарар, мулойим ва нозик бармоқлари билан говмишларни ийдирар, елинларини силаб-сийпалаб, челакларни сутга лиммо-лим тўлдирар эди.

Йиллар ўтди. Ойзоданинг юзи эл олдида ёруғ бўлди. Сийловига яраша сигирлар ҳам уни сийлади. У узоқ йиллик тажрибадан билдики, ҳар бир муваффақиятнинг калити ишдаги қўним, касбга нисбатан чинакам меҳр экан. У ўз зиммасига олган мажбуриятларини бурчим, деб адо этар экан, бирор марта бўлса ҳам шуҳратни ўйламади. Сохта обрў кетидан қувмади.

...Район марказида катта йиғин. Унда совхоздан кўпчилик қатнашади. Ойзода Тўланова ҳам. Унга ҳам сўз беришади, кеча партком секретари айтган. Ойзода ҳаяжонланади. Ахир, бундай катта йиғилишда сира сўзламаган-да. У минбарга чиқиб, нима иш қилаётган бўлса, шуни гапирди. Тўғри, озроқ ҳаяжонланди. Бироқ, минбардан тушганида ўзини қушдай енгил ҳис этди.

Ташқарига чиққанида муздек шабада унинг юзларини силаб ўтди. Емғирдан кейинги мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Ҳамма ёқ кўм-кўк, назарида олам яшариб кетгандай. Япроқларга инган ёмғир томчилари товланади. Қулоғи остида эса ҳамон унинг сўзларини маъқулловчи қарсаклар гувиллайди.

Ҳаёт! Оҳ, қандай яхши! Инсон ардоқда, меҳнати ардоқда.

Ойзодахон шошиларди, сигирларининг ҳоли нима кечди экан. Ахир, кечки соғин вақти бўлиб қолди-да, тезроқ етиб бориши керак. Соғин кечикса, сигирларнинг сути қочади. Говмишлари шунга ўрганган. Ойзода молхонага келибоқ оҳорли кийимлари устидан жомакорини кийди, шошиқиб сигирлари ёнига борди. Жониворлар уни кўриб, бош силкишарди, гўё «саломлашарди». У «Ўрдак» лақабли сигирининг ёнида анча турди. Сигир узун тилини чиқариб яланди, тепинди. Қайсидир сигир чўзиб маъради. «Ҳозир... ҳозир бораман»,— деди Ойзодахон ўша томонга қараб.

Ойзода говмишларини тиним билмай парваришларди. Бироқ... Оҳ, унинг ўша говмишлари! Ойзода молхона эшиги ёнига боролмайдиган бўлиб қолди, юраги орқага тортади. Наҳотки «Савай» номли улкан хўжаликда битта ҳам қорамол қолмаса?!

...Совхоз фермасига Москвадан комиссия келди. Улар орасида таниқли олимлар, мутахассислар ҳам бор эди. Ҳамма жониворларнинг, шу жумладан Ойзодахонга қарашли сигирларнинг ҳам кўзига дори қуйилиб, профилактика ўтказилди. Ойзодахон эртаси куни уларни кўриб, вужудини ваҳима босди. Сигирларнинг кўзини шапақ босганди... Бруцеллёз!!!

Молхона ялписига муҳофаза остига олинди. Комиссиянинг хулосаси тўғри эди. Совхознинг ветеринария врачлари, зоотехникларнинг масъулиятсизлиги оқибатида шундай аҳвол рўй берган эди. Улар бепарволиклари учун тегишли жазо олдилар. Бироқ... Бу масала район партия комитети бюросида алоҳида муҳокама қилинди, жадал чоралар кўрилди. Аммо, муҳокамалар ҳам, жазолар ҳам ўз йўлига эди. Йўқотилган чорва ўрнини қоплаш керак, Ойзодахон, Паттихон, Расималар сигир соғиши керак! Улар қайтадан «қўриқ» очишлари керак! Совхоз маъмурияти, партия комитети, барча коммунистлар олдида ана шундай масъул вазифа турарди.

Обдон дориланган ферма йўлаги, молхона эшиги маълум муддатдан кейин яна очилди. Қирғизистондан зотли сигирлар келтирилди. Ойзодахон янги «меҳмонларни» кўриб, севинди. Унинг кўрасига ҳам файз кирди. У «Артисткасига», «Кийигига», «Ўрдагига» ўхшаганларини қидирарди. Сигирларнинг ёнига бориб, ўзича улар билан «гаплашар», «танишар» эди. Тез орада янги лақаблар пайдо бўлди. «Холис» — елинида холи бор сигир, «Қорақош» — пешонаси тим қора говмиш...

...Қор учқунлаб турибди. Ойзода эрталабки соғиндан кейин нонушта қилиш учун уйига шошди. Қўлига эндигина пиёла тутган ҳам эдики, фермадан сўраб келишди.

— Ойзода опа, сизни чақиришаяпти.

— Нима гап, тинчликми?

— Хўжаободдаги «Ўзбекистон» колхозидан қизлар келишибди.

Соғувчиликда қандай сир бўлиши мумкин? Фермага ким келса, доим бир хил савол билан мурожаат қилади.

— Битта сир бор,— жавоб беради соғувчи.— Меҳнат! Ундан қочмаслик керак. Сигир ялқов соғувчини ёмон кўради, сутини бермай қўяди.

Ойзодахоннинг ўгитлари, ҳаракатлари, қаровлари ўша Жалолқудуқдан келган уч аёлга уч йиллик мактаб бўлди. Энди эса, қўшни райондан келишибди. Бир кунга... бир кунда уларга нимани ҳам ўргатиш мумкин?! «Савай» совхоз-техникуми! Ўз номи ўзи билан каттагина хўжалик. Бу ерда бир кунда сабоқ олиб, тажриба ўрганиш қийин. Аммо уларни кўп нарсалардан хабардор қилиш мумкин.

— Агар меҳнатдан қочмасаларинг, сут булоғи тошаверади. Гап молларни парвариш қила билишда. Эрталаб сигирларимга — атала, кейин ем-хашак бераман. Ҳаво совиб қолса, озуқани бироз кўпайтирамиз. Берадиган сутига қараб озуқа солинади. Баъзи сигирларимдан бир кунда 20—25 килограммдан сут соғиб оламан. Уларга албатта кўпроқ озуқа бераман. 21 бош сигиримнинг ҳаммаси тартибли. Биринг охуридан бошқа бири озуқа емайди. Сайрдан кейин фақат ўз жойига бориб туради. Демак, молнинг ҳам ўзига хос феъли бўлади. У бир хил қаровга, бир кишига, аниқ бир вақтда озуқа ейишга, сийловга ўрганади...

Ойзодахон ўзи ҳақида гапириши керак эди. Гапнинг буёғини нимадан бошлашни билмай, бироз ўйланиб қолди. Буғдойранг юзи жиддийлашиб, қалин қошлари чимирилди.

— Олти фарзандим бор. Бешови олий маълумотли бўлди. Кенжатойим Гулчеҳра ўзимнинг изимдан бормоқчи. Қизим қўлимдан ишимни олган куни яна бир бахтга эришаман...

У қизларни махсус хоналарга бошлади. Ойзода яна нималар ҳақидадир тўлиб-тошиб гапириб бергиси келарди. Балки ўзи иштирок этган КПСС XXVI съезди ҳақидадир, балки оддий чўпон келинининг шунчалар иззат ва ҳурматга эришуви фақат Советлар мамлакати шарофатидан эканлиги тўғрисидадир. Балки... Ҳа, унинг кўзларида турмушидан, меҳнатидан мамнунлик акс этади. Оддийгина қишлоқ аёли кўксида Олтин Юлдуз юзига ёғду сочиб порлаб турар, уни улуғвор кўрсатар, оғир ва машаққатли, шарафли касбидан гўё ҳикоя қилар эди.

Ойзодахоннинг атрофида ажойиб кишилар бор. Улар коммунистлар, чорва мутахассислари. Уларнинг асосий эътиборлари СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини тўла амалга оширишга қаратилган. Программада ривожланган сут чорвачилиги районларида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган ўртача йиллик сут миқдорини 4 минг килограммга етказиш вазифаси қўйилган. Бу юксак мажбуриятлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Ойзода Тўланова ишлаётган Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумида ҳам муваффақиятли равишда бажарилмоқда. Ҳар бир чорвадор партия даъватига амалий иш билан жавоб бермоқда. Ойзода Тўланова ҳозирги кунда ўзига қарашли 21 бош сигирнинг ҳар биридан бир ойда 5 минг 400 ўрнига 6 минг 800 килограммга етказиб сут соғиб олаётир. Паттихон Абдуазимова, Расима Муҳамедзянова, Ортиқхон Тошлонова, Дилбархон Раҳимова, Ҳайитхон Ортиқова сингари илғор соғувчилар ҳам ўз устозлари Ойзода Тўланованинг изидан бориб, тобора юксакроқ меҳнат зафарларини қўлга киритаётирлар.

Андижон

Раҳбар ФАЙЗИБОЕВА

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Гилам

ҲИКОЯ

Ҳамид ТОЖИБОЕВ

Бахт қуши ҳар кишига турли вазиятда келиб қўнади. Обид аканинг ўртанча қизи Ойсанам ҳам ўз бахти-иқболини олий ўқув юртини тугаллаб, лойиҳалаш илмий муассасига ишга келгандан кейин учратди. Ўрта мактабни битириш арафасидаёқ Обид акалар остонасидан совчиларнинг қадами узилмай қолди. Токи институтни тамомлаб чиққунча ҳам узоқ-яқин маҳалла-куйлардан совчилар келиб-кетиб туришди.

Обид ака қизини жондан суярди, шу боис унинг раъйига қарар эди. Совчиларга эса камтарона:

— Бизга мақбул тушган йигитни у ёқтирмайди, биз энди қизимизнинг ихтиёрини сўраймиз, — деган жавоб билан кифояланарди.

Қадди-басти келишган, камсуқум, ақлли-ҳушли ҳамкасаба Қувноқбек қиз юрагининг бир чеккасига жиз этказиб оташ тегизиб олди. Лекин сир бой бермаслик фазилати ҳаё-иболи қизнинг қонига она сути билан кирган. Қувноқбек ҳам бир лаҳза уни кўрмай қолса, муҳим бир нарсани йўқотиб қўйган кишидек гангиб қолади. Висол онларига етгунга қадар қанчадан-қанча риёзатлар чекди. Ғойибона бу маликани у идора ҳовлисидаги хиёбонда учратар, гулдасталар ҳадя этар, аслида эса унга яқинлашишга журъат этолмас эди. Ниҳоят, юлдузлари юлдузларига тўғри келиб, никоҳ онларининг завқини ҳам тотдилар. Ташна қалблар туташди. Еш келин-куёв тўй сайри қилиб Москва, Ленинград, Болтиқ бўйини ҳам саёҳат этиб қайтишди.

Бироқ... Тасодиф оёқ остида юради, деб бежиз айтмаган эканлар. Кунлардан бирида электр қўнғироқ жиринглаб қолди. Қувноқбек эшикни очди. Остонада Обид аканинг ҳамсояси Жўшқин қассоб турарди. Кўзлари бежо аланглайди. Иккала эркак ҳам ноқулай вазиятга тушиб, бир зум дудуқланиб қолишди. Қуруққина салом-аликдан сўнг Қувноқбек меҳмонни ичкарига таклиф қилди. Жўшқин кўнмади.

— Шундоқ ўтиб кетаётгандим, — деди Жўшқин, — остоналарини босиб ўтсам яхши бўлмас дедим-да... ҳа майли, бошқа вақтда келарман.

Қувноқбек уввало илтимос қилмасин, Жўшқин қассоб остонадан ҳатлаб ўтмади. Гапи-сўзи ҳам қовушмай оғзидан уқаланиб тушаверди. Бир пиёла чойга ҳам рози бўлмай, хайр-маъзурни насия қилди.

— Ким экан у? — дея сўради Ойсанам эридан. — Яна водопроводчими?

— Йўқ, водопроводчи эмас, бошқа одам, — деди ғудурланиб Қувноқбек.

Ойсанам билса эди, ким келиб кетганлигини. Эри айтмади. Жўшқиннинг тўсатдан пайдо бўлиши, лом-мим демай изига қайтиши ўзини эр билган ҳар қандай кишини ҳам шубҳа дарёсига улоқтириб ташлайди. Нимага келди-ю, нимага орқа-олдига қарамай, қуён қочди қилиб қолди? Наҳотки... Йўқ, ундай пасткашликка, разилликка бормас. Ахир, ён қўшни-ку. А, лаббай? Ен қўшни?

Шу кундан эътиборан, келинкуёв ўртасидан оламушук ўтгандай, муносабатларини муз қоплай бошлади...

Эшик қўнғироғи жиринглади. Қувноқбек бўсағага чиқди-ю, ҳанг-манг бўлди. Яна ўша оғзи тўла тилла тиш қассоб келибди. Исмини айтгани ҳам тили айланмайди. Ҳа, Жўшқин қассоб. Бу сафар нималарни баҳона қилиб ташриф буюрди экан?

Гап яна қовушмай, зоғора унга қориштирилган хамирдай узилиб-узилиб тушаверди. Қувноқбекни совуқ тер босди: «Э-ҳа, айёр тулки! — деди ичида. — Биламан, сезиб турибман. Бу келиб-кетишларинг бежиз эмас. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур! Бекорга мушук офтобга чиқмайди. Қувноқ, ҳойнаҳой, уйида эмас, бирон томонга кетгандир, деган умид билан келгансан-да. Овора бўласан, қассоб».

Қувноқбекнинг ранги-рўйидан қони қочиб, лаблари енгил тиржаяётганини пайқаган Жўшқин калаванинг учини қўлдан тушириб юборди.

— Хўш, хизмат! — деди мезбон томдан тараша тушгандай.

— Шундоқ, ука, ўзим бир айланиб ўтувдим.

— Мақсад нима, мақсад! Намунча эланавермасангиз, собиқ қўшни?

— Э-э, ҳали масала бу ёқда денг, ука? Мақсадга кўчиб қўяқолайлик бўлмаса.

— Гапнинг ўғил боласини хуш кўраман.

— Бизам шундайлардан, ука. Лекин...

— Нима «лекин»? Очиғини айтаверинг. Бекинмачоқ ўйнайдиган ёшдан ўтиб кетганмиз.

— Гапнинг пўст-калласини айтсам, ука, ҳалиги... Ўтган сафар ҳам денг.... Тилим бормай, қайтиб кетавергандим. Сиз хафа бўлманг-у, келинойингиз жаям латтапараст-да, укам. Қўймади-қўймади-да. Кечалари тинч ухлай олмайман. Ҳузур-ҳаловат йўқолган. Бидир-бидир, минғирминғир. Жонга тегди. Пичоқ нақ суякка бориб тақалгач, яна олдингизга келишга мажбур бўлдим, укам, Қувноқжон.

— Тушунмаяпман.

— Ўзингизни билмасликка солманг, Қувноқжон. Тунов куни келсам, уйда йўқ экансизлар, индамай қайтиб кетавердим. Келинойингиз худди чўпчакдаги очкўз кампирнинг ўзгинаси-да. Оборибориб қутулмасам бўлмайди, укажоним. Энди берақолинглар.

— Нимани?

— Нимани бўларди? Гиламни-да...

— Гилам? Қанақа гилам?

— Ҳа, ўша уйингизнинг тўридаги анор гулли Хива гиламини-да, укам Қувноқжон.

— Анор гулли? Хива гилами? Сизларникими?

— Ҳа, укам. Келинчакнинг уйини безашга, ҳалиги зардеворга бериб турингланг, дейишганди...

— Фақат гиламми? Бошқа нарса илашиб келиб қолган эмасми?

— Йўқ, битта гилам, холос, Қувноқжон.

Қувноқбек ўйга ботди. Иягини ушлаганича хийла вақт турди.

— Шунақа денг? — деди ниҳоят ўзига келиб. — Гилам денг?

— Ўзим ҳам неча маротаба айтдим, латта бандасига. Қўявер, дедим. Гилам керак бўлса, ана, қўша-қўша чириб-сасиб ётибди, дейман. Битта гилам кимни ўлдирибди. Ойсанамдек ёқимтой сингилчамизга арзимаган совға бўлса нима қипти, десам, айюҳаннос солиб сочларини юлди. Бошқасини олиб берақолай дедим ҳам, ўламан саттор, керак эмас, дейди.

— Шундай денг? Хайр, майли, Жўшқин ака. — Йигитнинг анча ҳовуридан тушганлиги билиниб турар эди. — Гилам сизники бўлса, тезда етказиб берармиз.

Совуққина хайр-хўшлашди. Уни яна шубҳа гирдоби ўраб олди.

— Гилам кимники?— дея ўшқирди эр уйга кириб дабдурустдан?

— Қайси гилам? Қанақа гилам?

— Манави, Хива гилами, анор гулли...

— Э-ҳа, бу гиламми? Гилам... Қўшнимизники.

— Ҳа-ҳа! Ҳамсоянгизники! Иложингиз қанча — тан олаяпсиз. Оддий гилам эмас бу, хоним, учар гилам! Ҳа, учар гилам. Ўша гўштчопар ҳаромхўр акангиз сизни миндириб олиб «истаган ёри»га саёҳат қилдирадиган гилам.

— Ўтинаман, унақа деманг.

— А-а-а? Унақа деманг? Нега энди демас экансан? Истасалар тоғ этакларигами, чўққиларгами шундоққина ёзиб қўйиб, айшу ишратни қиздирадиган гилам. О, қандай даҳшат!

— Қувноқбек ака, нималар деяпсиз? Наҳотки...

— Жим бўлинг, маликам! Аччиқ ҳақиқат туққанингга ҳам ёқмайди. Энди билибман, мен нодон. Намунча бўзчининг мокисидек серқатнов бўлиб қолди бу қассоб десам, гап бу ёқда экан. Гилам баҳонаю дийдор ғанимат. Шундайми, хоним?! Секция ҳовлили уй эмас. Подъездга кириб олсанг — марра сеники. Қайси хонадонга кириб кетдинг ким билиб ўтирибди? Қассоб мой қайғусида, эчки жон қайғусида. Шундай эмасми, хоним?!

— Шунча гуноҳни танангизга олиб нима қиласиз, Қувноқбек ака? Ахир, кишининг дилини беҳуда шубҳалар билан сиёҳ қилишнинг нима кераги бор?

— Қонуний умр йўлдошига хиёнат — бу гуноҳ эмасми? Тили бошқа-ю, дили бошқа бўлиб, иккинчисини ўйлаб кун кечириш ваҳшийлик эмасми?!

— Бас қилинг энди! Яхшиси уринг, тепкиланг, нимталанг, қиймаланг. Лекин бундай чидаб бўлмас қийноққа солманг.

— Қийноқ? Йўқ, бу қийноқ эмас. Бу ҳали ҳолваси. Хамир учидан патир. Шошмай туринг. Қийноқни кейин кўрасиз. Ҳадемай, анави гарнитуру тақинчоқларнинг ҳам эгаси чиқиб қолади.

Хе, ўша ном чиқаришга тўй қилиб чиранган падарингга минг лаънат! Кўрпангга қараб оёқ узатмайсанми?!

— Дадамга тил теккизманг, дадамларнинг тирноқларига ҳам арзимайсиз.

— Ҳе, кўтар кўрпангни! Бор, боравер, ўша дадангникига...

* *
*

Обид ака кўксини қалқон қилиб турган қабулхона котибасининг ғовидан шиддат билан ўтиб кенг хонада ранг-баранг телефон қутилари қуршовида ўтирган бошлиқнинг истиқболига кирди. Котибани койиган бўлдими, бошқа важданми, ҳар тугул бошлиққа салом-алик учун қўл узатаётганида ҳам титроқ лаблари мудом пичирларди.

— Ҳозирги ёшларга ҳайрон қоласан киши, — деди Обид ака рўмолчаси билан юзини, бўйнини қоплаган тер томчиларини артар экан, — бир нарса демак ниятида эндигина оғзингни очган заҳотинг гапингни чўрт кесадида, фалончи писмадончига бор, деган муомала қилади. Мундоқ салгина қулоқ бериб, охиригача тингламайди ҳам.

Бошлиқ бу тоифадаги эътибор талаб кишиларни кўп кўрган. Шу боис бу одам вайсаб-вайсаб стулга чўкканидан сўнггина ўзи ҳам ўтирди. Меҳмоннинг гапини кесишга андиша қилди. Обид ака эса калаванинг учини йўқотиб қўйишдан ҳайиқдими, ўзини тўхтата олмасди. Мақсадга кўчмай, гапни айлантирарди.

— Узр, оқсоқол! — деди бошлиқ ўрнидан қўзғалиб. — Хўш хизмат? Қулоғим сизда.

— Қулоғингиз менда бўлса, эшитинг! — деди Обид ака ҳали ҳам ҳовуридан тушолмай. — Ҳақиқат борми бу дунёда ёинки... Томоша зўрники бўлаверадими?

Котиба иссиққина чой келтирди.

— Марҳамат,— дея бошлиқ Обид акага чой узатди. — Гапираверинг. Бутун вужудим қулоқ.

— Пича эзмалик қилсам, кечирасиз. Бу масалани юмалоқёстиқ қилиб бўлмайди. Олтмиш олтинчи йилги зилзиладан кейин шаҳарга қўшиб олинган колхоз ерларидан маҳалламиз аҳлига қуруқ ер беришди, яъни участка демоқчийдим. Давлатимизга минг раҳмат — ёлғиз ташлаб қўймади. Ғишт-пишт, тахта-пахта, шипер-мипер дегандек, баҳоли қудрат таъминлаб турди. Уйжойли бўлдик, нимасини айтасиз, илгариги уйимиздан ўн чандон чиройли иморатлар, болохонали турар-жойлар қуриб олдик. Шу денг ёнгинамда маҳалла казо-казолари боғча қурдирамиз, деган баҳона билан ташлаб кетган тумордек бўш жой бор эди. Нима бўлди-ю, шу икки-уч йил бўш ётган ерга аллаким беда сепиб қўйди. Кейин денг харидори ҳам топилди. Ижроком Жўшқин деган болага бермоқчи бўпти.

— Болага? — ажабланиб сўради бошлиқ.

— Ҳа, эндигина армиядан бўшаб келган шофёр болага.

— Хўш-хўш?

— Мўмай пули кўп эканми дейман, хаш-паш дегунча кўтариб олди, участкани. Кунига ўнўн беш киши ишлаган пайтлари ҳам бўлди.

— Ҳашарчиларданми?

— Қаёқда дейсиз?! Нима десам экан? Мардикор дейсизми?.. Кейин билсак Жўшқин шофёр қушхонадан магазинларга гўшт ташир экан.

— Машинада-я?

— Албатта. Биронта ҳам хом ғишт ишлатгани йўқ. Шунақанги данғиллама участка бўлдики, аввалига дарвозасига исириқ осиб қўйди. Ирим қилди-да, кўз тегмасин деб. Кейин одамлар ивир-шивир қилаверганидан деворнинг кўча томонини лойсувоқ, ичкарисини ганч сувоқ қилиб қўяқолди. Маҳалла-кўйда онда-сонда тўю маъракаларда дийдор кўришиб қолмасак, қўшнимнинг қорасини кўрмайман десам, янглишмайман.

— Жуда банддир-да...

Ҳаммамиз ҳам бандмиз. Лекин у каллаи саҳарда чиқиб кетганича хуфтондан кейин қайтади.

— Хўш-хўш... Бор гап шуми, оқсоқол?

— Сабр қилиб бу ёғини эшитинг, — дея танбеҳ берди Обид ака. — Хуллас, Жўшқин шофёр бора-бора касбини ўзгартирди. Беш-олти йилдан бери магазинда гўшт чопади. Маҳаллада энди Жўшқин қассоб деган ном чиқарган. Лекин умри бино бўлиб ҳали тирик чумчуқни сўймаган. Суяк борми, чандиру елин дейсизми биринчи сорт деб чопаверади. Устига устак гўшт деганлари тансиқ нарса эмасми, сўраб-нетмай айтганини бериб, обкетаверамиз.

— Хўш, хўш... Энди муддаога яқинлашаяпмиз-а, оқсоқол?

— Менинг Сизга келишимдан асосий мақсад шуки, адолат борми, бу оламда — билиб кетмоқчиман. Йўқ десангиз, ҳақиқатга ишонмасангиз, нима ҳам дердим. Вақтингизни олганим учун узр сўрайман-у, чиқиб кетаверараман. Аммо, Сиздан юқорироқ жойга бораман. Айтилган сўз — отилган ўқ, иним. Қасам ичиб уйдан чиққанман.

— Қани, интиҳосигача эшитайлик-чи.

— Хуллас калом, Жўшқин...

— Кечирасиз, фамилияси нима? Қаерда ишлайди?

— Жўшқиннингми? Сайрамов унинг фамилияси. Бедазордаги гузарда гўшт чопади.

— Яхши, — бошлиқ ён дафтарига нималарнидир ёзиб олади. — Давом этинг.

— Ҳозирги кунларда Жўшқиннинг кўзини мой қоплаб, босар-тусарини билмай қолди. Дарвоқе, ўзимни таништирмапман. Собитов Обид бўламан, иним. Заводда пармаловчи бўлиб ишлайман. Келиноийингиз ўқитувчи. Дунёнинг нотекислигини қаранг-а. Жўшқинда қўша-қўша «Волга», Обид кетмонда эса велосипед ҳам йўқ. Жўшқинда қават-қават гиламу полослар, Обид кетмонга келсангиз булардан номишон йўқ.

Бир куни денг тўй қилмоқчи бўлдим, қизимни узатдим. Келиноийингиз тушмагур қизнинг хонасини безатишни қариндошлари — ёшларга буюрибди. Улар бўлса чиройли чиқсин учун Жўшқин нокаснинг хотинидан битта гилам олиб чиқиб, «зардеворга» қоқиб қўйишибди. Гумдон бўлгур бу гилам қизнинг бошқа сепларига қўшилиб, қудамникига кетиб қолибди. Ҳа, кетса нима қипти?! Қистаб чиқавериб тинкамни қуритди Жўшқиннинг хотини. Бўлар иш бўпти, ўрнига қарз-ҳавола қилсак ҳам бошқа гилам олиб берамиз, деганимизга қарамай, тўнини тескари кийиб, йўқ, ўзимникини берасизлар, деб иккала оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. Янги қуда томонга гилам омонат эди, шуни қайтиб беринглар, деб бориш жуда ноқулай бўлгани учун вақтинча индамай юрган эдик.

— Чинакамига оқибати яхши бўлмабди-ку!

— Кеча ишдан келсам, эшигимнинг тагида юк машинаси турибди. Устида қизим билан кетган сепи, кабинада, шофёрнинг ёнида қизим ўпкасини босолмай ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўтирибди.

— Ана холос!

— Чидаб туролмадим. Жўшқиннинг ишдан қайтишини пойладим. Муштлашиб ёқа ушлашганимиз йўқ, лекин анча ади-бади айтишиб олдик. У мени маҳалладан кўчирвораман, деб қўрқитди. Мен эса бор гапни халқ контролига бориб тўкиб ташлайман, деб қўяқолдим. Мана, олдингизга келдим. Истасангиз — ишонинг гапларимга, ишонмасангиз — ихтиёрингиз. Лекин мен энди тинч қўймайман бу текинхўрни. Аслида илгарироқ келишим керак эди-ю.... қўшничиликда.

— Тушунарли. Айтинг-чи Обиджон ака, менга ҳикоя қилиб берганингиз барча гапларни бундоқ қоғозга тушириб, бир ариза ёки шикоят шаклига келтириб бера оласизми?

— Бўлмаса-чи!

— Ундай бўлса, жуда соз. Ўйлайманки, қилмиш-қидирмиш, деганларидек, ҳамма нарса ўз жойига тушади. Қизингиз ўз оиласига қайтади.



Н. ИБРОҲИМОВ чизган расм.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

39 йил ухламаган одам

Жакарта шаҳрида эълон қилинган бир хабар Индонезияга қўшни мамлакатларга ҳам тезликда тарқалди. Ундан маълум бўлишича, Бали оролида 39 йил давомида ухламаган одам бор экан. Булеланг районидаги Алазангкар қишлоғида яшовчи бу одамнинг исми Кетут Ветан бўлиб, ёши 56 да экан. У асли ёшлигида ҳам кам ухлар экан. Кетут Ветан 1945 йили — ўн етти ёшида япон босқинчиларига қарши олиб борилган озодлик урушида иштирок этади ва бир неча марта кечалари соқчиликда туради. Шундан кейин у бутунлай ухламайдиган бўлиб қолади. Кечалари бутун оила уйқуга кетган соатларда Кетут Ветан китоб ўқиб, гитара чалиб вақт ўтказади ва эрталаб яна ишига кетаверади.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ

Умар ХЎЖАЕВ

Журналист Умар Хўжаев Улуғ Ватан уруши бошланган пайтда республика пионер ва ўқувчиларининг газетаси — «Ленин учқуни»нинг муҳаррири эди. Урушнинг дастлабки ойларида ушбу газета вақтинча чиқмайдиган бўлди. Умар Хўжаев «Еш ленинчи», сўнг «Қизил Ўзбекистон» газеталарида ишлади. У фронт ортидаги меҳнаткашларнинг юксак ватанпарварлиги, халқ жасорати ҳақида мақолалар ёзди.

1941 йилнинг декабрь ойида Умар Хўжаев кўплаб ҳамюртларимиз қатори кўнгилли бўлиб Ватан ҳимоясига отланди. Урушдан музаффар қайтгач, матбуотда, сўнгра партия ва совет органларида ишлади. У жанглардаги мардлиги ва жасорати, меҳнатдаги фидокорлиги эвазига қатор орденлар ва медаллар билан тақдирланган.

У. Хўжаев жанговар дўстлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Жасорат мадҳи», «Олов кечган ўғлонлар» очерклар тўпламларининг муаллифидир. Сўнгги пайтларда у жанговар йиллар хотираларидан янги очерклар туркумини ёзди. Қуйида ана шу очерклардан айримлари билан танишасиз.

КАНТЕМИРОВЧИЛАР

Шон-шуҳрат қозонган 4-гвардиячи кантемировчи танк корпусининг жанговар йўли Воронеж-Кантемировка-Курск-Харьков-Малин-Тернополь-Львов-Дукли довони-Краков-Бреславль-Берлин остонаси-Торгау-Дрезден-Прагадан иборат бўлиб, Днепр, Висла, Одер, Нейсе ва Эльба дарёларини мардонавор кечиб ўтган. Унинг жанг билан босиб ўтган йўллари 4 минг километрдан зиёд эди. Жанговар тақдирим ана шу корпус билан боғлиқ бўлганидан бахтиёрман.

Корпусимиз фашистларга даҳшат солган қўшилма ҳисобланарди. Душманнинг «Пантера», «Ўлик калла», «Адольф Гитлер» маркали танклари бизнинг икки дуб япроғи белгили танкларимизга бардош беролмай тумтарақай қочарди. Олий Бош қўмондоннинг буйруғи билан уруш йиллари Ватанимиз пойтахти Москва кантемировчилар шарафига 18 марта салют берган.

Корпусимизнинг, шунингдек, унинг составига кирувчи бригада ва қисмларнинг жанговар байроқларини Ленин ордени, Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, Суворов, Кутузов, Богдан Хмельницкий, Александр Невский орденлари безаб турибди. Немис-фашист босқинчиларига қарши жангда кўрсатган мисли-сиз қаҳрамонликлари учун 31 нафар кантемировчи солдат ва офицер Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олган ва 20 минг киши орден ва медаллар билан тақдирланган. Кўпларга Польша Халқ Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумат мукофотлари берилган.

ДУКЛИ ДОВОНИ УЧУН ЖАНГ

Урушнинг охиригача шонли корпусимиз йирик жанг операцияларида қатнашиб, душманга даҳшат солди, босқинчиларни тор-мор қилишга бениҳоя катта ҳисса қўшди. Ана шулардан бири Карпат тоғларидаги Дукли довони учун бўлган жангдир. Корпусимизнинг собиқ командири, бронетанк қўшинлари маршали Павел Павлович Полубояров шундай деган эди.

— Карпатдаги жанглар энг қийин жанглардан эди. Аммо у урушнинг унутилмас саҳифасидир. Биз армиянинг бошқа қўшин турлари билан бирга улуғ вазифани бажардик — фашист босқинчиларига қарши исён кўтарган дўстона Чехословакия халқига ёрдам бердик...

Львов — Сандомир жангларидан кейин корпусимиз олдига ҳужумни давом эттириб, Карпат тоғидаги Дукли довонининг ўнг томонига жойлашиб олган душманни ўз истеҳкомидан қувиб чиқариш, ўқчи дивизияларнинг илгари силжишига имкон туғдириш вазифаси қўйилди. Кантемировчилар ҳужумга ўтдилар. 1944 йилнинг 10 сентябрь эрта тонгида довон йўлидаги Кросно шаҳрига шимоли-ғарбдан ҳужум қилинди. Қаттиқ отишмадан кейин танкчиларимиз қўзғалишди. Мен партия ташкилоти секретари бўлган 2-батальон жангчилари полковник Н. Г. Душак командирлигидаги 12-бригада танкчилари ёрдамида ҳужум бошладилар. Қўшни қисмлар ҳам ҳужумга ўтишди. Бизнинг танк корпусимизга генерал Киселевнинг 140-ўқчи дивизияси мадад берди. Гвардиячилар душман ёғдираётган ўқ, снаряд, - миналарга қарамай илгарилаб бордилар. Бир кечакундузлик жангдан кейин қўмондонлик буйруғи бажарилди. Эртаси куни тонг пайтида Кросно шаҳри душмандан озод бўлди.

Аммо шиддатли жанглар ҳали олдинда эди. Бригада штабига ҳамма батальон раҳбарлари чақирилди. Батальонимиз командири гвардия майори Ш. Кушкинбоев, унинг сиёсий қисм бўйича ўринбосари Н. Голубов ва мен штабга бордик. Штабга бораётиб йўлйўлакай атрофни кузата бошладим. Эндигина бўлиб ўтган жанг оқибатлари кўзга ташланарди. Мажақланган немис тўплари, ишдан чиқарилган душман танклари, фашист газандаларининг мурдалари ётарди.

Бригада штаби шаҳар четидаги қулаб тушган бинонинг ертўласига жойлашган экан. 3-мото-ўқчи бригада командири полковник М. П. Леонов ва сиёсий бўлим бошлиғи полковник А. С. Емельянов ҳаммамиз билан саломлашиб, дастлабки муваффақият билан табриклади. Сўнгра бригада командири қўмондонликнинг янги буйруғини эълон қилди.

Бизнинг 4-гвардиячи танк корпусимиз олдига 15 сентябрь тонгида Риманув тепалиги орқали душман мудофаасини ёриб ўтиб, Дукли довонининг ўнг томонида немис-фашист армиясининг шу ердаги тўдасини қуршаб олиш, душманни асосий кучидан ажратиш ҳамда 1-гвардиячи отлиқ корпусининг қуршовдан чиқиши учун душманга қаттиқ зарба бериш вазифаси қўйилди. Маълумки, генерал-лейтенант В. К. Баранов қўмондонлигидаги 1-гвардиячи отлиқ корпус 12 сентябрда душман қўшинини ёриб ўтиб, Карпат тоғининг баланд чўққисига ҳужумни кенгайтирмоқчи эди. Буни пайқаган душман отлиқ корпусни асосий кучимиздан ажратиб қўйди. Душман қуршовида қолган отлиқ корпусимиз катта талафот кўрди. Шу сабабли 1-отлиқ корпусга тезда ёрдам бериш керак эди.

Янги буйруқ олиб штабга қайтдик. Рота командирларига жанговар топшириқ берилди. Ҳужум олдидан батальон коммунистларининг қисқача йиғилиши ўтказилди.

15 сентябрь тонгида қўшилмамиз ҳужумга ўтди. Бироқ тоғ бағридан юқорига ҳужум қилиш қийин эди. Душман истеҳкоми анча мустаҳкам экан. У танкка қарши қуроллардан тўхтовсиз ўқ узиб турарди. Тезликда фронтнинг бошқа участкаларидан кўплаб тўп келтирилди. 15—16 сентябрь кунлари кантемировчилар фақат 4—5 километр олға силжидилар, холос. Буйруқни бажариш муддати кечикадиган бўлди. Шундай шароитда корпусимиз командири генерал П. П. Полубояров бошқача йўл тутди. Душман истеҳкомини шарқ тарафдан айланиб ўтишга қарор қилинди ва 13-гвардиячи танк бригадасига (командири полковник Л. У. Бауков) олдинда бориш топширилди. Бу танк бригадасига ёрдам бериш ва изма-из у билан ҳужум қилиш вазифаси бизнинг 3-гвардиячи мото-ўқчи бригадамизга юкланди.

Танкчилар ва мото-ўқчилар жанговар топшириқни бажаришга киришдилар. Ҳужум йўлимиз жуда машаққатли бўлиб, баланд-паст тепаликлар, чуқурликлар, танк ва жангчилар чиқиши қийин бўлган жарлардан иборат эди. Танк юриши эҳтимол тутилган жойлар эса, миналаштирилганди. Гитлерчилар олдиндан ҳозирланган истеҳкомларига жойлашиб олиб, бизни ўққа тутарди.

Гвардия полковниклари Бауков ва Леонов бошчилигидаги танк ва ўқчи бригадалар шиддат билан олға интилиб, 17 сентябрга ўтар кечаси Сеняви тепалигини эгалладилар. Корпусимизнинг бошқа кучлари ҳам маррага етиб келдилар. 18 сентябрнинг иккинчи ярмида қўшилмамиз душман қаршилигини енгиб, тоғ йўлига чиқиб олди. Лекин илгарилаш яна қийинлашди. ДОТларга ва бошқа истеҳкомларга жойлашиб олган душман артиллерия ва миномётлардан ўқ узиб, илгари силжишимизга йўл қўймасди. Айниқса, гитлерчилар тоғ кўпригини қўлдан бермаслик учун унга тиш-тирноқлари билан ёпишиб олдилар. Шунда полковник Бауков

майор Морозовнинг танк батальонини жанг билан разведка қилишга юборди. Лейтенант А. Пикалов танки биринчи бўлиб душман ичига ёриб ўтди. Душманнинг танкка қарши қуроллардан отган ўқлари жасур танкчини тўхтата олмади. Буйруқ бажарилди. Лекин танк шикастланди, экипаж состави танкдан чиқиб, автоматчилар билан то ёрдам келгунча мудофаага ўтиб, кўприк яқинида эгаллаган маррани сақлаб турди. Ёрдамга старший лейтенант Ф. Спахов ротаси танкчилари ва бошқалар етиб келишди. Кўприк батамом совет жангчилари қўлига ўтди. Танклар ва батальонимиз автоматчилари то катта куч етиб келгунча бу муҳим позицияни маҳкам ушлаб турдилар. Душманнинг бир неча ротаси қириб ташланди.

Баландликка чиқиб олгач, корпусимиз янги топшириқни — душманнинг Дукли группировкасини бошқа ҳужумкор қўшинларимиз билан биргаликда қуршаб олиб, мажақлаб ташлаш вазифасини бажаришга киришди. Корпус командири генерал М. П. Полубояров тоғ шароитида ҳужум қилиш учун турлича тактика қўллади. Масалан, биринчи навбатда мото-ўққи бригада ҳужум қилиб борди. Полковник Бауковнинг 13-танк бригадаси составида эса ҳар тарафга биттадан танк ротаси юборди. Ҳужумчи мото-ўққи ва танк группаларини артиллерия ва миномётчилармиз қўллаб-қувватлаб, душман мудофаасига тўхтовсиз ўт очиб турдилар. Ҳарбий ҳийла ишга солинди. Мотопиёда аскарларимиз взвод ёки рота составида дарахтзор жойлардан айланиб ўтиб, душманни чалғитиб бордилар. Шу пайтда асосий куч, шу жумладан, 3 та танк бригадаси ҳужумга ўтиб, душман мудофаасининг ҳамма истеҳкомларини ишдан чиқаришга эришди. Шу жанглар пайтида биз сиёсий ходимлар: батальон командирининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари Н. Голубов 1-ротага, мен Вильдан Измайлов командирлигидаги 2-ротага ва ниҳоят батальон комсорги Николай Рассоль 3-ротага юборилган эдик. Дукли довони учун бўлган ҳужум давомида биз шу роталарда жангчилар билан бирга ҳаракат қилдик.

20 сентябрда олти соатлик жангдан кейин корпусимиз 18 километр илгари силжиди ва Дукли довонига чиқди.

Дукли довони учун бўлган жанг икки муҳим воқеага сабаб бўлди: маълумки, Дукли довони Карпатдаги Чехословакия территориясига киради. Шу сабабли ўша вақтдаги 1-Чехословакия армия корпусининг командири генерал Л. Свобода «Бузулукдан Прагагача» деган китобида: «Бизнинг корпусимиз ҳаракат қилаётган жойнинг чап томонида совет танк қисмларининг душман мудофаасини муваффақиятли ёриб ўтганидан кейин Дуклига ҳужум қилиш учун қулай шароит вужудга келди», деб ёзган эди.

Совет ва Чехословакия танкчиларининг Дуклидаги учрашуви ҳаяжонли, тантанали бўлган эди. Ҳар икки томон бир-бирини салют бериб кутиб олди. Жангчилар кучоқлашиб кўришдилар ва дарҳол биргаликда ҳужумга ўтиб, аҳоли яшайдиган йирик пунктни озод этдилар.

Гитлерчиларга қарши кураш ҳали давом этарди. Совет Армияси олдида янги довонларни эгаллаш, Европа халқларини фашизм вабосидан озод қилиш, душманни ўз уясида янчиб ташлашдек катта вазифалар турарди.

Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида Москвада мен ва фронтда бирга жанг қилган истеъфодаги гвардия майори М. Зуфаров бронетанк қўшинлари маршали П. П. Полубояров билан учрашдик. У Карпат тоғларидаги жанглар ҳақида гапириб, ўша пайтда бизлар билан суҳбатлашганини эслади.

Воқеа бундай бўлган эди: Карпат бош чўққисининг жанубий томонидаги янги позицияни эгаллаб, шу ерда ертўлалар қуриб, озроқ дам олдик, куч тўпладик. Мен, батальон командири майор Ш. Кушкинбоев штаб бошлиғи, капитан Балач билан суҳбатлашиб ўтирар эдик. Бирдан ташқаридан комбинезон кийган уч киши кириб келди. Булар корпус командири генерал П. П. Полубояров, бригада командири полковник М. Леонов ва бригада сиёсий бўлими бошлиғи полковник А. С. Емельянов эди. Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Майор Ш. Кушкинбоев батальондаги ҳолат ҳақида ахборот берди. Генерал Полубояров Карпат жангларида батальонимизнинг кўрсатган жасурлиги учун бизларга раҳмат айтди. Биз уларни аччиқ кўк чой билан меҳмон қилдик.

ҒАЛАБА ТОНГИ

1945 йилнинг апрель ойи. Совет Армияси ўзининг халоскорлик бурчини бажариб, Шарқий Европадаги кўпгина мамлакатларни фашизм сиртмоғидан озод этди. Шу жумладан 1-Украина фронти составидаги бизнинг кантемировчи корпусимиз Польшани, Польша халқининг қадимий ери — Силезияни, унинг маркази Бреславлни фашистлардан тозалашда актив қатнашди. Кантемировчилар ўзлари жанг қилаётган участкаларда қаттиқ қаршилик кўрсатаётган душманни енгиб, шиддат билан олға бордилар. Одер дарёсидан ўтиб, Берлинга яқинлашдилар.

Апрелнинг ўрталарида биз ишғол этган жойдан Берлинга 60 километр масофа қолган, фашистлар Германиясининг узил-кесил тор-мор этилиши яқинлашган эди.

Совет қўшинлари йиртқич душман уясини ишғол этиш операциясига пухта ҳозирлик кўрдилар.

Бизнинг корпусимиз зиммасига ҳам катта вазифалар юкланди. Кантемировчилар олдида Нейсе ва Шпрее дарёларини жанг билан кечиб ўтиш, ғарбий қирғоқдаги истеҳкомларни, сон-саноқсиз ДОТларни, танкка қарши ўт очиш нуқталарини, турли тўсиқларни яксон қилишдек жанговар вазифалар турарди.

Жангчилар орасида катта партиявий-сиёсий ишлар олиб борилди. Урушнинг якунловчи кунларида ҳар бир жангчининг роли ва ўрни аниқланди. Биз, ҳарбий-сиёсий ходимлар, ҳамиша жангчилар орасида бўлдик.

16 апрель эрта тонгда 1-Белоруссия ва 1-Украина фронтлари қўшинларининг Берлин томон қудратли ҳужуми бошланди. Тўп отишмаларидан, шунингдек совет авиациясининг зарбаларидан ер ларзага келди. Душман мудофаасининг олдинги қаторидаги кўп сонли блиндажлар, ДОТлар, командир-

(давоми 24-бетда)

Сариосиё районидаги Узун посёлкасида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар учун ўрнатилган ёдгорлик.

А. Жданов фотоси

АКТЁР ТАҚДИРИ

«Театр — гўзаллик ва ҳақиқат кўзгуси. У санъат қасри, муқаддас кошона, эзгулик меҳроби». Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинскийнинг ушбу сўзлари Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри ҳақида ўйлаганимда ҳар гал хаёлимдан ўтади. Бу даргоҳда ҳаёт ҳамиша қайноқ. Театр саҳнасида номи аллақачон иттифоқимиз миқёсида машҳур бўлган актёрларни, халқ артистларини деярли ҳар куни учратиш мумкин. Улар яратган ранг-баранг образлар қалбингизни ажиб ҳис-ҳаяжонга, айни пайтда курашчан туйғуларга тўлдиради. Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Турғун Азизов театрнинг ана шундай етакчи актёрларидан бири сифатида танилган. Мана, у одатдагидай саҳнада. Актёрнинг ўзига хос жарангдор овози, у яратган ўнлаб драматик образлар театр мухлисларига яхши таниш...

Турғун Азизов мазкур театр даргоҳига эллигинчи йилларнинг бошида актёрлик санъати олий малакаси шаҳодатномаси билан қадам қўйган санъаткорларнинг янги авлодига мансубдир. Зеро, шу даврдан бошлаб мазкур театр ўз труппасини актёрлик ва режиссёрлик факультетларини тугатиб чиққан мутахассислар ҳисобига тўлдирабошлади. Тошхўжа Хўжаев, актёр ва актрисалардан СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Яйра Абдуллаева театрда ёшларга устозлик қилдилар. Турғун Азизов эса Тошхўжа Хўжаевнинг тўнғич шогирди, педагоглик ва режиссёрлик меҳнатининг олди меваси бўлди. Т. Хўжаев олий ўқув юртини битириб, Ҳамза номидаги академик театрга режиссёр этиб тайинланар экан, айни вақтда институтда актёрлик маҳорати бўйича ўқитувчилик қилди ва Турғун Азизов унда таҳсил кўрди, театрдаги спектаклларда дастлабки машқларни ўтади: А. Штейннинг «Бир шахснинг масаласи» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектаклда Павлик, «Алишер Навоий»да Жалолиддин, «Ҳамза»да Болташер сингари ролларни саҳнага олиб чиқди.

Театр режиссураси, хусусан устози Тошхўжа Хўжаев Турғун Азизовни турли пландаги ролларни, айни пайтда бош ижобий қаҳрамонлар образини яратадиган ижрочи қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият берди. Чунончи, у 1959 йили «Оқпадар» спектаклида Олим Хўжаев, «Фурқат»да Зикир Муҳаммаджоновга дублёр бўлиб, бош ролларни олиб чиқди ва бу борада ўзига хос олам яратди. Шундан сўнг турли йилларда Турғун Азизов И. Султоннинг «Номаълум киши» (1963), Ойбекнинг «Қутлуғ қон» (1964), Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» (1969) асарларининг постановкаларида Шукур Бурҳонов ва Олим Хўжаевлар билан бирга Ниёз, Ғофир, Улуғбек ролларини ижро этди.

Устозларига ҳавас ва бош қаҳрамонлар, хусусан, жаҳон классик драматургиясининг дурдона образларини яратишга аҳд ниҳоят Турғун Азизовни, у ҳаёти ва ижодининг мазмуни ҳисобланган эзгу тилак — Отелло ролининг талқинига олиб келди. Турғун Азизов эллик ёшга тўлган 1984 йилда «Отелло» театр томонидан томошабинларга қайта тақдим этилди.

Спектакль иштирокчилари, шу жумладан, Турғун Азизов ҳам улуғ трагедия тилсимотига ўз талқин мантиқларини топишга қарор қилдилар. Чунончи, улар Отелло ва Дездемонанинг оташин эҳтирос туйғуларини чеклаб, асосий эътиборни буюк одамийлик ҳислари баёнига қаратдилар. Шундай иш тутишга қуйидаги омиллар сабаб бўлди: Отелло Уйғониш даврининг вакили, республиканинг ҳукумат доирасида эътиборли шахс сифатида заковатли ва маданиятли одам. Муҳими, ёши бир жойга бориб, ўзини тутиб олган киши. У Дездемона чиройини қанчалик қадрламасин, ақли, имони, инсоний сифатларини ундан юқорироқ қўяди. Зотан, Отеллонинг иқрорича, Дездемона уни чеккан жафолари ва кўрсатган қаҳрамонликлари учун севолган. Бинобарин, ақли расо, қоратан Отелло ёшига яраша маган, номуносиб ҳаракатлардан ўзини тияди.

Ижрочи режани қуйидагича олади: у Отелло таърифини ўз қадрини яхши биладиган, аммо такаббурликдан холи инсоннинг ғурури ва бахтиёрлиги баёнидан бошлайди. Ғурур ўз заковати ва жисмоний қудратининг меваси бўлса, бахтиёрлик Дездемонанинг инъоми. Шунинг учун ҳам, у илк саҳнада таъкид билан Дездемонага миннатдор тикилади. Севгилиси эса бу икрордан боши кўкка етгандай осмонга боқадики, бу унсиз суҳбат олижаноб шахслар — эркак ва аёлнинг бир-бирига муносиблик қасидасидек янграйди. Гўё бу қасидани бегубор осмон ва порлоқ юлдузлар тинглаб, маъқуллайдилар. Муқаддима саҳнадаги мана шу истиорали ечим маъноси сўнг саҳнада давом этиб якунланади.

Шекспир трагедиясининг саҳна тарихи Отеллонинг рашкчи ёки ишонувчанлиги хусусидаги баҳсга аллақачон нуқта қўйган ва ҳозирги замон театрлари Отеллонинг заковати ва талантини очишга кўпроқ эътибор бераётир. Шундай иш тутишга асарда асос ва имконлар етарлича бўлиб, нодир изланишлар учун шароит яратади. Чунончи, киборларнинг юқори табақасига мансуб Дездемона Отелло билан суҳбат қурарркан, унинг сўзамоллиги, одоби ва истеъдодининг асири бўлади. Шунга биноан, Отеллонинг «Сўзим қўпол» ёки «Бир тўда олифталар сингари силлиқ сўзлай олмайманми», деган сўзлари истеҳзо ёки ўзига талабчанликнинг оқибати, холос. Чунки сенатдаги ҳикояси нотиқлик, нозиктабиатликнинг ўзгинаси. Лекин Турғун Азизов бу мантиқ имконларига учиб, Отеллони нотиқ қилиб ҳам, нозиктабиат қилиб ҳам таърифламай, балки унинг мулоҳаза ва ўйларига қўпроқ эътибор беради. У шубҳалар гирдобига тортилган сари бошқалардан бегоналашиб, ўз-ўзи билан суҳбатлашадиган кимсасиз инсон, ёлғиз шахсга айланади.

Актёр Отеллодаги Дездемонага бўлган ишонч ва шубҳа, муҳаббат ва нафрат изтиробининг пинҳон ифодасини топишга интилади. Айни замонда ҳақиқатни аниқлашга бўлган аҳд талқинда асосий вазифага айланади. Агар Дездемонадек аёл эрини ўзи севиб, оқибатда ўзи алдаган бўлса, Отеллодаги аёл зотига ишонч, муҳаббатга эътиқод бутунлай тугайди. Унда Дездемона ўлиши керак, чунки тирик қолса, бошқаларни ҳам алдайди. Мана, ўлдиришга қарорнинг сабаби. Алдов ва фириб, нопоклик ва адолатсизликдан нафратланган Отелло ҳеч кимга заррача бўлсин озорни раво кўрмайди. Шунинг учун ҳам заковат ва поклик Отеллонинг асосий фазилатидир.

Спектаклда зикр этилган хислатлар намойишкорона бўёқларда эмас, Отеллонинг табиатига сингиб кетган сифат, одат тариқасида табиий ифодаланади. Образ кечинмаларию, монологларда, тўқнашувли саҳналарда дабдабали мизансценалар йўқлигининг боиси ҳам шунда.

Отелло образи талқинининг зикр этилган ушбу принциплари Отеллони тақлиддан халос этиб, унинг ўзига хос бўлишини таъмин этди ва ижрочининг ижодий заковати етишиб, тўлишганидан гувоҳлик берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Турғун Азизовнинг баркамол ва мағзитўқ роллари кўп ва улар олтмишинчи ва етмишинчи йилларда артист талқин этган образлар орасида керагича топилади. Масалан, 1967 йили ўйнаган Монсерра («Улимдан кучли»), 1973—1980 йиллари талқин этган Протасов («Тирик мурда»), Амир Олимхон («Инқилоб тонги») ва Амир Насрулло («Нодирабегим») роллари шулар жумласига киради.

Ғожиавий роль яратиш иқтидорининг тобланишида Монсерра образи бир босқич вазифасини ўтади. Аввало Фурқат, Ниёз, Йўлчи сингари образлар талқинидан фарқли ўлароқ, бу спектаклда Турғун Азизов дублёр эмас, асосий ижрочи сифатида саҳнага чиқди. Бундан мустасно образ сўз ва саҳналар эвазига эмас, балки ички ҳолат ва унсиз кечинмалар асосига қурилгани сабабли ижрочидан тажриба билан тобланган айрича имкон ва талқин нафасини тақозо этарди. Ана шу нафас Турғун Азизовнинг Монсерра образи талқинида ўзини намоён этди. Унинг Монсерраси басавлат қаҳрамон эмас, ватан фидойиси, одамшаванда инсон, озодликни ҳаётда ҳамма нарсадан юқори қўювчи фуқаро бўлиб гавдаланди. Аммо унинг бу таърифида ғарибликка қилча бўлсин ишора йўқ, аксинча қалби мағрур одам, сабаби ҳақиқатнинг тантанаси озодлик учун курашнинг ғалабасига ишончи комил. Унинг ғожиаси шундаки, озодлик учун курашувчиларнинг эмас, балки уни маҳв этувчилар орасида, бинобарин, одамийлик нуқтаи назаридан Монсерранинг одил қилмиши ҳамкасблари томонидан сотқинлик саналади. Шу боисдан унинг сирдоши ҳам, яқинлари ҳам йўқ. Артист мураккаб вазиятда Монсеррани катта қалб ва буюк эзгуликнинг соҳиби даражасида таърифлай олди.

Монсерра Турғун Азизов ижодида инсон қалбига кириш, унинг руҳий олами, маънавий қиёфасини ҳис этиш йўлидаги энг жиддий тажрибаларидан бири бўлди. Ана шу тажрибани «Улимдан кучли»дан ўн бир йил кейин (1978) қўйилган «Тирик мурда» спектаклида давом эттирди. Мазкур спектакль қаҳрамони Федя Протасов қисматида инсондаги пок туйғу ва истакларнинг замон, муҳит ва ноқобил одамлар томонидан маҳв этилиши, таҳқирланишидек омонсиз фожиани изчил очишда артист кўп изланди. У Федядаги покликни ҳам, иродасининг сустлигини ҳам аниқ англагани ҳолда, унинг таърифига киришди ва бу образни замонанинг қурбони, хўрланган кимсаси сифатида гавдалантирди.

Етмишинчи йиллардан эътиборан Турғун Азизов ўткир характерли ва салбий қаҳрамонлар образини талқин этиш борасида жиддий изланишлар олиб борди. Ана шундай роллар орасида Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмаси асосида 1973 йили саҳналаштирилган спектаклидаги Амир Олимхон образининг саҳна талқини алоҳида кўзга ташланади. Актёр роль ижросига кири-

(давоми 30-бетда)

ТАРИХНИ ТИЛГА КИРИТИБ...

АКАДЕМИК Г. А. ПУГАЧЕНКОВА ҲАҚИДА

ТОШКЕНТ. 1984 йил 7 сентябрь. Бу кун Г. А. Пугаченкова ҳаётида бир умрга унутилмас бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси аъзолигига ва мухбир аъзолигига бўлган ўша кунги сайловда олима якдиллик билан академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди. Мазкур сайлов якунига бағишланган йиғилишда олимани ҳамкасблари, сафдошлари, шогирдлари бирин-кетин юксак унвон билан самимий қутладилар. Ўшанда ҳамкасбларидан кимдир унинг қўлини қисиб табрикларкан: «Бир оилада икки академик бўлдингизлар. Сиз энди илмий унвон борасида турмуш ўртоғингиз ҳурматли Евгений Николаевич Массон билан тенглашдингиз. Бу жуда катта мартаба...» деди.

Ҳадемай йиғилиш тугаб, ҳамма тарқалди. Галина Анатольевна машинада уйига қайтаркан, табриклаган ҳамкасбининг гапини эслади: «Бир оилада энди икки академиксизлар... Илмий унвон борасида Евгений Николаевич билан тенглашдингиз...» У ўзича: «Ахир, мени фан дунёсига, қадимги дунё санъати оламига дастлаб биринчи бўлиб етаклаган, ёшликдаги мурғак орзуларимга қанот берган шу Евгений Николаевич-ку?.. Наҳотки, мен у мўътабар зот билан тенглашган бўлсам?..» дея пичирлаб, ёшлик йилларини, ўтмишини хотирлаб кетди.

У зиёлилар оиласида туғилиб тарбия топди. Онаси Софья Петровна педагог эди. Отаси Анатолий Александрович эса, Улуғ Октябрь революциясигача Қозоғистоннинг Еттисув областида архитектор бўлиб ишлаган. Совет даврида эса, Ўрта Осиё сув хўжалиги системасида инженер бўлиб хизмат қилди. Ота-она қизининг ўсиб-улғайиб маълумотли киши бўлиб етиши учун бутун шароитни яратиш ҳаракатида эди. Ёш Галина ҳаётида уларнинг тўғри ўгит ва маслаҳатлари асосий мезон бўлди. У ўрта мактабни тамомлагач, Ўрта Осиё Индустрия институтининг—ҳозирги Политехника институти архитектура бўлимига ўқишга кирди. Шу-шу Галина курсдан-курсга ўтган сари архитектура санъати сирларини чуқурроқ тушуна борди. У 1937 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Ундаги қобилият ва истеъдодни кўрган устозлари, тегишли кафедра ходимлари Галинани аспирантурага тавсия этдилар. Бу эса, ёш тадқиқотчининг Алишер Навоий давридаги Ўрта Осиё архитектураси тарихи мавзуини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишига имконият яратди...

Олиманинг бугунгидай эсида. У мазкур мавзуни тадқиқ қилишга энди киришган кезлар эди. Индустрия институти томонидан 1937 йилнинг кузида қадимги Бақтрия ерларида археологик текшириш ишларини олиб бориш учун Термиз археологик-комплекс экспедицияси уюштирилди. Унинг составига Галина Анатольевна ҳам киритилган эди. Илмий экспедицияга шу соҳанинг қобилиятли ёш билимдони Евгений Николаевич Массон раҳбарлик қиларди. Уларнинг ўртасида ўшанда энди бошланган илмий ҳамкорлик кейинчалик фандаги катта дўстликка, оилавий ўртоқликка айланди. Улар туғилган ҳар бир илмий муаммони биргаликда, маслаҳатлашиб ҳал қилишга интилдилар, бирининг фикрини иккинчиси тўлдирди. Айни вақтда ҳар бири мустақил равишда қадимги дунё архитектура санъатининг муҳим масалаларини тадқиқ қилишга қатъий ва изчил бел боғладиларки, бу текширишлар фанимизни муҳим янгиликлар ва қимматбаҳо кашфиётлар билан бойитди.

Олима 1941 йил 28 ноябрда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Фандаги дастлабки муваффақияти Галина Анатольевнага янги маънавий куч ва ғайрат бағишлади. У энди Ўрта Осиё архитектураси тарихининг янги қатламларини тадқиқ қилишга астойдил бел боғлади. Тўғри, олима шу орада бир неча йил педагоглик қилди: У Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошГУ) талабаларига Ўрта Осиё ва Шарқ архитектураси ва санъати тарихи курсидан дарс берди. Чунки уруш дастидан археологик экспедициялар ўтказиш учун имконият бўлмай қолди. Ҳамма нарса, ҳатто меҳнат коллективларининг шахсий жамғармаси ҳам фронтга ғалаба учун сарфланди. Табиийки, бундай шароитда моддий харажатлар билан боғлиқ бўлган илмий изланишлар кўламини чеклашни ҳаётнинг ўзи тақозо қиларди.

1960 йилда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида санъат ва архитектура тарихи секторининг ташкил этилиши ва олиманинг шу секторга мудир бўлиб ўтиши унинг учун ва у бошлиқ коллектив учун янги имкониятлар яратди. Галина Анатольевнанинг ташаббуси билан сектор қошида Ўзбекистон санъат тарихи экспедицияси ташкил этилди. Бу экспедиция Археология ва тарих институти ҳузуридаги (ўша вақтда академиянинг Археология ва тарих институтлари бирга эди) археологик экспедициядан фарқли ўлароқ, санъат ва археология тарихи билан шуғуллана бошлади. Мана, ўшандан бери орадан қарийб чорак аср ўтди. Бу вақт ичида олиманинг бевосита раҳбарлигида республикамиз территориясида, шунингдек, қўшни Афғонистон ва Эрон мамлакатлари территорияларида қадимги санъат ва архитектура тарихини ўрганиш бўйича ўнлаб илмий экспедициялар ўтказилди. Бошда экспедициячиларнинг составини олий маълумотли мутахассислар ташкил этган бўлса, энди давримиз камолоти билан боғлиқ ҳолда улар орасида етук олимлар, профессорлар ва фан докторлари бор. Ўшаларнинг кўплари эса Галина Анатольевна ҳомийлигида камол топган шогирдларидир.

Экспедиция аъзолари биринчи навбатда қадимги Бақтрия давлати ҳукм сурган Сурхондарё области территориясини кенг тадқиқ қилдилар. Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли санъат ва архитектура тарихи археология харитасида Далварзинтепа, Халчаён, Кампиртепа, Айритом деган тарихий географик номлар пайдо бўлдики, унинг ҳар биридан фанимиз ва санъатимиз тарихи учун муҳим бўлган янгиликлар — ўнлаб ноёб архитектура ва санъат обидалари топилди.

Галина Анатольевнанинг бевосита раҳбарлигида Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти қошида ташкил этилган санъат ва архитектура тарихи музейида топилма обидаларнинг намуналари жой олган. Дастлаб олима билан ана шу тарихий обидалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Одамзод тарихи қанчалик эски бўлса, у яратган санъат ва архитектура тарихи ҳам шунчалик қадимийдир,— деди Галина Анатольевна музей экспонатлари ҳақида ҳикоя қиларкан.— Далварзинтепа, Халчаён, Кампиртепа ва бошқа жойлардан топилган қадимги санъат ва архитектура намуналари бунинг яққол исботидир. Айритомдан эса Бақтрия давлатига оид архитектура ёдгорликлари ва ёзув обидалари топилди. Ундаги эркаклар ва аёлларнинг жасадлари қўйилган жойнинг қуйи томонида бақтрия тилида ва бақтрия алфавитида ҳар хил ёзувлар учрадики, бу ёзув тарихининг жуда қадимийлигидан далолат беради. Бу ёзувлар, албатта, тегишли мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Кампиртепа ва Халчаён харобаларидан топилган санъат ва архитектура обидаларининг бир қисми қадимда диёримизнинг жанубий районларида зардуштий динининг кўп кўринишлари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Олима биз билан оёқ устида суҳбатлашаркан, ойнавандли стенд рўпарасида тўхтади.

— Ҳозиргача тарихчиларимиз шахмат ўйини бизга эрамизнинг VI асрида кириб келган, деб ҳисоблардилар,— дея гапида давом этди Галина Анатольевна.— Биз Далварзинтепада олиб борган қазувлар вақтида қандайдир бир уй ҳаробаси ичидан шахмат фигураларини топдик. Ана шу фигуралар ва уларга доир бошқа топилмаларни ўрганганимизда,— суҳбатдошимиз қадимги шахмат фигураларига қўли билан бирма-бир ишора қилиб гапирарди,— ўша фигураларнинг эрамизнинг II асрига оидлиги маълум бўлди. Илгариги шахмат тахтаси ҳозиргидек саккиз катакли эмас, балки ўн катакли бўлган. Фигуралар орасида фил билан бир қаторда ҳўкиз фигураси ҳам бўлган. Ўн катакли шахматлар Ибн Арабшоҳ даврида ҳам ўйналган... Хуллас, илмий экспедицияларимиз даврида қўлга киритилган кейинги маълумотларга кўра, шахмат ўйини бизга Ҳиндистондан, аввал ҳисобланганидек, эрамизнинг VI асрида эмас, балки II асрида кириб келган. Демак, бу ўйиннинг тарихи яна 400 йилга қадимийлашди. Денов районидаги Будранг қишлоғида олиб борган текширишларимиз натижасида эса ажойиб архитектура намуналари топилдики, бу Ўрта Осиё Шарқида илгари ҳам архитектура санъати анча юксак ривожланганлигини, ўша даврларда моҳир халқ усталари бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, қадимда барча Шарқ халқларида керамика санъати кенг ривожланган. Қаерда қазилма ишлари ўтказмайлик, албатта, у ерда керамика санъати намуналарига дуч келаяпмиз. Бу нарса, албатта, Шарқ халқларининг яшаш шароити, иқлими, турмуш тарзи билан изоҳланади...

УзССР Фанлар академиясининг академиги Галина Анатольевна ПУГАЧЕНКОВА.



УзССР халқ артисти
Гурғун АЗИЗОВ
Отелло ролида.

Н. Шарипов фотолари

ЎзССР ХАЛҚ РАССОМИ, КУЛОЛ МУҲИДДИН РАҲИМОВ ИШЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ ПОРТРЕТИ.

ФАРҲОД ВА ШИРИН.

ЛАГАНЛАР.

ШОИРА.



Сурхондарё область, Гагарин районидаги «Правда» совхози шоликорлик бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати Қурбоной ҚОРАХОНОВА.

А. Жданов фотоси

Дружиначилар.

Н. Шарипов фотоси

Халқаро классдаги спорт мастери, СССР халқлари спартакиадаси чемпиони Венера ЗАРИПОВА.

Н. Шарипов фотоси

Бизни республикамизнинг турли жойларидаги харобазорлардан топилган санъат ва архитектура қолдиқларининг музейда қайтадан тикланиши қизиқтирди. Мақсадимиздан келиб чиқиб:

— Галина Анатольевна,тарихий топилмаларни тиклаш сизлар учун осон кечмаётган бўлса керак?— деган савол билан олимани яна гапга тортдик.

— Тарихий обидалар ва санъат намуналари қолдиқларини тиклашни мунтазам йўлга қўйиш учун биз музей қошида бундан кўп йиллар бурун илмий-бадиий реставрация лабораториясини ташкил этганмиз,— дея саволимизга изоҳ бера бошлади олима.— Чунки тарихий санъат ва архитектура қолдиқларини тиклашнинг ўзи кишидан катта санъаткорликни ва маҳоратни талаб қилади. Шу боисдан ҳам мазкур лаборатория ишига дастлаб етук мутахассислар — таниқли ҳайкалтарош Ҳаким Ҳусниддинхўжаев, химия фанлари кандидати Светлана Валеряновна Левушкина, кимё олими Евгения Федоровна Федорович сингари шу соҳанинг билимдонлари тортилди. Улар томонидан ишлаб чиқилган қадимий топилма ҳайкалларни лой ёрдамида мустаҳкамлаш йўли билан тиклаш усули муҳим ноёб метод бўлгани учун муаллифлар авторлик гувоҳномалари билан тақдирландилар. Ҳозир ҳам лабораториямизда таъмирловчи-ҳайкалтарош Владимир Лунев каби заҳматкаш мутахассислар кенг миқёсдаги ишларни бажармоқдалар.

Суҳбатимиз олиманинг иккинчи қаватдаги мўъжазгина кабинетида давом этди. Ундаги жавондан бошқа илмий китоблар билан бирга Галина Анатольевнанинг ўз қаламига мансуб бўлган асарлари ҳам жой олган эди. Китобларга бирма-бир кўз югуртирамиз: «Гандхара санъати» (асар намуналарини ўзбекчада келтиряпмиз), «Халчаён ҳайкаллари», «Ўрта Осиё санъат обидалари», Берлинда нашр этилган «Самарқанд — Бухоро» китоби, «Ўрта Шарқ бадиий хазиналаридан», «Ўрта Осиё санъатининг ихчам тарихи» (Е. Н. Массон ва Л. Ремпель билан ҳамкорликда ёзилган) китобининг биринчи томи ва ҳоказо... Бу қимматли, илмий асарларда олиманинг қарийб эллик йиллик илмий фаолияти давомида кундузни кечага, шомни тонгга улаб чеккан заҳматли меҳнати ва айниқса, ярим аср давомида диёримиз қишлоқлари ва далаларини, қўшни Туркманистон юртини тинмай кезиб олиб борган ўнлаб илмий экспедицияларнинг самараси ўз ифодасини топган. Мазкур асарларнинг кўплари аллақачон зўр эътибор ва қизиқиш билан чет тилларга ҳам таржима қилинган. Масалан, олиманинг столида турган «XIV—XV асрлардаги Ўрта Осиё архитектураси дурдоналари» номли асар француз тилида ЮНЕСКО нашриётида чоп этилган. Бу илмий полотнода олиманинг илмий ишлари салмоқли ўрин олиши билан бирга унинг шогирдлари Лия Маньковская, Зафар Ҳакимов ва Пўлат Зоҳидовнинг муҳим мақолалари, эронлик олимлар Бакирзода, Донишдўст ва Тажвидий асарлари ва бошқа муаллифларнинг ишлари берилган. Шу китоб сабаб бўлдию, бизда олиманинг бир масалада фикрини билиш истаги туғилди.

— Илмий фаолиятингизда XIV—XV асрлардаги Ўрта Осиё санъати ва архитектурасига алоҳида эътибор беришингизнинг боиси нимада?

— Бу даврда фан ва маданият нисбатан юксакликка кўтарилди.Мирзо Улуғбек қурган расадхона эса ўша давр фани ва маданияти тарихи учун ўзига хос инқилоб бўлди... Кўплаб ажнабий мамлакатлардан бугун Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро шаҳарларини сўраб сайёҳларнинг диёримизга мунтазам келиб туришларининг боиси ҳам бир томондан шу бўлса, иккинчи томондан, турмуш тарзимизни беқиёс ўзгартириб юборган совет воқелигидир. Шунинг учун ҳам ўша давр ҳозир фақат бизнинг эмас, балки жаҳон олимларининг эътиборини тортмоқда. Мана, оддий бир мисол. Самарқанддаги тарихий обидаларнинг бўёқлари орадан 500 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан ўз нафосатини йўқотмаган. Эътироф этишимиз керак, ҳатто ҳозирги бўёқларимиз ҳам унинг ўрнини босолмаяпти...

Суҳбатимиз охирида олима билан санъат ва архитектура тарихи фанлари олдида турган муаммолар устида гаплашдик.

— Биз кўпдан бери санъат ва архитектура тарихи билан қизиқиб келар эканмиз,— дея гапини давом эттирди олима,— бир муҳим муаммо ҳали ўзининг ечимини кутмоқда. Бу — тарихий санъат ва архитектура намуналарининг назарий асосларини ишлаб чиқиш масаласидир. Тўғри, бу соҳада ҳам бизда бирмунча уриниш бўлаяпти. Чунончи, истеъдодли олима Лия Юльевна Маньковскаянинг «XVIII—XIX асрлардаги Ўрта Осиё архитектураси ва миниатюра санъати типологиясига доир» мавзуидаги докторлик диссертацияси шу масалага оиддир. Лекин мазкур масала ҳали очилмаган қўриқ. Илмга, фанга кириб келаётган ёш тадқиқотчиларимиз шу қўриққа қўл урсалар, айни муддао бўларди.

— Ҳозир қайси масалалар билан қизиқаяпсиз?

— Биз кейинги вақтларда Самарқанд области территорияларида, хусусан, Қўшработ районидаги Орлат қишлоғида илмий экспедиция ўтказаяпмиз,— деди олима суҳбатимизга якун ясаркан.— Эндиги асосий эътиборимизни Суғдиёна шаҳри сирларини билишга қаратмоқчимиз. Бу қадимий кўҳна шаҳар харобаларидан муҳим санъат ва архитектура намуналари топилади, деган умиддамиз...

Минг-минг йиллик тарихни тилга киритиб, фанимизни бебаҳо янгиликлар билан бойитаётган, илмда зукко олимага ўз илмий ишларида янада кенг миқёслар тилаймиз.

Шомурод СИДДИҚОВ

Редакция почтасидан

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

СССР Фанлар академиясининг СССР тарихи институти илмий кенгашининг аъзолари залга ийманибгина кириб келган ёш йигитга аввало эътибор беришмади. Бироқ, бир неча дақиқадан сўнг залда ўтирган олимларнинг диққат эътибори «Ўрта Осиё халқларининг капитализмни четлаб социализмга ўтиши совет тарихшунослиги талқинида» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилаётган ана шу йигитга қаратилди.

Диссертация мавзуси қизиқарли эди. Шунинг учун ҳам кўплаб саволлар ёғилди. Докторант эса берилган саволларга аниқ ва лўнда жавоб қайтарарди. Ниҳоят, илмий кенгаш аъзолари якдиллик билан бухоролик Фарҳод Ҳабибович Қосимовга тарих фанлари доктори илмий унвонини беришга қарор қилдилар.

Шунда комиссия аъзоларидан бири ҳазиллашиб шундай деди:

— Бугун биз тарихда рўй бериб келган англашилмовчиликка барҳам бердик. Зеро, қадим ва навқирон Бухоро тарих соҳасида ҳам ўзининг фан докторига эга бўлди. Бу ҳақиқий меҳнат ва изланиш самарасидир.

Бухоро Давлат педагогика институтида ўқиб юрган кезларидаёқ олимлар ва ўқитувчилар эътиборига сазовор бўлган Фарҳод Қосимов Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари аро ўтказилган студентлар конференциясида «Бухоронинг нокапиталистик тараққиёти тажрибаси» деган мавзуда доклад қилиб, биринчи ўринни эгалади. Институтни битирганидан сўнг, ўрта мактабда тарих фанидан дарс бериш билан бирга илмий ишни ҳам давом эттирди, тарих фанлари кандидати унвонига сазовор бўлди.

Орадан кўп ўтмай, Фарҳод Қосимовни Бухоро Давлат педагогика институтига кафедра мудирлигига ишга таклиф қилишди.

— Нокапиталистик тараққиёт йўли ҳамиша муҳим масала ҳисобланади, — дейди профессор Ф. Қосимов. — Жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари халқларининг инқилобдан кейинги ҳаёти, ишлаб чиқаришдаги мисли кўрилмаган тараққиёти тажрибаси бугунги кунда мустақиллик учун курашаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учун ёрқин маёқ бўла олади.

СССР Фанлар академиясининг «Наука» нашриёти томонидан профессор Фарҳод Қосимовнинг «Минуя капитализма» («Капитализмни четлаб») илмий оммабоп китоби нашр қилиниши олимнинг тадқиқоти нечоғлик муҳим ва аҳамиятли эканлигидан далолатдир. Китоб нафақат совет олимлари, балки чет эллик тарихчи олимлар томонидан ҳам юқори баҳолангани бежиз эмас.

...Бухоро жуда қадимдан маданият марказларидан бири бўлиб келган. Дунёни ақл чироғи билан забт этган, табобат илмининг сарчашмаси ҳисобланган Ибн Сино, Аҳмад Дониш, Бухоро тарихининг бобокалони Маҳмуд Наршахий каби донишмандлар, олимлар ўсиб вояга етган Бухоро кўп асрлардан буён толиби илмларни ўзига чорлаб келади. Бухоро амирлиги маданият ва тарихни халқлар онгидан бутунлай сиқиб чиқариб ташлашга беҳуда уринди. Садриддин Айний айтганидек, Бухоронинг ўтмишида юз йиллар мобайнида халқ меҳнати билан тўпланган, бойиган билимлар шамчироғи ўчмади, балки гуриллаб ёниб, ўз атрофига билимга чанқоқларни парвона сингари тўплайверди.

Бугунги кунда Бухорода фан уфқлари сари дадил бораётган кўплаб фан докторлари, профессорлар етишиб чиқмоқда. Улар фан ва халқ хўжалиги тараққиётига кўплаб янгиликлари, ихтиролари билан улкан ҳисса қўшмоқдалар. Фаннинг сирли сўқмоқларини катта йўлга айлантирмоқдалар. Ана шулардан бири Фарҳод Қосимовдир.

Валентина ЭМ

Бухоро

«...Бадиий практика миллий маданият бошқа маданиятлар билан қанчалик мустаҳкам боғланса, бу маданият қардош халқларнинг интериационал аҳамият касб этган маънавий ва бадиий тажриба хусусиятларини ўзига қанчалик интенсив сингдириб олса, у шунчалик тезроқ ва самаралироқ ривожланишига ишонч ҳосил қилдирмоқда. Бу маданият бутун совет халқи, бутун жамиятимиз маънавий турмушини бойитишга шунчалик кўпроқ ҳисса қўшади...»

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. У. Черненконинг СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг 1984 йил 25 сентябрдаги юбилей пленумида сўзлаган нутқидан).

ДУБЛЯЖ САНЪАТИ

Экранда янги фильмни кўраяпмиз. «Фильм «Ўзбекфильм» киностудиясида дубляж қилинган» деб эълон этади диктор. Лекин кинога қизиқиб кетиб, бу сўзларга унча аҳамият бермаймиз. Бу жумла замирида санъаткорларимизнинг қанчадан-қанча чеккан заҳматлари, изланишлари ётишини тасаввур ҳам қилиб кўрмаймиз.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳар йили уч юзга яқин тўла метражли бадиий фильм ишлаб чиқарилмоқда, хорижий ҳамда социалистик мамлакатлардан кўплаб энг яхши фильмлар сотиб олинмоқда. Бу фильмларнинг таржима қилиниб, экранларга чиқарилиши дубляж санъатининг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатади.

Бу навқирон санъат ҳам ўз тарихи, босиб ўтган тараққиёт йўлига эга. Фильмларни дубляж қилиш мамлакатимизда 1935 йилдан бошланди. Ўша йили режиссёр М. Донский ва таржимон С. Рейтманлар инглиз тилида чиқарилган «Кўринмас одам» бадиий фильмини рус тилига ўгирдилар. Фильм киномухлисларнинг олқишига сазовор бўлди. Ана шу воқеа қардош республикаларнинг киностудияларида ҳам дубляж бўлимлар ташкил этилишига сабаб бўлди. «Ўзбекфильм» киностудиясида эса 1938 йилда

Умар Хайём-рубоийлар

Умар Ҳайём рубоийлари туфайли шеъриятнинг рубоий жанри жаҳон адабиётшунослигида «Шарқ шеъриятининг қуёши» деб ном олган. Муҳтарам олим Шоислом Шомуҳамедовнинг ижодий меҳнати билан ўзбек китобхонлари Умар Ҳайём рубоийларини ўзбек тилида эркин вазнда ўқиш шарафига муяссар бўлишди. Биз, мазкур таржималарнинг қимматини заррача камситмаган ҳолда, шеърхонларга Умар Ҳайём рубоийларидан арузда қилган айрим таржималаримизни ҳавола этмоқчимиз. Мақсадимиз рубоийни халқ оғзаки ижодига хос тўртлик шаклида эмас, балки классик адабиётимизга хос рубоий шаклида таржима қилишга уриниб кўришдир. Зеро, бизда рубоийнавислик бой анъаналарга эга. Биз ана шу анъаналарга суянишга интилдик ва шоир руҳи, давр нафасини сақлаб қолиш ниятида бугунги кунда бир оз эскириброқ қолган сўз ва иборалардан истифода этдик.

ТАРЖИМОН

Ул ҳусни фалак, хуршиди тобондир — ишқ,
Ул қушки, гўзал чаманда сайрондир — ишқ.
Булбул каби ун чекишни сен ишқ санама,
Ҳар лаҳза ўлиб, чекмасанг афғондир ишқ...

* * *

Карвони умрга боқ, чунун ўтгусидир,
Ҳар лаҳза тараб айлаки, кун ўтгусидир.
Соқий, чекаверма кўп қиёмат ғамини,
Сун менга пиёланики, тун ўтгусидир...

* * *

Гул бўлмаса бизга боғ аро, хор ҳам бас,
Нур етмаса бизга етмагай, нор ҳам бас.
Гар бўлмаса бизга хонақо, хирқаву шайх,
Ноқису калисо била зуннор ҳам бас...

* * *

Лойимни ўзинг қорган эсанг, мен на қилай?
Шаклимни ўзинг чизган эсанг, мен на қилай?
Ҳар яхши-ёмонки, мен этарман, ёраб,
Манглайга ўзинг ёзган эсанг, мен на қилай?..

* * *

Ёшдир-қаридир, жаҳонга юз тутгайлар,
Бу нуқтани то кўнгилга жо этгайлар.
Ҳеч кимсага қолмагай абад мулки жаҳон,
Келдик, кетамиз, боз келиб-кетгайлар...

* * *

Эвоҳки, ёшлик эди — номам, тўлди,
Қиш келдию ул тоза баҳорим сўлди.
Ул мурғи тараб эрди ажаб, исми шабоб,
Билмам, у қачон келди — муяссар бўлди!..

* * *

Кун ўтса кунингдан, сен ёд этма,
Ҳам келмаган ул эртага фарёд этма.
Бу келмаган-ўтган била бунёд этма,
Хўб, хайр дегил, умрни барбод этма...

* * *

Соқий, гулу сабза бас тарабнок эмиш,
Боқ, ҳафта ўтиб, ўшал бари хок эмиш.
Гул узгилу май симир, шитоб эт, ҳадемай,
Гул хок эмишу сабза ҳам пок эмиш...

* * *

Ул нечаки, маъни дурига ботмишлар,
Тангри насаби васфида сўз қотмишлар.
Сарриштаи асрор надир, билмасдан,
Аввал неча вайсаб, охири ётмишлар...

* * *

Бор эрди кулол дўкони, кирдим бир гал,
Дастгоҳ бошида кўзагар ишларди жадал.
Кўрдимки, гадо илкию шоҳ калласидан
Ул кўзага ул бўйин била даста ясар...

Бир журъа шароб давлати Кобусдан хўб,
Ул тахти Кубоду маснади Тусдан хўб.
Ошиқ дилидан саҳарлаб учган ҳар оҳ
Зоҳид эли чеккан нолайи муздан хўб...

* * *

Шоҳ тожими, хон зийнати — биз отгаймиз,
Дастору либосни най учун сотгаймиз.
Тасбеҳки, макр лашкарининг элчисидир,
Ногоҳ уни ҳам май учун сотгаймиз...

* * *

Бир қўлда тутиб мусҳафу бир қўлда-чи жом,
Гаҳ марди ҳалолмизу, гаҳ марди ҳаром.
Биздирмиз ўша гумбази нилий тагида
На кофири мутлақ, на мусулмон тамом...

* * *

Эй соҳиби дин, агарчи май ичгумдир,
Лек менга аён, ғофилу ҳушёр кимдир.
Мен май ичамен, сен эса қон ичасен,
Инсоф била айт, аслида хунхор кимдир?

* * *

Пок келган эдик адамдин, нопок бўлдик,
Шодон етишиб эшикка, ғамнок бўлдик.
Ўтдик басе дил оташи, кўз ёши била,
Бердик шу умрни елгаю хок бўлдик...

* * *

Илкимда шаробу ноб бўлсин доим,
Қошимда найу рубоб бўлсин доим.
Хокимдан агар кўза ясар бўлса кулол,
У кўза тўла шароб бўлсин доим...

* * *

Эй чархки, нокасга берарсан бешак,
Ҳаммому тегирмон, молу дунё — лак-лак.
Бир бурда нонга зор юрар тўғри киши,
Уч пулга арзимас демак бўйла фалак...

Айёми тирикликдан агар он ўтсин,
Азм айлаки, ул хуррами шодон ўтсин.
Зинҳорки, сармояи бу мулки жаҳон —
Умр эмиш, ул ҳам гузарон — ўтсин...

* * *

Ҳар кимки, санамга лаби хандон бермиш,
Дардмандга жигар қони-ла дармон бермиш.
Қисматки насиб этмади шодлик, ғам йўқ,
Шодмиз, ғам ила қайғуни чандон бермиш...

* * *

Гар бода ичиб, асиру мастман, мастман,
В-ар ошиқу ринду бутпарастман, пастман.
Ҳар кимсада бир хаёлу тахмину гумон,
Лек мен биламан ўзимни, шак этмасман...

* * *

Мендан чу ажал билан ўлим ваҳми йироқ,
Қисматки тирикликни беribди бундоқ.
Жонимни омонатга олибмен, уни ҳам
Қайтиб берадирмен, муддати етган чоғ...

* * *

Май ичсанг, уни оқилу доно била ич,
Е нозли санам, бир гули раъно била ич.
Оз-оз ичу гаҳ-гаҳ ичу пинҳон ичгил,
Кўп ичма, ружу айлама, маъно била ич...

* * *

Паймона каби бир куни тўлсам, не ажаб,
Бошимга ажал етишса, ўлсам, не ажаб.
Май кўзасини қўшиб кўмингиз зинҳор,
Ул бўйи шароб ила тирилсам, не ажаб...

* * *

Дўстлар уюшиб, кўнгилни обод айланг,
Дийдор кўришиб, бир-бирингиз шод айланг.
Соқий тўлатиб илкига олганда қадаҳ,
Бир дам мени, бечорани ҳам ёд айланг...

Форсчадан **Жамол КАМОЛ** таржималари

бу ишга қўл урилди. Ўша йили Киев киностудиясида суратга олинган «Бой келин» картинаси ўзбек тилига дубляж қилинди. Бу фильмга ўзбек дубляж санъатининг асосчиларидан О. Шаропов режиссёрлик қилди.

Дастлабки йиллари республикамизда ҳар йили битта фильм ўзбек тилига ўгирилган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 80 тадан ошмоқда. Шу кунгача «Ўзбекфильм» киностудиясининг дубляж бўлимида Ватанимиз киностудияларида ишланган ва катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган 1500 дан ортиқ фильм ўзбек тилига дубляж қилинди. Бу эса бир ярим мингдан ортиқ режиссёрлик иши ва яна шунча образлар галереяси демакдир.

Бу хайрли ишда албатта дубляж санъати заҳматкашларининг меҳнати беқиёсдир. Биз бу ўринда дубляж санъатига юрак қўри, куч ва билимини сарф этган режиссёрлар О. Шаропов, С. Искандаров, В. Кутиков, Э. Каримов, И. Еқубов, Ю. Ризаева, Б. Ҳайдаров, С. Имонқулова, М. Соатовнинг номларини, маҳоратли таржимонлар Қ. Мирмуҳамедов, М. Мирзоидов, Турғун Пўлат ва бошқаларнинг номларини, овоз операторлари И. Раҳматуллаев, К. Бўрибоевларнинг хизматлари, фидойиликларини эсламай ўтолмаймиз.

Дубляжда актёрлар ижроси ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ўринда овоз берувчи актёрларимиз СССР халқ артистлари Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ҳамза Умаров, Зайнаб Садриева, ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Т. Тожиев, артистлар Р. Аҳмедова, М. Раҳимова ва Ҳ. Нурматовнинг самарали хизматларини алоҳида таъкидлагинг келади.

Дубляж қилинган фильм ҳам барча бошқа таржима асарлар каби оригиналнинг бадиий хусусиятларини сақлаб қолиши, ундаги миллий руҳни бера олиши лозим. Лекин дубляж қилинаётган фильмнинг ўзига хос томонлари бор. Гап шундаки, фильмни таржима асарга ўхшатиб жумлаларни нари-бери суриб бўлмайди. Айтилган ҳар бир сўз ўша кадрга тушади. Агар асар таржимасида тушунарсиз сўз ёки жумла бўлса, изоҳ бериш мумкин. Фильм дубляжида эса бундай қилиб бўлмайди. Бадиий асар таржимаси билан фильм ўртасидаги таржимада кўпгина тафовутлар мавжудки, бу дубляжни таржиманинг ўзига хос бир соҳаси деб айтишга имкон беради. Дубляжда жумла ҳажмига, ҳатто сўз салмоғига эътибор бериш, шу билан бирга, истаган сўзни эмас, балки актёрнинг лаб ҳаракатларига мос сўзни ишлатиш зурур. Таржима қилинаётган жумла ёки жумланинг бир қисми (паузадан-паузагача) бир тилдан иккинчи тилга кўчирилганда, оригиналдаги жумладан ортмаслиги ё қисқа бўлиб қолмаслиги шарт. Лекин бу бўғинма-бўғин кўчириш деган гап ҳам эмас. Ҳар бир сўз варианти бадиятга ҳам, экрандаги ҳолатга ҳам, актёрлар ҳаракатига ҳам мос тушиши керак. Дастлабки дубляж қилинган фильмлардаги қўшиқ ва шеърларнинг аксариятини таниқли шоир ва адибларимиз таржима қилишган. Улар бу ишга катта масъулият билан ёндашиб, ҳар бир сўз устида узоқ ўйлаганлар. Бу фильмларни томоша қилар эканмиз, улар яратган сўзлар образларнинг тилига, ҳолатига жуда мос келганлигининг гувоҳи бўламиз.

Дубляжда шундай воқеалар ҳам бўладики, баъзан бирор жумлани аниқлаш учун ўша эпизод қайтадан кўриб чиқилади. Масалан, моҳир дубляжчи таржимон, «Ленин Польшада», «Солдат отаси», «Қирол Лир», «Уруш ва тинчлик» каби фильмларнинг таржимони Қодир Мирмуҳамедов «Тожикфильм» киностудиясида суратга олинган «Сиёвуш ҳақида достон» бадиий фильмини ўзбек тилига ўгириш жараёнида бир қанча қийинчиликларга дуч келди. Фильм жуда мураккаб, сабаби, у шеърий йўлда ёзилган бўлиб, маълум қийинчиликларни туғдирар эди.

Рус тилида асар қаҳрамони Фарангиз:

Вот что о мысли написал поэт:
Мысл говорящих слишком далеке.
От слова, что слетает с языке.

Ўзбек тилида:
Фикр ҳақида шоир бундай ёзипти:
Бирон сўзни айтганда одамзод тили
Ғоят олис улғайгай, ул сўздан дили.

Бу мисралар таржимоннинг маҳоратини, сўзларни ҳолатга ва ҳаракатга мослаштирганини яққол кўрсатиб турибди.

Таржимашунос Ғ. Саломовнинг «Таржимон воқеликни асарда кўрсатилган даражада билсагина бадиий чин, ҳаққоний таржима ярата олади», деган гаплари дубляж санъатига ҳам тўла тааллуқлидир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, агар бадиий асар таржимасининг муваффақияти фақат таржимонгагина боғлиқ бўлса, дубляж эса вазифаси турлича бўлган ижодий коллективнинг савияси ва маҳорати орқалигина томошабинга етиб боради. Чунки фильмларни дубляж қилиш ҳам ижодий, ҳам техник жараён ҳисобланади. Фильмни дубляж қилишда киностудиянинг монтаж цехи, овоз цехи, фильмни қайта ишлаш цехи ва мураккаб съёмка цехи, шунингдек, дубляж режиссёри, овоз оператори ва монтажчилар ҳам иштирок этадилар. Дубляж қилинаётган фильмга овоз берувчи актёрлар, таржимон ва жойловчи (укладчик)лар дубляж жараёнида асосий куч ҳисобланади. Ҳар бир фильм таржима қилиниб, экран юзини кўргунча ўнлаб ижодий, техникавий жараёнларни босиб ўтади.

Ўзбекистонлик кинодубляжчилар кейинги йилларда катта ижодий ютуқларни қўлга киритдилар. Студияда фильмлар юқори даражада дубляж қилинмоқда. «Қирол Лир», «Райком секретари», «Аёллар» ва бошқа кўплаб дубляж қилинган фильмлар оригиналидан асло фарқ қилмаслиги билан доимо томошабинларни тўлқинлантириб келмоқда.

Кейинги йилларда дубляж соҳасида олиб борилган катта илмий изланишлар, тажрибалар умумлаштирилди, натижада фильмларни дубляж қилишнинг янги ижодий ва юксак техникавий усули вужудга келди.

Шу ўринда баъзи танқидий фикр-мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтишга тўғри келади: илгарилари республикамизнинг барча кинотеатрларида дубляж қилинган фильмлар намойиш этиб турилларди. Ҳозирги вақтда бир неча кинотеатрларни ҳисобга олмаганда, асосий кинотеатрларда дубляж қилинган фильмлар намойиш этилмай қўйди.

Одатда ҳар бир янги фильм экранларда намойиш этилганда, албатта фильмга кўплаб тақризлар ёзилиб, киношунослар томонидан тегишли баҳосини олади. Шундай экан, ҳар бир янги дубляж қилинган фильмга ҳам бу соҳа мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирсалар, фойдадан холи бўлмасди. Ахир дубляж ҳам ўзига хос санъат-ку!

Хуллас, кино санъатининг ажралмас қисми бўлган дубляж ўзининг вужудга келган куниданоқ халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашда, халқлар кино санъатининг ўзаро алоқада бўлишида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Дубляж қилинаётган фильмлар жаҳон халқлари ҳаёти билан бизни экран орқали янада яқинлаштираверади ва тинчлик учун кураш ишига хизмат қилади.

Абдураззоқ КАРИМОВ

ТАНТИ ДЕҲҚОН БУ!

Хидир МУРОДОВ

Чилланинг чирсиллама буюғини кетмонлаб,
Енган шудгор бағрини совутган яхоб билан,
Ез, кузда дону пахта кўтарай деб ботмонлаб,
Тинмайин дала кезган қадамлаб шитоб билан,
Шундай танти деҳқон бу! Шундай танти деҳқон бу!

Баҳордан дарак берса деҳқонқушлар овози,
Кўпчиган ерни тараб дону чигит қадаган,
Наврўзи олам кириб — кун-тун бўлса тарози,
Иш қозони остига ўтин-оташ қалаган —
Шундай танти деҳқон бу! Шундай тинчимас жон бу.

Агрессор ерни ёқиб, оқибат қул эласа,
Тупроқ тутса зар бўлиб, «оқ олтин»ни элаган,
Ливанда гўдакларни дўзахларга қаласа,
Менинг саховатпешам бешикларга белаган! —
Пахта билан оламни тебратолган деҳқон бу!

Ипак ипга тизилган яшил марварид каби
Ғўза қулоқларини кўрсатган кундан бошлаб,
Рубобнинг тори янглиғ таранг тортиб асаби,
Бир лаҳза ардоқлашни қўймас ҳолига ташлаб! —
Шундай танти деҳқон бу! Шундай танти деҳқон бу!

Арузачалик даврини ўтаб, етилган қиздай,
Келиндай либос кийиб, товланиб қолса пахта,
Бир офат етмасин деб, ундан кўзини узмай,
Меҳнат билан ишониб шакардай толе — бахтга,
Висол кутган ўғлон бу! Шундай марди-майдон бу!

Офтобдан уялгандай сал қизариб рухсори,
Кўсаклар аста-аста лаб очаркан қаймоқдай.
Сир эмас, ўша кундан кўпайиб харидори,
Еттидан-етмишгача эврилади чақмоқдай! —
Шундай ошуфтахон бу! Шундай танти деҳқон бу!

Бир ёнда олтин бошоқ буғдой, маккажўхори...
Бир ёнда ёз қоқиси — қишда малҳамдай дори.
Бир ёнда кумуш тоғлар — деҳқон уйган залворли,
Ўзбекистон пахтаси — шунчалик эътиборли —
Деҳқон уйган хирмон бу! Ер бахш этган эҳсон бу!

Арзийди арғумоқлар ҳосил сайлига келса,
Ярашгай даврада шўх қўшиқ айтса созанда.
Бедов минган пойгада ракеталардай елса,
Кабобу ҳил-ҳил палов дам егунча қозонда,
Гаштин сурган деҳқон бу! Қандин урган деҳқон бу!

Меҳнату шон бор экан, йўл бермаймиз урушга,
Разилларни тизгинлаб, қантариб қўяр инсон!
Соя сололмас асло коммунистик турмушга,
Урушқоқлар тўқиган ҳар хил ваҳима, бўҳтон! —
Ҳақиқатчи замон бу! Бирликдаги қалқон бу!

Пешку

К. Д. УШИНСКИЙ МАЪРИФАТПАРВАРЛИГИ

Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилиш йўналиши ёш авлодни меҳнатга муҳаббат, ватанга садоқат идеаллари руҳида тарбиялашда муҳим давлат ва жамоат аҳамиятига молик воқеа сифатида кенг жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилди. Бу муҳим ҳужжатда пионер, комсомол, касаба союз, меҳнат коллективлари, маданият ўчоғлари, оила ва бошқа жамоат ташкилотларининг келажак авлодга даврга муносиб таълим-тарбия бериш борасидаги роли ва вазифалари белгилаб берилган.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарори совет тузуми чуқур демократизмининг, меҳнаткашлар онглилиги ва сиёсий активлигининг, партия ва халқ жипслигининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ёш авлодга муносиб билим бериш, ишлаш, яшаш шароитларини яхшилаш борасидаги бу ғамхўрлик инсоният тарихида биргина социализм шароитида мавжудлиги дунё халқларининг қизғин муҳокамасига сабаб бўлди.

Маълумки, инқилобга қадар халқнинг илғор онгли маърифатпарвар зиёлилари таълим-тарбия ишларининг оммавий характерга эга бўлишини узоқ вақт орзу қилиб келганлар. Тарбиянинг халқчиллик принципи рус классик педагогикасининг характерли хусусиятларидан бири эди.

Улуғ революционер-демократ В. Г. Белинский адабиёт, маориф, санъат соҳасида бу муҳим принцип назариясини ишлаб чиқди. Унинг таълим-тарбиянинг оммавийлиги ғояси материалистик дунёқараш асосига қурилган эди. У таълим-тарбия воситаларига эътиборни қаратиб, авлодни тарбиялашдан мақсад эксплуатация, таққирлашлар батамом тугатилган, тенгҳуқуқлиликка эришган, бахтиёр гражданлари бўлган озод Ватаннинг жасур бунёдкорларини вояга етказиш эканлигини таъкидлайди.

Белинский таълимотининг давомчиси, улуғ рус педагоги К. Д. Ушинский бу халқчил принципларни ўзининг педагогик маҳзанига асос қилиб олди. XIX аср рус классик педагогикасининг йирик вакилларидан бири, Россияда дастлабки халқ мактабларини ташкил қилган, турли миллат болаларига зиё улашган қатор дарсликларнинг муаллифи учун бу таълимот айни муддао эди. К. Д. Ушинскийнинг рус педагогикасининг отаси, деб ном олишининг ҳам, тараққийпарвар педагогик гуруҳлар орасида алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлишининг ҳам сабаби унинг назария ва практикада илму маърифат ишларига бирдай кўз-қош бўлиши, уларга халқчиллик принципидан ёндашиши эди. У энг аввало таълим-тарбия халқчил бўлиши керак, деган фикрга суянарди. У халқ томонидан дунёга келган ва унинг ўзи бошқарган тарбия қудратли кучга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ушинский ўсиб келаётган авлод ўз мамлакати ва ўз халқининг қизиқишлари нуқтаи назаридан ўқитилиши ҳамда тарбияланиши лозим, деган фикрга келади ва у келажак авлодга билим бериш, умумхалқ фаровонлигига хизмат қилиши кераклигини ҳам уқтиради. Буюк педагог инсоннинг ҳар томонлама мукаммал камол топишида она тилининг роли беқиёс эканлигига эътиборни қаратади. Чунки, она тили, билимлар калити, болани ўз халқи ва халқининг кўнгил бойлиги билан боғлаб турувчи воситадир. Шу сабабдан, она тили мактабда марказий ўринда бўлиши керак, деб ҳисоблайди Ушинский.

К. Д. Ушинский таълимотининг яна бир характерли хусусияти унинг эркаклар билан хотин-қиз-

---

Шарофжон ОРИФИЙ
— 60 ЕШДА

ШАҲРИСАБЗ ДЎППИСИ

Шаҳримнинг бошини нурдай яшнатган
Бебаҳо гиламнусха, гулдор дўппи.
Одамларни ҳавас билан қаратган,
Ранг-баранг чамандай бу гулзор дўппи.

Боғдаги суюкли тиниқ лоладай
Товланади дўстлар кийган дўпписи.
Ёшлик ҳуснин берар, қувноқ боладай
Нафис ипак билан у тикилгуси...

«Санама», «Мусажон» — юз хил номи бор,
Қўли гул ҳамиша тиккан жувоннинг.
Гулдор дўпписида акс этар баҳор,
Қойил қилар безак аҳли жаҳонни.

Бошда яшнар гулзор, чўғ каби ёнар,
Беҳад чиройга бой, минг хил гули бор,
Кўзнинг нури, юрак билан тикилар
Шаҳримнинг дўпписи — топиб эътибор.

БЕБАҲО ДУР

Субҳу содиқ далаларга боқ,
Дилда ҳаяжонлар қўзғалар.
Бегумонки, булутдек оппоқ
Чаноқларда янграр шуълалар.
Қомат кериб ғўза туплари
Шода-шода маржон таққанлар.
Баракадан яшнаб юзлари,
Кўсаклари кулиб боққанлар.
Ҳар бир кўсак, ҳар бир чаноқда
Мужассамдир деҳқон туйғуси.
Ва аёнки ташвиш ёноқда,
Ҳимматларнинг будир ёғдуси.
Жўяк узра кезиб барча жон
Пахтазорнинг бўлган мафтуни.
«Оқ олтин»дан ясаб чўнг хирмон
Ахир ундан топар бахтини!
Яна ғайрат камарин, дўстлар
Белга маҳкам боғлаб олайлик!
Пахтазордан қувноқ бир ҳислар
Қалбимизга жойлаб олайлик!
Пахта эрур энг бебаҳо дур,
Пахта эрур ҳар нарсадан зўр.

КИНДИК ҚОНИ

Киндик қони тўкилган жой азиздир,
Киндик қони тўкилган жой муқаддас.
Бу муборак тупроқ ёддадир ҳаргиз
Инсон борки, уни қиладир ҳавас.

Киндик қони тўкилган жой лолазор,
Уни инсон эъзозлайди доимо.
Еримизга бундай қон томса майли,
Одам кўпайсин, ўлмасин аммо.

Киндик қони тўкилган тупроқ файзли,
Меҳр қўри мудом унга ортади.
Киндик қондан бошқа қонлар томмасин,
Шу ниятлар қалбда куртак отади.

АЖИБ БИР МАЛОҲАТ...

Тансиқ ҳислар уйғотади кузакнинг тонги,
Ажойиб бир малоҳатни туяман бундан.
Жилоланар кенгликларнинг ҳадсиз оқ ранги,
Ўйларимда тиниқлик бу шуълаи нурдан.

Марварид пахтазор кўз ўнгимда мавжланар,
Юрагимда тўлқинланар оппоқ туйғулар.
Бу гўзал дамларда меҳнат авжи жонланар,
Чеҳрам узра мужассамдир майин кулгулар.

Кумуш этаклардан гўё тақиб оқ маржон
Мовий бу масканда шижоаткор одамлар.
Ғайрат суруридан дилда шаффоф ҳаяжон,
Манзил сари бораётир қутлуғ қадамлар.

Бунда беҳисобдир она ер жавоҳири,
Бунда ҳиммат баракаси уради жавлон.
Бунда камол топар ғалабанинг ғурури,
Бунда деҳқон бошин қучар шарафу шон.

Бу ноёб неъматдан элда ортар шафоат,
Бу сахий далаларда жо эзгу ниятлар.
Янграйди тинчлик, фаровонлик, адолат,
Ўзбек заковатин жаҳон баралла куйлар,
Оппоқ ҳислар уйғотади бу кузак тонги...

Шаҳрисабз

лар тарбиясининг теңглиги ғоясидир. Хотин-қизларга билим бериш ва тарбиялаш учун курашиш демократ-педагог фаолиятининг асосий мазмунини ташкил қилади. Унинг тарбиянинг оммавийлиги ғояси чоризмнинг чиркин иллатлари халқни эзиб турган, ёппасига ҳақсизлик ҳукум сурган шароитда илғор зиёлилар оммасининг эътиборини тортди ва ҳар бир миллат вакиллари ўз мактабига, халқчиллик принципига асосланган ўз тарбия ўчоғларига эга бўлиши керак, деган чақириқ бўлиб янгради.

XIX асрнинг 60-йилларида педагогика кун тартибида халқчиллик муаммосининг пайдо бўлиши бежиз эмас эди. Чунки бу даврда чор самодержавиеси сиёсати, диний урф-одатлар, халқларнинг эксплуататорлар зулми остида шафқатсиз эзилиши маориф, маданиятнинг мўътадил ривожланишига имкон бермасди. Мавжуд имконлар ҳам ҳукмрон доираларга хизмат қилар эди. Улар фан, маданият нурлари ўрнига нодонлик, жоҳиллик, шариат, бидъатнинг илдиз ёйишига уриниб келдилар, халқни зулматда сақладилар.

Бу ҳол, айниқса, чор Россияси таъсирида бўлган Закавказье, Ўрта Осиё ўлкаларида жуда ҳам даҳшатли тус олган эди.

XIX аср иккинчи ярмида Туркистонда ҳукмрон бўлиб олган чор ҳукумати маҳаллий халқларнинг билим ва маданиятдан бебаҳра бўлишидан, уларнинг маънавий жиҳатдан юксалмаслигидан манфаатдор эди.

Чоризм халқни қанчалик қуллик асоратида сақламасин, рус халқининг илғор онгли оммаси таъсири Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнади. Туркистон меҳнаткашлари билан улуғ рус халқи орасидаги яқин дўстлик ва ҳамкорлик XIX асрнинг иккинчи ярми ўрталаридаёқ намоён бўлган эди. Бу даврларда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Шарқ адабиётида ҳам ўз ифодасини топди. Бу воқеалар таъсирида вужудга келган ўзбек маданияти ва адабиётидаги прогрессив-демократик йўналиш илғор рус маданияти таъсирида ривожлана бошлади. Фурқат, Муқимий, Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар каби демократ шоирлар ўзбек ва тожик адабиётида прогрессив-демократик оқимни ривожлантирдилар. Улар ҳадсиз жабр-зулмга, адолатсизликка қарши муросасиз кураш олиб бордилар. Авом халқни илм-маърифат нурларидан баҳраманд бўлишга даъват этдилар.

Бу жиҳатдан демократ шоир Фурқатнинг ижодий фаолияти мавзу кўламининг кенглиги билан характерлидир. У Россияда таълим-тарбия ишларининг амалга оширилишига катта қизиқиш билан қаради ва ўз халқининг саводхон бўлишини сидқидилдан истаб, чора-тадбирлар қидирди. Бу орада у Тошкент эрлар гимнизиясининг директори, рус педагоглари вакилларидан бири Н. П. Остроумов, «Туркистон вилояти газети» ноширлари, таниқли шарқшунос олимлар билан танишди.

Улар ўзбек шоирини рус педагогикаси, адабиёти ва маданияти тарихи билан таништирдилар. Рус педагогикаси тарихи, айниқса К. Д. Ушинскийнинг бу борадаги таълимоти маърифатпарвар шоир учун маънавий озиқа бўлди. У 1890 йил Тошкентда гимназиянинг ўқув программалари билан, у ерда ўқувчилар учун муҳайё қилинган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Шоирнинг бу ҳақдаги таассуротлари бизга унинг «Гимназия хусусида» шеъри орқали яхши таниш. Фурқатнинг маданий жиҳатдан анча ривожланиб қолган Тошкентда бўлиши унинг фаолиятида янги қирралар очди. Шоир дунёвий билимлардан бебаҳра замондошлари тақдиридан ташвишга тушди:

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла,
Кўнгилларнинг сурури илмдандир,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандир.

деб, уларни билим олишга, маърифатдан баҳра олишга ундайди. Улуғ рус педагоги К. Д. Ушинский таълим-тарбия мазмунига кўра ҳам, йўналишига кўра ҳам халқчил бўлиши керак, халқ маорифи системаси халқнинг ўзига, қолаверса, унга амалий раҳбарлик қилишга боғлиқ, деб уқтиради.

Демократ шоир рус педагоги таъкидлаган илм зиёси ва инсониятнинг ақл машъали зулмат устидан тантана қилишига ишонади. У жамиятни ривожлантириш учун, ақл машъалининг янада шуъладор бўлиши учун инсоният илму зиёдан хабардор бўлиши кераклигини таъкидлайди:

Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор[1]

Ушинский халқчиллик принципи келажак авлодни меҳнатга муҳаббат, софлик, ҳақгўйлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ, деб тушунтиради. Фурқатнинг халқни маърифатли қилиш ғояси катта аҳамиятга эга эди. У асрлар давомида хўрлик азобини тортиб келаётган халқ орасидан отилиб чиқди. Халқпарварлик, мардлик, бахт-саодат учун курашишда гуманизм байроғини баланд кўтарди. Узининг мардона мисраларига ҳам шу руҳни сингдирди.

Демократ-шоир Фурқатнинг, умуман олганда унга замондош бўлган маърифатпарвар зиёлиларнинг халқни илм-маърифатли қилиш борасидаги тутган йўллари рус педагогикасининг отаси Ушинский таълимотига уйғундир. Буни биз Фурқатнинг таълим-тарбиянинг халқчиллигини таърифлаган қуйидаги фикридан ҳам уқиб оламиз:

1. Шарт-шароитдан қатъи назар, таълим-тарбия халқчил бўлиши керак ва аҳолининг ҳамма қисмини қамраши зарур.

2. Илм сирларини пухта ўрганган инсонгина ҳаёт ривожига наф келтириши мумкин.

3. Тарбия жанговарлик, ватанга садоқат ва муҳаббат, инсонга ҳурмат руҳида бўлиши керак.

Халқчиллик ғояси XIX аср охири XX аср бошларида яшаган бошқа маърифатпарвар ижодкорларнинг ҳам фаолиятига асос бўлди. Ўша даврнинг илғор онгли зиёлилари даврасида, мушоираларда, адабий суҳбатларда тез-тез илм-фаннинг аҳамияти, халқ маорифи масалалари муҳокама этиларди. Давра иштирокчилари — олимлар, шоирлар каби маърифатпарвар гуруҳлар ўз асарларида мазкур масалаларни таҳлил ва тарғиб этардилар. Муқимий, Аваз Ўтар, Завқий, Аҳмад Дониш каби демократ шоирлар фаолиятида бу мавзу айниқса даврнинг йирик муаммоси сифатида таҳлил қилинарди. Улар бу борада рус адабиёти, маданияти рифожини ўргандилар, халқ мактабларини ташкил қилиш хусусидаги ишларига катта қизиқиш билан қарадилар.

Фурқатнинг «Гимназия хусусида», Аваз Ўтарнинг «Мактуб», «Тил», «Миллат» каби шеърларида илм-маърифат тарғиб қилинди. Аваз Ўтар ўғли замонавий мактабларнинг афзаллигини тарғиб этар экан, билим олиш халқни ғаму андуҳлардан озод этажагини, ёш кўнгилларни яратажагини, нурли истиқболга элтажагини ва мактаб барча билимларнинг маскани эканлигини таъкидлайди. Шуниси қизиқки айнан шундай фикрлар рус педагоги К. Д. Ушинский таълимотининг ҳам ўзагини ташкил қилади.

Аваз, илм кишиси аввало тилга эътибор билан қарашини уқтиради. У «Тил фойдали кон», «Чашма» ва уни билишга ҳаракат қилиш керак, чунки «Тил — кўнгил калити», «Табиат эҳсони», деб таърифлайди.

Аваз табиатан жанговар, халқпарвар инсон бўлиб, халқ учун хизмат қилиш, уларнинг оғирини енгил қилишни олий мақсад деб тушунарди.

Халқ маорифи масаласи фақат Шарқ ёзувчи ва шоирларини қизиқтириб қолмади. Балки, XIX аср иккинчи ярмида бу масала ўзбек классик педагогикаси вакилларидан бири, Абдулла Авлоний фаолиятида ҳам муҳим рол ўйнади.

У рус маорифи ва маданияти билан яқиндан танишди. Рус классик педагоглари тажрибаларини ўрганди. А. Авлоний К. Д. Ушинский изидан бориб, халқ маорифининг бошланғич таълимини ёқлаб чиқди. У ўз ғояларини «Шуҳрат» газетасида тарғиб қилди. А. Авлоний замонасининг бошқа маърифатпарварларидан оммани билимли қилишнинг амалий формасини қўллагани билан ажралиб туради. У ўзбек маорифи тарихида Туркистон шароитида қалдирғоч халқ мактабини ташкил қилганлиги билан машҳур. У ташкил қилган мактабда янгича ўқитиш усули қўлланилгани ҳам давр учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолиятига назар ташлар экансиз, унинг рус педагогикаси, жумладан К. Д. Ушинский таълимоти билан яқиндан танишлигини ҳис этасиз.

А. Авлоний Маҳаллий хотин-қизларни саводли қилишга эътибор билан қаради. У хотин-қизлар учун алоҳида мактаблар очишни ёқлаб чиқди.

Ўрта Осиёда, жумладан Туркистонда халқ маорифига шу тарзда асос солинган эди. Бу борада рус классик адабиёти, педагогикасининг таъсири салмоқли бўлди. Рус демократ зиёлилари билан маънавий боғлиқлик афкор омма ҳаётида муҳим роль ўйнади.

Людмила ТЕНЯКШЕВА

[1] «Туркистон вилоятининг газети» 1890 йил, 14 май, № 19.

НОДИР ТОПИЛМА

Яқинда Рим шаҳрининг жануброғида олиб борилган археологик қазилмалар давомида эрамиздан аввалги тўртинчи асрда Юннона худоси шарафига қурилган сарройнинг қолдиқлари топилди. Қадимий Рим афсоналарига кўра, Юнона худоси аёллар ҳимоячиси бўлган ва никоҳни, оналикни қўллаб-қувватлаган эмиш. Топилмалар ичида ионик услубда ишланган устунларнинг бўлаклари, шундай устунларнинг қошлари (юқори қисми), қадимги тангалар ҳам бор.

Ойбалиқ

Мана бу «Юю» лақабли ойбалиқ Японияда минг кундан кўпроқ вақт давомида аквариумда яшамоқда. Бундан аввал «Нонни» лақабли ойбалиқ тутқуниликда 971 кун яшаган эди. «Юю» эса, узоқ яшаш бўйича ўз салафидан ўтиб кетди. Ҳозир Ююнинг узунлиги 111 сантиметр, оғирлиги 68 килограммга етди. Аквариумга тушганидан бери унинг оғирлиги уч мартадан ошиқроқ кўпайди. Бу денгиз жониворларини «сузувчи калла» деб ҳам атайдилар. Уларнинг айрим нусхалари денгизда уч метр узунликка эга бўлади, оғирлиги бир тоннадан ошади. Ойбалиқлар денгизда қисқичбақа ва бошқа майда сув ҳашаротлари билан озиқланадилар.

МАЪНАВИЙ ХАЗИНАМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти халқимиз миллий маданиятининг кўплаб ноёб дурдоналари тўпланган илмий-маърифий даргоҳлардан биридир. Институтда айниқса кейинги йилларда ўтмиш ҳамда ҳозирги маданиятимизнинг қатор манбалари ва намуналарини тўплаш, тадқиқ қилиш ишлари янада қизғин тус олди. Институт олимлари томонидан атоқли адиб ва шоирларимиз архивлари каталогларининг нашр эттирилиши бу муаллифлар ҳаёти ва ижодининг ҳали фан учун номаълум бўлган айрим янги қирраларини намоён қилишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Адабиётшунос Муҳаммаджон Ҳакимовнинг «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи»[1] китоби манбашунослик фани эришган муваффақиятлардан унумли фойдаланган асар сифатида диққатга сазовор. Китобда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институти фондида сақланаётган Алишер Навоий ижодига мансуб 24 та асарнинг 254 та нусхаси тавсифланган. Дарҳақиқат, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, маданият ва санъат ҳомийси Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари институт фондидаги ёзма адабий ёдгорликлар орасида энг шарафли ўринлардан бирини эгаллайди. Фондда сақланаётган Навоий қўлёзмаларининг энг қадимгиси Ҳиротда шоир ҳаётлиги пайтида (1486) машҳур хаттот Али бин Нур томонидан кўчирилган «Бадойиъул-бидоя»нинг ноёб бир нусхаси ҳисобланиб, энг сўнггиси 1939 йилда Хоразмда Муҳркан Худойберган Девон томонидан кўчирилган «Маҳбубул-қулуб» нусхасидир.

Китобда институт фондида сақланаётган Навоий асарлари қўлёзма нусхалари асосан ягона илмий қоидаларга қатъий амал қилинган ҳолда тавсиф этилган. Ҳар бир тавсиф сўз юритилаётган нусханинг энг муҳим полиграфик хусусиятлари ҳақидаги барча маълумотларни қамраб олган. Қўлёзмалар тавсифланаётганида айрим зарурий ҳолларда фақат тавсифий далиллар билангина чекланиб қолинмасдан, балки сўз юритилаётган нусхага адабиётшунослик, тарихшунослик, китобат санъати ва бошқа қатор соҳалар нуқтаи назаридан комплекс ёндашилади. Бу, албатта, мазкур китобнинг муҳим фазилатларидир. Шу жиҳатлари билан мазкур китоб қўлёзмаларнинг фақат полиграфик хусусиятлари ҳақида умумий маълумотлар берувчи кўпгина каталоглардан ажралиб туради. Бу ҳол унинг илмий-маърифий аҳамиятини янада орттиради.

Булардан ташқари, муаллиф тавсиф қилинаётган нусханинг ўз индивидуал хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари, асар кўчирилган давр маданий савиясини ўрганишдаги аҳамияти каби масалаларга ҳам муайян даражада тўхталиб ўтади. Шунингдек, китобда рисолага хос тавсиф унсурларидан ҳам унумли фойдаланилган, баъзи тавсифларда, жумладан «Мажолисун — нафоис» нусхалари ҳақидаги ўринларда тадқиқот характеридаги фикр-мулоҳазалар ҳам ўртага ташланилади. Умуман, М. Ҳакимовнинг мазкур китоби Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари ҳақида яхлит тасаввур беради.

Китобда айрим аниқлик киритилиши, таҳрир қилиниши ёки тузатилиши лозим бўлган ўринлар ҳам учраб туради. Чунончи, араб хати билан ёзилган матнларда баъзи жузъий саҳв ва нуқсонлар содир бўлган. Муаллифнинг «Навоий «Хазойинул-маоний»ни тузгунга қадар уч девон тасниф этган» (17-бет) деган мулоҳазаси эса баҳс талабдир. Чунки, навоийшуносликда эътироф қилинишича, «Хазойинул-маоний»га қадар шоир ўз қўли билан иккита девон «Бадойиъул-бидоя» ва «Наводирунниҳоя» тасниф этган. Фанда шартли равишда «Илк девон» деб юритилаётган нусха шоирнинг ўз мусаннифотига тегишли бўлмай, балки шеърият мухлислари томонидан тартиб берилган нусхалардан бири саналади. Навоийнинг ўз маълумотларига кўра, шоир ўзининг биринчи девонини тузгунга қадар бундай шеърий тўпламлар бир нечта бўлган. Шунингдек, «Бадойиъул-бидоя»нинг 216-рақамли нусхасининг аҳамияти асосан тўғри таърифлангани ҳолда, муаллифнинг бу нусха ҳақида «мазкур қўлёзма «Бадойиъул-бидоя»нинг дунё бўйича маълум бўлган тўрт (Тошкент, Боку, Париж, Лондон) нусхасининг энг мукаммалидир» деб берган баҳоси асосли эмасдир. Чунки, бу нусханинг ғазалиёт қисми ундан олти йил аввал кўчирилган Париж-746 нусхасидан 76 та ғазал кам, яъни мукаммал нусха деб бўлмайди.

Бизнинг бу мулоҳазаларни ёзишдан мақсадимиз келгусида амалга оширилажак шу типдаги ишларда юқорида зикр этилган масалаларга кўпроқ диққат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлашдан иборатдир. Шубҳасиз, бу хил ишлар Алишер Навоий асарларининг турли хатолар ва тасодифий қусурлардан холи бўлган мукаммал илмий-академик нашрини амалга оширишда манбашунослик нуқтаи назаридан муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бинобарин, М. Ҳакимовнинг Қўлёзмалар институти фондидаги Навоий асарлари нусхаларини тавсифлашга бағишланган мазкур китоби ана шу катта мақсад йўлидаги дастлабки хайрли ишлардан бири сифатида қадрлашга лойиқдир.

Шарафиддин ШАРИПОВ,
филология фанлари кандидати

[1] М. Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи, Тошкент, «Фан», 1983.

Гагарин район «Комсомолобод» совхозининг механизаторлари — Мамат Онаев, Чори Қобилов, район Халқ контроли комитетининг раиси Ворошил Худойбердиев, совхоз директори Одинақул Бозоров, бригадир Жума Шербоев.

Ж. Тўраев фотолари

Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхоз механизатори Мўйдинбой Абдуллаев.

Эзгу ният

НАЗАРМАТ

Унинг ёшлиги осмонўпар чинорлар остида ўтган. Мактабга бориш учун уйдан эшикка қадам қўйиши билан тепасида осмоннинг ярмини эгаллаб турган катта чинорга кўзи тушарди. Тарвақайлаб кетган, йўғон, эгри-бугри шохларнинг шапалоқдай-шапалоқдай яшил баргларининг баҳор шабадаларида ўйинга тушиши Рафаэлни ҳаяжонга соларди.

— Бундай зўр чинорлар бизнинг Наманганда мизга бўлади,— дерди у осмонга завқ билан қараб. Баланд шохлардаги қушлар, айниқса тут пишган сайроқи чуғурчуқлар галасидан кўз узолмасди.

Шундай дамларда у фотограф бўлишни, табиат мўъжизаларини суратга тушириб, мактаб музейига тақдим қилишни ўйлар, улар ҳақида газетада хабар ва мақолалар билан қатнашишни орзу қилар эди. Бу эзгу ният йўллари уни аста-секин порлоқ истиқбол сари етаклади. Дастлаб Рафаэль шаҳарда отаси Иван Александровичнинг суратқашлик устахонасига бориб, мурғак қалбидаги ниятларини рўёбга чиқаришга интилди. Отасига ўқишдан кейин ёрдамлашадиган бўлди.

Олтин куз палласи эди. Наманган кўчаларидан пахта ортилган аравалар қаторлашиб ўтиб қолди, улар тебранганида йўлга кумушдек толалар тўкилиб борарди. Рафаэль тўкилган пахтани олиб, арава устига ташлади. Аравакаш унга раҳмат айтаркан: «Бу олтин, уни бизлар биринчи бўлиб давлатга топшираяпмиз», деди. Рафаэлнинг кўнглидан «олтин» сўзи ўтди ва елкасидан фотоаппаратини олиб, пахта карвонини суратга туширди. Яхши чиққан суратни эса «Правда Востока» газетасига юборди. Орадан кўп вақт ўтмай, «Наманганда қизил карвон» номи билан ёш фотограф туширган биринчи сурат республика газетасида эълон қилинди. Эзгу ният йўлларининг бошланиши ана шундай бўлди.

Биринчи фотосуратидан кейин журналистика унинг жонажон иши бўлиб қолди. Рафаэль Ивановични «Комсомолец Узбекистана» (ўша вақтдаги «Комсомолец Востока» газетаси) редакциясига ишга чақирадилар. 1932 йили Мясков газетанинг Фарғона водийси бўйича махсус мухбири этиб ишга тайинланди. Энди у ўз билими ва ғайратини фотомухбирлик касбига бағишлаш ниятида водийнинг турли районларида бўлиб, ёш пахтакорлар, чорвадорлар ҳаётидан олинган суратларни республика газеталарига юбора бошлайди. У туширган суратлар фақат ёшлар газеталаридагина эмас, бошқа газета ва журналларда ҳам чоп этилади.

Ҳаёт ижодкор учун улкан мактабдир. Ҳаётнинг жўшқин нафаси унга фақат суратга туширишнигина эмас, балки қаламда тасвирлашни ҳам тақозо этарди. Рафаэль Иванович пахта майдонларида, канал қурилишларида, саноат корхоналарида бўлиб, улар ҳақида хабар ва мақолалар ёзишга киришади. У энди қўлида фотоаппарат билан бирга қалам тутиб, замондошларимиз ҳақида мақолалар ёза бошлади.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Рафаэль Иванович «Правда Востока» газетасининг Фарғона, кейинроқ Наманган областлари бўйича мухбири этиб тайинланди. 1943 йилдан 1945 йилгача Наманган область партия комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси вазифасида, шу билан бирга республика газетаси мухбири сифатида областда иш олиб борди.

Рафаэль Иванович ўзбек тилини ўз она тилидай яхши билади. Унинг иши кўпинча оддий ўзбек пахтакорлари, чорвадорлари, боғбонлари орасида ўтади. Ана шу оддий меҳнаткашлар билан яқиндан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаёти ва орзу-умидлари ҳақида мақолалар ёзади.

Ўзбек тилини пухта билган ва ҳатто ўзбек тилида мақолалар, хабарлар ёзиб келган Рафаэль Ивановични область партия комитетига чақириб, область газетаси — «Наманган ҳақиқати»га редактор қилиб тайинлайдилар. У бу янги вазифани сидқидилдан бажаришга киришади. Оғир йиллар эди. Қишлоқ хўжалигида ҳам, саноатда ҳам одам кучи етишмас, мутахассислар кам эди. Область ва район раҳбарлари олдида аллақанча қийин вазифалар турарди. Меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари, эътибор ва имкониятларини халқ хўжалиги вазифаларини тўла-тўкис бажаришга сафарбар этишда ўша пайтларда область газетаси ҳам муҳим роль ўйнади. Редактор Рафаэль Мясковнинг ўзи ҳам қишлоқларга, узоқ яйловларга бориб, ватанпарвар пахтакорлар ва чорвадорлар ҳақида мақолалар уюштиради.

... Наманган темир йўл вокзалига эшелонлар ортидан эшелонлар келиб тўхтайди. Бир эшелонда ярадорлар, кекса ота-оналар бўлса, бошқасида уруш туфайли ота-онасиз қолган норасида болалар бор эди. Ана шу ғўдаклар тақдири, уларга меҳрибонлик газета коллективининг ҳам кундалик иши бўлиб қолади. Рафаэль Иванович ўзи шахсан жойларда бўлиб, кўчириб келинган болаларнинг ҳолидан хабар олади ва уларга яхшироқ ёрдам уюштириш учун жон куйдиради, газета орқали уларнинг битмаган ишларини битказиш йўлларини излайди. Бу ҳаракат, бу меҳрибонлик ва эътиборни наманганлик кекса ветеран журналистлар ҳозиргача мамнуният билан эсга оладилар.

Урушдан кейинги йилларда Рафаэль Иванович КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабининг марказий газета курсида таҳсил олади. Унинг Москвада бўлиши улуғ пойтахтда иш олиб бораётган атоқли журналистлар билан алоқа боғлашга ва уларнинг тажрибасини ўрганишга имконият яратади. Уни «Комсомольская правда»нинг Узбекистон бўйича мухбири қилиб ишга юборадилар. У бу ишда ҳам ўзининг билим ва тажрибасини намоён этди.

Урушдан кейинги йилларда республикамизда чўлларни ўзлаштириш, пахта майдонларини кенгайтириш, дарёларни тўсиб каналлардан сув чиқариш ва янги нурхоналарни барпо қилиш ишлари кенг қулоч ёзади. Бу умумхалқ ишларида республикамиз ёшлари чинакам ватанпарварлик намуналарини кўрсатадилар, уларнинг фидокорона ишларини марказий ёшлар газетасининг мухбири мунтазам ёритиб боради.

Сўнгроқ Рафаэль Иванович «Советская Россия», «Известия» газеталарида ҳам ишлади. У қаерда бўлмасин, ўзининг бутун журналистлик тажрибасини ва ғайратини ишга солиб, ўз коллективининг, газетхонларнинг ҳурматини қозониб келмоқда.

«Комсомольская правда» газетасида 50-йилларда унинг «Мирзачўл, биз сени забт этамиз», деган лавҳаси босилган эди. Бу лавҳада тасвирланган асрий чўлни ўзлаштириш учун келган комсомол қизлардан бири Назира Йўлдошева эди. Бу фидокор комсомол қизнинг орзу-ўйлари марказий ёшлар газетасида кенг ёритилди. Мана бугун Назира Йўлдошева — республикамизнинг донгдор пахтакори. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сирдарё районидаги Ленин номли колхозининг раиси. Унинг меҳнат фаолияти кўп ёшларга намуна бўларли шонли ҳаёт йўлидир. Рафаэль Иванович машҳур чўлқувар опанинг номини ҳурмат билан тилга олиб, унинг ўзи ва колхози, ишлари билан ҳамон қизиқиб, хабар олиб турганлигини ифтихор билан сўзлайди.

Қадрдонимиз, тажрибали журналист Рафаэль Мясков республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги кунларида ҳам қуёшли ўлкамизнинг донгдор кишилари ҳақида очерклар ёзиш билан машғул.

Ганг дарёсини асранг!

Ҳиндистон аҳолисининг каттагина қисми Ганг водийсида истиқомат қилади. Бу жойларни ҳинд халқи маданиятининг бешиги дейиш мумкин. Мамлакатнинг шоликорлик бойлиги ҳам шу водий. Ганг дарёсининг қирғоқларида ҳинд халқининг оммавий сиғиниш жойлари ўрин олган. Бироқ муқаддас қўрғонлар, ибодатхона-эҳромлар ва такяхоналар қаторида минглаб саноат корхоналари ҳам дарё қирғоқларидан жой олган. Бу корхоналар дарёдан кўп миқдорда сув олади ва ўз чиқиндиларини дарёга оқизади. Бу нарса дарёнинг ҳолатига ва дарё қирғоғида истиқомат қилаётган аҳолининг саломатлигига, умумий аҳволига салбий таъсир кўрсатаётир. Ҳиндистон ҳукумати Ганг дарёсини чиқиндилардан тозалаш учун иш плани ишлаб чиқиш ва шу йўл билан дарёни ҳалокатдан сақлаб қолиш ҳақида кўрсатма тайёрлаш чорасини кўраётир.

Боши 13—14-бетларда

лик ва кузатиш пунктлари, кўп миқдордаги инженерлик иншоотлари яксон этилди.

Артиллериячиларимиз тўпларни душман мудофаасининг ичкарисига кўчириши билан бошқалар қатори корпусимиз танклари ва мотоўқчилари Нейсе дарёсидан кечиб ўтишга киришдилар. Сапёрларимиз душман ўқлари остида Мускау шаҳридан 4 километр шимолда 60 тонна юк кўтарадиган кўприк қуришга киришдилар, бошқа жойларда ҳам кўприклар қурилди. Кўприклар битиши билан танклар, ўзиюрар тўплар ва бошқа жанговар техника дарёдан кечиб ўта бошлади.

Душман Емлиц деган жойда қаттиқ қаршилик кўрсатиб, қисмларимизнинг илгари силжишини секинлаштирди. Бу ерда душманнинг «Фюрерни қўриқлаш» танк дивизияси қисмлари жанг қиларди. Шунда қўмондонлик корпусимизнинг 12, 13-танк бригадаларини, улар билан бирга бизнинг 3-мото-ўқчи бригадамизни шу жангга ташлади. Артиллериячиларимиз ўзиюрар тўплар ёрдамида қўмондонлик топшириғини бажардилар. Стратегия аҳамиятига молик пункт — Емлиц ишғол этилди. Жангчиларимизнинг олға силжишига имкон туғдирилди. Айниқса, бу жангда полковник Душак командирлигидаги 12-танк бригадаси зўр жасорат кўрсатди, қийин, йўлсиз жойлардан айланиб ўтиб, Емлицга ҳужум қилди ва душманни ғафлатда қолдирди.

17 апрель куни биз билан ёнма-ён келаётган қўшинлар билан бирга ҳамкорликда ҳаракат қилиб, кантемировчилар 18 километргача илгари силжидилар. Ниҳоят Шпрее дарёсидан ҳам ўтдилар, душман қаршилигини синдириб, дарёнинг нариги қирғоғига маҳкам ўрнашиб олдилар. Бошқа кучлар дарёдан ўтиб олгач, ҳужум яна кенг миқёсда давом этди. Бизнинг гвардиячи кантемировчи корпусимиз чап томон — Эльба дарёсига чиқиш учун душман истеҳкомларини бирин-кетин тор-мор келтириб борди. Кўплаб немис солдатлари асирга тушди, қурол-аслаҳалар ўлжа олинди. Гойерсверди деган жойда немислар жуда қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Чунки темир йўллар туташган бу шаҳарча муҳим стратегия аҳамиятига эга бўлиб, Берлин йўлини тўсиб турарди. Кун бўйи даҳшатли жанглар давом этди. Кечга бориб, қаршилик кўрсатаётган душман қуршаб олинди ва асосий кучларидан ажратиб ташланди. Қуршаб олинган душман бир неча соат давом этган жангда тор-мор этилди, кўплаб немис солдат ва офицерлари асир олинди. Бизнинг 2-батальон ҳам бошқалар билан бирга бу муҳим маррани эгаллашда актив қатнашди.

Лекин душман тинч турмади, мудофаамизни ёриб ўтиш, ажратиб ташланган кучлари билан қўшилиш учун қайта-қайта ҳужум қилди. Гвардиячиларимиз душман ҳужумини ҳар сафар даф этиб, унга катта талафот етказдилар. Ҳамма ўз позициясида мустаҳкам турди. Батальонимиз командири — қозоқ халқининг фарзанди, гвардиячи майор Шакар Кушкинбоев ўзининг мардлиги, қатъияти билан тунги жангларда бошқаларга намуна бўлди. Душман жуда яқинлашиб қолган оғир дамларда ҳам у одатдагидек зўр ишонч билан жангга дадил бошчилик қилди.

— Кушкинбоев, аҳволинг қалай, душманни ўтказмайсанми? — бригада командири гвардиячи полковник Михаил Леонов дала телефони орқали батальон командиридан сўради.

— Ўтолмайди. Ишонаверинг, газандалар бу ерда фақат ер тишлайди.

Жавобдан бригада командирининг кўнгли тўлди шекилли:

— Раҳмат, маҳкам турганлар, — деб хайрлашди.

Саҳар пайтида душман бизни қаттиқ ўққа тутди. Маст-аласт фашист газандалари ўқларимиздан тутдай тўкилишига қарамасдан, биз томон босиб келаверди. Гвардия капитани Киселев бошчилигидаги биринчи рота траншеяларига гитлерчилар галаси жуда яқинлашиб қолди. Сон жиҳатдан душман кўп эди. Батальон командири штаб бошлиғини ўз ўрнида қолдириб, бир группа автоматчиларни ўзи билан бирга хавф бўлган жойга бошлади. Ҳаммамиз душман устига ташландик.

— Дўстлар, орқамдан юринглар, фашистларнинг бир адабини бериб қўяйлик!

Батальон командирининг шахсан ўзи атакага бошлади. Бизга С. Филиппов ротаси ҳам қўшилди. Киселев ротасининг мудофаа линиясида душман йўлини тўсдик. Киселев ротасининг чап қанотига кириб олган бир группа фашистлар устига гранаталар ташланди. Автоматчилар взводининг командири лейтенант М. Шумайлов қоронғуликдан фойдаланиб, душманнинг чап ёнбошига ўтиб олди ва уни ўққа тутди. Автоматчилардан гвардия сержанти Мамажон Холдоров эмаклаб бориб, жуда яқин қолганда фауст патрон олиб турган икки немис устига граната ирғитди. Шу пайт батальон командирининг «Туринг, душман устига, ура!», деган сўзлари янгради. Бутун батальон «Ура!» дея автоматлардан ўт очиб, душман устига ташланди. Фашистлар орқага чекинди. Аммо уларни икки ёнбошдан пулемётчиларимиз ўққа тутдилар. Фашистлар учун қуролларни ташлаб, қўл кўтаришдан бошқа илож қолмаган эди.

Шундай қилиб, душманнинг Гойерсвердидаги барча қарши атакалари барбод бўлди.

Тунги жангда батальон командири Шакар Кушкинбоев тадбиркор командир эканлигини яна бир бор кўрсатди. Уруш йиллари унинг кўкрагини Ленин ордени, I даражали Ватан уруши, иккита Қизил Юлдуз ордени ва медаллар безади. Қозоқ халқининг бу жасур фарзанди бундан икки йил бурун Қарағанда шаҳрида вафот этди. Мен ва запасдаги майор М. Зуфаров дафн маросимида қатнашдик. У катта коллективга — ҳунар-техника билим юртига 26 йил раҳбарлик қилди. Бир кўча ва ҳунар-техника билим юрти унинг номига қўйилди...

...Жанглар билан илгари силжишни давом эттираётган кантемировчилар 1945 йил 22 апрель эрталаб катта тош йўллар туташган Шлибино деган жойни эгалладилар. Бу билан жанубдан Берлинга борадиган йўлни тўсиб қўйдилар. Биз Эльба дарёсига тобора яқинлашиб борардик.

Торгау томон ҳужум 23 апрель кечаси бошланди. Уни эгаллаш машаққатли бўлди. Душман артиллерияси ва танклари катта қаршилик кўрсатди. Корпус командири генерал Полубояров душманни айланиб ўтиш планини тузди. Асосий танк кучларини юборишдан олдин душман позицияларига артиллериядан бир неча дақиқа ўт очилди. Сўнгра ҳужумга ўтилди. Куннинг иккинчи ярмида Эльба дарёсининг ўнг қирғоғини эгалладик.

Кантемировчилар Нейсе дарёсидан Эльба дарёсигача бўлган ҳужумни ривожлантириб, шиддат билан илгари интилдилар.

Жасур гвардиячилар беҳад ҳурсанд эдилар. Ҳамма жойда «Ура!» овозлари эшитиларди. «Биз Эльбадамиз!», «Мана — биз кутган Эльба!» Кантемировчилар ўз жанговар муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланардилар.

Орадан икки кун ўтгач, яъни 25 апрелда Эльба дарёсида Совет Армияси ва Америка қўшини вакиллари учрашдилар.

Ватанимиз пойтахти Москва 1-Украина фронтининг шавкатли жангчилари, шу жумладан 4-гвардиячи кантемировчи корпус шарафига салют берди.

Нейсе-Эльба учун бўлган жангларда жанговар топшириқни намунали бажарганликлари учун кантемировчиларнинг катта группаси СССРнинг жанговар орден ва медаллари билан тақдирланди. Булар орасида бизнинг 3-бригада вакиллари ҳам кўп эдилар. Шулар қаторида мен ҳам иккинчи жанговар орден — II даражали улуғ Ватан уруши ордени билан мукофотландим.

Совет Армиясининг 1945 йил апрелида Германия территориясида эришган жанговар муваффақиятлари кантемировчиларнинг Эльба дарёсига етиб, Берлиннинг ғарбий-жанубидаги Торгау шаҳрини эгаллаши буюк Ғалаба куни яқинлашиб қолганидан далолат эди. Ҳа, фашистлар Германиясининг умри тугаб бораётган, Рейхстаг устига Ғалаба байроғи қадалишига саноқли кунлар қолган эди.

Қарзга бериладиган соқол

Миср ҳукумати Сфинкснинг соқолини ўз мамлакатига қайтариб бериш хусусида Британия музейи билан уч йил давомида музокаралар олиб борди. Маълумки, Сфинкснинг соқоли бундан 166 йил муқаддам қонунсиз равишда Мисрдан олиб чиқиб кетилган эди.

Ловиядан афзал

Перу мамлакатининг Анд тоғларида дуккакли ўсимликлар оиласига кирувчи бир экин экилади. Маҳаллий аҳоли уни тарви деб атайди. Ҳозирги кечуа индусларининг аждодлари бу экиннинг донини жуда қадим замонлардан буён истеъмол қилиб келадилар. Сўнгги йилларда бу экин олимларни жуда қизиқтириб қолди. Сабаби тарви донидаги оқсил миқдори ўсимликлар дунёсидаги бирорта экинда учрамайдиган даражада кўп — 42,70 фоиз экан. Яъни тарви донида оқсил моддаси маккажўхорига нисбатан беш баробар, буғдойга нисбатан уч баробар, нўхотга нисбатан икки баробар кўп экан. Ҳатто «дуккаклилар маликаси» ловия ҳам кўп жиҳатдан тарвидан паст турар экан. Тарви таркибидаги 20 фоиз ёғ моддаси эса, ундан юқори сифатли мой олиш имконини беради. Тарви экини совуққа ва иқлимнинг тез ўзгаришига ҳам чидамли бўлиб, ловияга нисбатан минг метр баланд ерларда ҳам ўсаверади. Яна бунинг устига бу экин унумдор ерларни ҳам танламайди, камқувват ерларни бойитиб беради.

Бироқ тарвини кенг майдонларда кўпайтириш учун тўсқинлик қиладиган жиҳатлар ҳам бор: ўсимлик дони таркибида кўп миқдорда — 3,3 фоиз алкалоид мавжуд бўлиб, бу нарса унга аччиқ таъм беради ва тўғридан-тўғри истеъмол қилишга монеълик тугдиради. Инклар ҳамиша тарвини сувда қайнатиб, оқар сувда алкалоидни ювиб ташлаб, сўнгра қуритадилар. Тарвининг эндигина терилган дони билан улар каламушларни заҳарлайдилар.

Анд водийси экинларини тадқиқ этувчи марказнинг селекционерлари тарвининг таркибида алколоиди кам бўлган навларини яратиш устида ишламоқдалар. Яқинда генетик саралаш йўли билан таркибида атиги 0,025 фоиз алкалоиди бор тарви нави яратилди.

Рўзи ҚОДИРИЙ

ЎЗБЕКИСТОНГА

Оқаётир меҳринг барча дилларга,
Қалблар ардоғисан, суюкдан суюк,
Ўрнаксан Шарқдаги қардош элларга,
Машъал тимсолидир кўксингдаги туғ!
Баланд кўтарилган қад-қоматингда
Олтмишта довонни кўриб турибман.
Саховатдан тўлган табиатингда
Олтмиш йил нашъасин суриб юрибман.
Совет муҳаббати бўлиб бир жаҳон,
Ҳусну камолингга бераётир кўрк!
Сўлим тасвиринғда этилгай баён
Инсонлар маслаги — тинчлик ҳамда эрк!
Эртакларга сингган асрий орзулар,
Сенда ушалмоқда соатма-соат!
Бағрингда туғилган ўтли туйғулар
Ҳаётдек сўнмасдир абадул-абад!..
Ибратли маскансан совет Шарқида,
«Тинчлик, дўстлик боғи» аталур номинг.
Шаънингга ёзилгай минг-минг қасида,
Қайноқдан қайноқдир завқинг, илҳоминг!
Сени порлатмоқда Ленин зиёси,
Қаршингда борлиқ ҳам боқар лол, ҳайрон,
Таралмишдир сендан севинч навоси,
Унга қўлоқ тикмиш замину замон.

Сен билан ҳамсуҳбат даврлар, йиллар,
Узлуксиз тинглайман башар овозин!
Сенга роз айтишар қитъалар, эллар,
Улар тилагида шонли парвозинг!

* * *

Субҳдан субҳга кўз тикар инсон,
Тонглар жамолига интиқ ошиқар.
Бекам-кўст яшашга излайди имкон
Истар, дасти етсин қуёшга қадар
Юлдуздан юлдузга учмоқни истар,
Самовот қучоғин макон этсам дер.
Зиё оғушида сузмоқни истар,
Ҳатто Юпитерга бориб етсам дер.
Уфқлар очади янгидан-янги,
Кетма-кет манзиллар бўлур намоён.
Борлиққа ҳокимдир башарнинг онги,
Унинг измидадир замину осмон.
Интилмоқ қонундир юксаклик сари,
Соҳиллар, довонлар бўлмайди адо.
Ниятлар, мақсадлар, орзулар бари
Замондан замонга шўнғир доимо!

ДЎСТЛАРИМ

Кун кўрмоқ қийиндир оламда дўстсиз,
Сиз борсиз дўстларим, ғамим йўқ ҳаргиз,
Боғбон, пахтакорим, суянганим сиз,
Жўшқин кучу жўшқин руҳ бағишлайсиз,
Доимо бор бўлинг, яшнанг дўстларим!
Дамларимни лазиз этувчи сизлар,
Умримни ҳам азиз этувчи сизлар,
Ҳамдам, ҳамжон бўлиб ўтувчи сизлар,
Сизлар-ла ҳосилдир мақсад, муродим!...
Шу боис сизлардан қарздорман абад,
Қарзим бадалига қиламан хизмат,
Ҳар нафас таъзимда айтаман раҳмат,
Сизлар-чун қалб дурин тераман ҳарвақт,
Уйда ҳам, йўлда ҳам, ишда ҳам сизни
Уйлайман, кўрсатган мададингизни,
Созимга соламан ҳимматингизни,
Оқламоқ аҳдимдир нон-тузингизни!..
Соҳибхонларим сиз, таянч тоғларим!

Санъат

Доира усуллари

Ана, Қаҳрамон Дадаев доира чалаяпти. Бирдан ҳаммаёқ шодлик садоларига тўлиб-тошди. Диллар дарёдек мавжланди. Юрагида ўти бор инсон рақсга тушиб кетгиси келади, шўх, дилбар рақсга...

Қаҳрамон Дадаевни таништириб ўтиришга ўрин йўқ. Уни ҳамма билади.

...«Доирада Қаҳрамон Дадаев жўр бўлади!» дейилиши билан ҳар гал концерт залларида олқишлар янграб кетади. Шу чоқ доирасини қўлда ўйнатиб, шўх кулганча Қаҳрамон чиқиб келади. Оқ ҳошияли кўйлаги, шоҳи белбоғи ўзига ярашган, бўйчан, хушбичим бу йигит доирага бармоқ уриши билан ҳаммани ўзига мафтун қилиб олади. Доирани эмас, дилларни чертади, дилларга кириб боради.

Қаҳрамон доира чалганида раққоса ҳам саҳнага гўё қушдай учиб чиқади. Куй садолари қаноатида яйраб-яйраб хиромон этади. Қаҳрамон завқ-шавққа тўлиб, ёниб доира чертади. Унинг сеҳрли қўллари доирани минг оҳангда сайратиб юборади.

Йўқ, йўқ, у фақат доира чертибгина қолмайди, хатти-ҳаракати, қарашлари, бутун вужуди билан раққосага илҳом ва куч-қудрат бағишлайди.

— Қаҳрамон доира чалсин! — дейди гўзал раққоса Маъмура Эргашева.

— Қаҳрамон доира чалсин! — дейди лобар ўйинчи Қизлархон Дўстмуҳамедова.

— Қаҳрамон доира чалсин! — дейишади «Баҳор» ансамблининг қирқ қизлари.

— Қаҳрамон доира чалсин! — дерди буюк раққосамиз Мукаррама Турғунбоева.

1953 йили Мукаррамахоним рақс ансамбли учун талантли қизлар танлаб юрганида Қаҳрамон Рейнгольд Глиэр номли музика мактабида ўқирди. Тошкент хореография билим юрти қизлари рақсга тушганда мана шу музика мактаби талабалари уларга доира чалиб туришарди. Ўшанда Қаҳрамоннинг маҳорати Мукаррамахоним эътиборини тортди. Унинг келажагини кўра билди. Ансамблга доирачи қилиб олди. 1957 йили ансамбль мукаммал коллективга айланди.

Шундай қилиб, мана 31 йилдирки, Қаҳрамон Дадаев «Баҳор»да доира чалади. Бир йўла уч-тўртта доирада шўх усуллар чалиб, Иттифоқимиздагина эмас, Америкада, Осиё ва Африка мамлакатларида, Европада, қўйингчи, тўқсондан ортиқ мамлакатда турли миллат ва элат томошабинларини қойил қолдирди. «Баҳор» ансамбли жаҳоннинг ярмидан кўпини айланиб чиққан экан, ансамбль доирачиси Қаҳрамон Дадаев ҳам улар билан доимо бирга.

«Баҳор» ансамбли саҳнага қўйган юзлаб ранго-ранг рақслар тилини, мазмуни-ю оҳангларини аввало Қаҳрамон билади. Қаҳрамон келиштириб чалса — раққосалар минг ишва билан ноз-ланиб ўйинга тушишади.

— Меҳнатни сев, Қаҳрамон, — дерди Мукаррама опа, — ўрганишдан, машқдан ҳеч чарчама. Санъат фидойиликни, яъни юракнинг бор кўрини бағишлашни, садоқатни севади. Истеъдодинг ва маҳоратингни фақат фидойилик билан чиниқтириб, чиннидек созлаб юр.

— Энди билсам, Мукаррама опа бизга жуда катта маънавий мерос қолдириб кетган экан, — дейди Қаҳрамон. — Бу мерос — интизом, бардош, санъатга садоқат ва халқ дилига йўл топа билишдан иборат. Биз бу меросни кўз қорачиғимиздек асраб, ардоқлаймиз.

Қаҳрамон Дадаев санъатни севиб, унга қалб ҳарорати-ю меҳр билан хизмат қилиб сира кам бўлмади. Республикада хизмат кўрсатган артист, кейин эса Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони билан тақдирланди.

Доирани мисоли ўзбек халқининг кенг ва сахий қалбига, садоларини унинг завқ-шавқига ўхшатгим келади. Халқимизнинг миллий мусиқа асбоби Қаҳрамон қўлида юртларни айланиб келди. Ўзбек халқининг шодлигини, санъати, гўзал ҳаётини, хотин-қизлар бахтини хабарлаб келди.

Ана, Қаҳрамон Дадаев доира чалаяпти. Қўлларини баланд кўтариб, гўё доира садоларини тинч, зангори осмонга етказгудек қилиб, нафосат билан чалаяпти. «Баҳор» қизларининг шўх, дилбар рақслари эса давом этаяпти.

Санъат МАҲМУДОВА

Умр саховати

Боғбондан боғ қолади, олиму адибдан китоб, халқига нафи тегмаган, унинг маърифати, камолоти учун хизмат қилмаган олимнинг илми зоеъ кетади, дегувчи эди устоз Қутбиддин Муҳиддинов. Унинг ўзи худди бу ҳикматни амалда исботлашга бел боғлагандай, тинимсиз изланар, кўп асрлик бой адабиётимизнинг нодир манбаъларини қунт ва иштиёқ билан ўрганар, улардаги теран мазмун ва нозик маъноларни шарҳлаб тушунтирар, луғат тузар, пухта илмий мақолалар ёзиб, муҳим филологик масалаларни моҳирона ҳал этар эди. Арабча ва форсча илмий китобларни ҳозирги ўзбек тилига таржима ҳам қиларди. Айниқса, Шарқ луғатчилиги тарихини астойдил кузатиб, уларнинг хусусиятларини тадқиқ этишга олимнинг катта машаққатли меҳнати сингган.

Қутбиддин Муҳиддинов XVIII асрда Алишер Навоий асарлари тилига бағишлаб ёзилган Мирзомуҳаммад Маҳдихоннинг форсча «Санглох» номли асари устида узоқ йиллар тадқиқот ишларини олиб борди, унинг асосий назарий қисмини ҳозирги тилимизга ўгирди. Олим бу асар ўзбек тили тарихини ўрганиш, аввало улуғ Навоий тилининг гўзаллиги ва бойлигини текшириш учун ғоят қимматли манба эканлигини исботлади. Айни вақтда тадқиқотчи «Санглох»ни фонетик ва морфологик жиҳатдан таҳлил этиб, уни «Абушқа», «Бадоеъул луғат», «Бурҳони қотеъ», «Мунтаҳабул луғат», «Ғиёсул луғат», «Суроҳ» луғатлари билан қиёслади, шунингдек, Шайх Сулаймон Бухорий, Абдужалил Носирий, Фароғий, Назар Али каби муаллифларнинг эски ўзбек тилига оид ишлари билан солиштириб, Маҳдихон асарининг қиммати ва афзалликларини кўрсатиб берди. Қутбиддин Муҳиддинов «Санглох»нинг грамматик қисмига илмий шарҳ боғлади, сўнгра мазкур тадқиқотлари якунини жамлаб, 1971 йилда уни кандидатлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилдики, бу иш ўзбек тилшунослиги тарихи бўйича муҳим янгилик бўлиб қолди.

Мирзомуҳаммад Маҳдихон Алишер Навоий асарлари тилининг морфологик хусусиятларини батафсил шарҳлаб бергани, туркий адабий тилнинг қонуниятлари, сўз ясаш имкониятлари, нозик қурилма ва таркибларини дақиқ назар орқали текширгани, Навоий тили асосида тузилган энг эътиборли луғат бўлгани билан илм аҳли диққатини тортиб келади. Мазкур луғат бизга улуғ шоир хазинасини тўлароқ ўрганишимизга имкон беради. Навоий тилининг қудрати, сўз ишлатишдаги маҳорати, навбунёдкорлигини чуқур илғаб олишга кўмаклашади. Маҳдихон Алишер Навоийнинг қарийб ҳамма шеърий ва насрий асарларини ўрганиб чиққан, шоирнинг ҳар бир байти, жумласи устида тўхталган, хилма-хил маъноларини очиб бера олган.

Шунинг учун ҳам Қ. Муҳиддинов маданий ҳаётимизнинг катта ютуғи ҳисобланадиган тўрт жилдлик «Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати» (бу луғатнинг уч жилди босмадан чиқди) устида иш олиб борар экан, Маҳдихоннинг қимматли тажрибаси, фикрларидан унумли фойдаланди. Мазкур луғатнинг асосий муаллифларидан бири бўлган олим «Хамса» достонлари луғатини тузиб (бу қарийб ўн мингтадан ошадиган картотека демак), тўлиқ шарҳлаб беришдан ташқари, «Хазойинул маоний», «Лисонут тайр», «Мажолисун нафоис» асарларининг луғатини тузиш ва изоҳлашда фаол иштирок этди. Шу билан баробар Қутбиддин Муҳиддинов Навоий қаламига мансуб барча шеърий, насрий ва илмий асарлардаги арабий, форсий сўз ва ибораларни тушунтириб, юзлаб мураккаб байтларнинг тафсир ва талқинини ёзди, луғатнинг умумий принципларини ишлаб чиқиш ва араб ёзувидаги калитини тартиб беришга ўз улушини қўшди.

Луғат тузиш жуда диққатталаб иш. Хусусан, классик асарлар изоҳли луғатини тайёрлаш алоҳида билим ва меҳнатсеварликни тақозо этади. Бунда биргина тилшунос бўлиш кифоя эмас. Муайян давр тилининг хусусиятларини идрок этиш билан бирга, классик адабиётни ҳам теран англаб олгандагина бундай луғатларни тузишга қўл уриш мумкин. Қутбиддин Муҳиддинов айнан шундай ҳар томонлама қомусий билимга эга, араб ва форс тилларини пухта биладиган, Шарқ адабиёти фалсафаси ва тарихидан кенг бохабар аллома инсон эди. У Алишер Навоий ижодидан юзлаб байтларни ёд билар, шоирнинг бемисл санъатлари ҳақида завқшавққа тўлиб қувонч билан сўзлар эди. Навоий асарларидаги қуюқ образлик, сўзлар, ташбеҳ-тажнисларнинг, истиора-ифодаларнинг ботиний маънолари, полисемия — бир йўла бир неча маънога ишора қилиш хусусиятини Қутбиддин Муҳиддинов қадимий адабий анъаналаримиз моҳиятидан келиб чиқиб, турли ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик тушунчалар, кайҳоний асотирлар, афсона ва ривоятлар ҳақидаги тасаввурэътиқодлар мазмунига боғлаб, илмий асосда ёрқин қилиб тушунтирди. Шунинг учун у Навоийдаги кўпгина ибора-образларни тўлиқ изоҳлаш лозим бўлганда, ўнлаб луғат китобларини қараб чиқишдан эринмас, яна бунинг устига араб ва форс-тожик адабиётининг намуналарини мутолаа қилди, улардан фойдаланишга интилди.

Қутбиддин Муҳиддинов сахийқалб, меҳрибон ва дилкаш инсон сифатида ҳам кўпчиликнинг ҳурматини қозонган олим. У ҳеч кимдан ҳеч қачон ўз маслаҳати ва ёрдамини дариғ тутмасди. Устоз илм ва ижод аҳлини, айниқса, классик мерос билан шуғулланувчи ёшларни ўзгача меҳр билан севар, уларга қўлидан келганча кўмак беришга ҳаракат қилар эди. Бирор қўлёзмани ўқишга ёрдамлашиш ёки шеърий байтлар маъносини тушунтириб беришни сўраб мурожаат қилган кишига сидқидилдан бажонудил кўмаклашишдан ташқари, кўҳна Шарқнинг қадимий илму маърифати хусусида янгиянги нарсаларни сўзлаб бериб, баҳраманд этарди. Чунончи, у «Навоий асарлари изоҳли луғати» устида олиб борилган кўп йиллик илмий фаолияти давомида бир неча ёш олимларнинг ишларига раҳнамолик қилди, уларга классик асарларни тушуниш ва луғат тузиш сирларини ўргатди. Шу ўринда устознинг ёш қаламкашлар билан суҳбатларда айтган бир сўзини келтиришни жоиз деб ўйлаймиз:

— Навоий тили — классик адабиётимиз тили. Шунинг учун изоҳли луғат фақат илмий аҳамиятга молик нарса эмас, бу айни вақтда амалий аҳамияти бор фойдали ишдир. Бу ҳозирги ёш авлодга жуда улкан хазинани ўзлаштириш, ундан баҳра олиш имконини беради. Чунки ёш ижодкорларимиз адабий меросимизни яхши билмасдан, алалхусус Навоий хазинасидан дур йиғмасдан катта йўлга чиқишлари қийин. Мен ёш адиблар даврасида ўтирганимда, баъзан Алишер Навоий байтларини ўқиб, маъносини чақиб беришни сўрайман. Шунда улар кўп сўзларнинг маъносини билмасликлари ёки бутунлай бошқача талқин этаётганлари маълум бўлиб қолади. Бу — катта нуқсон. Мен атоқли шоир ва олим Ғафур Ғулом билан анча йиллар дўстлашиб, бирга ҳамкорлик қилганман, у билан кўп йиғинларда бўлганман. Эсимда, у Бедилми, Навоийми, Фузулийми — жуда яхши биларди, улардан қатор ғазалларни ёд ўқиб, аниқ тушунтириб берарди. Мени Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатини тузишга руҳлантирган ҳам ўша киши эди.

Қутбиддин Муҳиддинов Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида кечган қайноқ илмий фаолияти давомида қадимги туркий ёдномаларни ўрганиш, уларни нашрга тайёрлаш иши билан ҳам мунтазам шуғулланиб келди. Бунда диққатназар олимнинг турли-туман услубда ёзилган, ҳар бир даврнинг тил хусусиятларини акс эттирувчи кўҳна қўлёзмаларни равон ўқий билиш қобилияти, меҳнатсеварлиги, матншунос ва манбаъшунос кишиларга хос чуқур мушоҳадалиги, донишмандлиги, зукколиги ёрқин намоён бўлган эди. Шунинг натижаси ўлароқ у кишининг бевосита кўмаги ва иштироки билан XIV аср ёдгорликларидан Қутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин», Сайфи Саройининг «Гулистон бит турки», Камол Хўжандийнинг «Латофатнома» асарлари ҳозирги имломизга кўчирилиб, нашр этилди, уларнинг лексик-грамматик хусусиятлари тадқиқ қилинди. Бу асарлар жуда нодир нусхаларда сақланиб келинган бўлиб, уларни ўрганиш ва нашр эттириш катта илмий аҳамиятга эга ишдир. Мазкур нашрлардан кейин Алишер Навоийгача бўлган адабиёт тарихини изчил ва асосли равишда текшириш имкони туғилди. Шу билан бирга, мазкур нашрлар туфайли китобхонлар оммаси қадимги адабий ёдгорликларимизни ўқишга муяссар бўлдилар.

Бу тадқиқотлар жараёнида туғилган илмий мулоҳазаларини олим «Эски ўзбек тилида аффикслар нинг маъно ва функциялари», «Маҳдихон ва унинг «Санглох» асари», «Ўзбек тилида изофа», «Мантиқ ва грамматика» каби ўнлаб мақолаларида ёритди. У ҳозирги ўзбек тили луғат таркибининг этимологиясини аниқлаш, ўзбек тилининг араб ва форс тиллари билан алоқаси ва ўзаро таъсирини ўрганиш билан ҳам шуғулланиб, қизиқарли кузатишлар олиб борди. Хуллас, камтарин, камсуҳун олим Қ. Муҳиддиновнинг қизиқиш доираси кенг бўлганидан, филологиянинг қайси соҳасига қўл урмасин янги бир тадқиқот ярата олди. Олимнинг ажиб фазилатларидан бири яна шу эдики, у даража ва унвонлар олиш учунгина илм кўчасига кирганларни, арзимаган мақсул билан мақтаниб, керилиб юрадиган кишиларни ёқтирмасди, илму фан даргоҳи покиза ниятли одамларнинг жойи, бу қутлуғ ишни мансаб ва амал воситасига айлантириш, нопок мақсадлар учун фойдаланиш фаннинг равнақига тўғаноқ, деб таъкидлар эди.

Қутбиддин Муҳиддинов классик меросимизнинг билимдонлари Порсо Шамсиев, Солиҳ Муталлибов, Ҳоди Зариф, Анисий, Васфий, Чустий билан дўст-ўртоқ, ҳамфикр-ҳамкор эди.

...Истеъдодли шарқшунос олим Қутбиддин Муҳиддинов саксонинчи баҳорни қаршилаётиб, оламдан кўз юмди. Мўлжаллаб қўйган янги тадқиқотлари амалга ошмай чала қолди. Аммо унинг илмий мероси маданиятимизга, филология фани ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани шубҳасиздир.

Ғайбулла САЛОМОВ,
Нажмиддин КОМИЛОВ,
Тилак ЖЎРА

ЎЧАКИШГАНДЕК ЁМҒИР ҚУЯДИ

Отаулла ОҚИЛОВ,
Медицина фанлари доктори,
профессор

КЕЧАГИДЕК унинг ёдида. 1950 йилнинг илк баҳори... Икки кундан бери ўчакишгандек ёмғир қуяди, баъзан ҳўл қор ҳам аралашиб ёғади. Район касалхонасидан унга ажратилган хона эса совуқ. Ёш олим бир ўзи хонада ўз хаёли билан банд. Унинг фикри-зикри жиноятчини топиш, ҳақиқатни аниқлаш билан банд эди...

Маъмурий ташкилотлар илтимосига кўра, Тошкентдек шаҳри азимдан Қашқадарё воҳасига етиб келган суд-медицинаси врачи Анвар Раҳимов ишни аввало фожиа содир бўлган хонадонни изчил текширувдан, шу воқеадан воқиф шахслар билан батафсил суҳбатлашишдан бошлади. Ниҳоят қабристондан — икки ҳафта бурун дафн этилган қиз мурдасини текшириб ўрганганидан сўнг чигил ечилиб, масала ойдинлашди. Эндигина 19 баҳорни қаршилаган, ҳаётдан ҳали қанча-қанча умидлари бўлган Ҳумайранинг бидъат-хурофот қурбони бўлганлиги тасдиқланди. Ҳа, қиз эскилик урф-одатига қарши курашган, ўзининг яқин қариндоши — тоғаваччасига турмушга чиқишни қаттиқ рад этган эди. Қизнинг гумроҳ онаси эса, унинг эътирозига қарши чиққан эди.

— Арвоҳлар ҳукмидан қўрқ, оқ сутим ҳурмати қарғайман, — дея дағдаға қилганди у. Қиз эса ўзида ўқишга истаги борлиги, шифокор бўлиш орзусида юрганлигини айтиб ўз сўзида қаттиқ туриб олган эди.

Қизнинг жаҳолат ботқоғига ботган онаси Ҳумайрани қўрқитишга уринган. Тоғаваччаси бўлган йигит эса ваҳшиёна калтаклаб, қизни чаламурда қилиб кўчада қолдириб кетган. Фожиадан хабардор бўлган ҳар иккала оила тегишли ташкилотларга мурожаат этиш ўрнига, мурдани хуфия дафн этишган. Фожиа тарихини сира эринмай — ипидан-игнасигача синчиклаб ўрганган эксперт-врач Анвар Раҳимовнинг омилкорлиги натижасида жиноятчилар топилиб, улар жазога тортилдилар...

Ҳа, маъмурий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш кўрадиган медицинанинг бу соҳаси — суд медицинасидир. Мазкур соҳани, таъбир жоиз бўлса, тиббиёт ҳакамлиги десак тўғри бўлади.

Иттифоқимиздаги каби республикамизда ҳам мазкур соҳанинг бир неча юзлаб омилкор ходимлари, шу илмнинг саркорлари самарали ишлаб турибдилар. Ҳали айтганимиздек, доцент Анвар Раҳимов шулардан биридир. У мана қарийб қирқ йилким, бўлажак шифокорларга медицинанинг шу мураккаб соҳасидан сабоқ бериб келади. Лозим топилганда эса жабрланганлар «яра»сини текшириш, фалокат ва ўлим сабабларини пухта аниқлаш билан тегишли маъмурий ташкилотларга мунтазам ёрдам беради.

...Бахтимиз шундаки, биз қирқ йилдирки, фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз. Бу аввало халоскор Советлар армияси эришган оламшумул ғалабамиз самарасидир.



Ҳикоямиз қаҳрамони Анвар Раҳимов ҳам буюк ғалабага муносиб улушини қўшган, Ватанимизнинг жасоратли ўғлонларидандир.

....1944 йил, саратон. Тошкент вокзалидан фронтга жўнаган ҳарбий эшелон составида кўплаб ватан фарзандлари қаторида ёш шифокор Анвар Раҳимов ҳам бор эди. Қалб амри билан у тенгдошлари қаторида жангоҳга отланганди. Улар 2-Болтиқбўйи фронти қошидаги 229-алоҳида минасизлантирувчилар отрядига келиб қўшилди. Ёш врачга отряд санитария хизматини бошқариш топширилди.

Фронт шароити, Ватан тақдири ҳал бўлаётган ўша кунларда солдатдан ҳам, генералдан ҳам фақат шижоат, жасорат талаб этиларди. Анвар Раҳимовнинг ҳам фикри-зикри ярадорларни даволаш, уларни яна жанговар сафга қайтариш эди.

1944 йил октябрь ойлари. Совет қўшинлари мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, ёвуз душманлардан Ватаннинг покиза тупроғини тозалаётган оғир дамлар.

Қалин ўрмонзор. Тўпларнинг даҳшатли наъраси, снарядларнинг портлаши шундай эшитилиб турарди. Шу вазиятда дала шароитидаги палаткада жойлашган бирламчи медицина ёрдами пунктида врач ярадорларни қабул қиларди. Врач Анвар Раҳимов — ҳозиргина мина парчаси тегиб оғир яраланган ва кўплаб қон йўқотган солдатга ёрдам кўрсатарди. Шу пайт душманнинг яна бир снаряди шу палатка ёнгинасига тушиб портлади. Бир зумда чанг-тўзон кўтарилди, врачнинг қулоқлари битиб, кўз олди қоронғилашди. Лекин ёш врач ўзини йўқотмади, ёрдамга муҳтож ярадорни панароқ жойга кўчириб улгурди. Унинг ярасини боғлаб, қон кетишини тўхтатди...

Уша заҳоти ярми бузилиб тўзғиган медицина пунктини тиклашга киришдилар. Шу лаҳза дивизия командирлари билан шифокорлар ҳузурига кириб келган фронт қўмондони генерал Андрей Иванович Еременко (кейинчалик Совет Иттифоқи маршали) ярадорлар билан ҳам аҳвол сўрашди. Ярадорлар бошида парвона бўлиб турган Анвар Раҳимовга ташаккур айтди.

1945 йил май ойида шифокор Раҳимов Кенингсберг шаҳрида орзиқиб кутилган ғалаба кунини қуролдош дўстлари билан қувониб қаршилади. Тинчлик кунлари бошланди. Шифокор-жангчи Анвар Раҳимов ҳам кўплаб Ватан халоскорлари қатори ўз ота юртига қайтди. Унинг кўксини Қизил Юлдуз ордени ва жанговар медаллар безаб турарди. Солдат шинелини оқ халатга алмаштираркан, ватаннинг содиқ фарзанди сифатида халқига садоқат билан хизмат қилишга бел боғлади.

Аспирантлик йиллари, бедор кечалар медицина илмида ҳали муаммо, лекин ечилиши мураккаб бир соҳага қўл урди ёш олим. Тиббиёт илми билан адлия илмига бевосита алоқадор «Автомобиль жароҳатлари ва уни аниқлаш тадбирлари» мавзуида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Анвар Раҳимов кўп йиллар Тошкент Давлат Медицина институтида доцент, кафедра мудири бўлиб ишлади. У 1972 йилдан бошлаб эса, Ўрта Осиё Медицина педиатрия институтининг суд-медицинаси кафедрасига мудирлик қилиб келмоқда. Истеъдодли олим ҳозиргача шу соҳага оид 30 дан ортиқ илмий иш ва монография эълон қилди.

Олим ўзининг ёшлик, толиби илмлик даврини мароқ билан эслар экан, марҳум амакиси, коммунистик партия ва Советлар давлатининг атоқли арбоби, оташин коммунист Саъдулла Турсунхўжаевнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Ҳикоямиз қаҳрамонининг яхши инсон, иқтидорли олим, Ватан ҳимоячиси каби ажойиб фазилатларида шу мўътабар сиймо берган кўплаб ўгитлар бешак ижобий роль ўйнагандир. Анвар Раҳимовлар оиласини ибратли зиёлилар сулоласи десак бўлади. Турмуш ўртоғи Оҳу Обидовна Раҳимова — ТошДУ юридик факультетининг доценти. Қизи Маликахон юрист, Муаттар эса ота изидан борди — врач-педиатр.

Опаси Муқаддас Раҳимова ипакчилик соҳасида таниқли олима. Марҳум укаси Ҳамид Раҳимов таниқли композитор, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби эди.

Қарийб қирқ йилдан бери ёшларга илм бериш билан тиббиёт илмида ҳакамлик вазифасини ҳалол бажариб келаётган коммунист Анвар Раҳимов ўз умрининг камолот босқичида самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳа, бахтиёр халқимиз, осойишта юртимиз билан ҳамнафас яшашдан ортиқ бахт борми!

МЕДУЗАДАН САҚЛАНИНГ!

Денгиз медузалари гарчи 98 фоиз сувдан иборат бўлса ҳам, баъзан улар инсонга катта нохушликлар келтириши мумкин. Медузаларни ушлаб кўриш, улар билан қизиқиш кўпинча баданнинг қизаришига, терининг куйишига олиб келади. Ўта нозик мижоз одамларда ҳарорат кўтарилади, қон айланиши бузилади, ҳатто баъзилар ҳушдан кетиб қоладилар. Бироқ буларнинг ҳаммаси тропик иқлимдаги медузалар ғоят кўп бўлган сувларга тушишнинг олдида ҳеч гап эмас. Масалан, шимолий Австралия пляжларидаги алоҳида медузалар асабларни фалаж қиладиган заҳар ишлаб чиқаради. Бундай медузалардан заҳарланган кишилар уч минут ичида ҳаёт билан видолашадилар «Штерн» журналининг таъкидлашича, ўтган йиллар ичида 50 киши ана шундай заҳарли медузаларнинг қурбони бўлган.

ЙЎЛОВЧИЛАР МИННАТДОРМИ?

Йўловчи. Кишиларимиз маълум бир вақтда турмуш эҳтиёжи ёки хизмат тақозоси билан йўловчига айланадилар. Эндиликда улар бир манзилдан иккинчисига машаққат тортиб, бир пайтлардагидай пиёда, от-аравада ёки карвонга қўшилиб йўлга чиқмайдилар. Аксинча, асримизнинг беминнат, қудратли транспорт воситалари уларнинг ихтиёрида. Улар жуда қисқа фурсат ичида истаган манзилларида бўлишлари мумкин. Лекин шундай тезкор асримизда ҳам йўловчиларнинг ўзига хос ташвишлари бор.

Айтайлик, бошқа шаҳарда истиқомат қилаётган биродарингизни қўмсаб сафарга чиқдингиз ёки бошқа сабабларга кўра йўл тараддудига тушдингиз. Мабодо, шу кезда сиздан: «Хаёлингиздан қандай фикрлар ўтди?»— деб сўрашса, албатта бирдан-бир ташвишингиз транспорт воситаларига билет олиш эканлигини айтасиз.

Қизиқ, нега энди айнан шу фикр хаёлингизни банд этган? Чунки, темир йўл, аэропорт, автовокзалларнинг кассалари ёнида соатлаб навбат кутилади. Шунча уринишларга яраша билет олинса хўп-хўп, билет сотиб бўлинган бўлса-чи? Ёхуд айрим таъмагир кассирлар бор нарсани ҳам «йўқ» деб ўтирсачи? Йўловчиларни ана шунинг учун ҳам билет масаласи ташвишлантиради.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз бўйича бир кунда 200 миллион пассажир қатнайди. Шунда беихтиёр кассалар олдида бекорга ўтказилган соатларни сутка-ларга айлантириб кўринг-а! Ҳақиқатан ҳам республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, айниқса, йўловчилар оқими кўп бўлган йирик темир йўл, аэропорт, автовокзалларда вақтнинг беҳуда ўтиши ҳоллари учраб туради.

Тошкент темир йўл станциясининг бошлиғи ўртоқ Иброҳим Файзуллаев биз билан суҳбатда вокзал коллективининг меҳнаткашларга маданий темир йўл хизмати кўрсатиш учун мавжуд бўлган имкониятлари, жумладан, вокзалда ўндан зиёд кунлик, йигирмага яқин олдиндан билет сотиш кассалари ишлаб турганлигини айтди. Бу ерда маданий хизмат кўрсатишнинг яна бир намунали усули — аризаларга мувофиқ билетларни хонадонларга, жамоат коллективларига етказиб бериш жорий этилган. Вокзал коллективи ёз кунлари қирқдан зиёд пассажир поездларини мамлакатимизнинг, республикамизнинг турли бурчакларига кузатиб қўяди. Бу поездларда ҳаммаси бўлиб кунига 15 мингга яқин йўловчи қатнайди. Шунингдек, Ангрен, Меҳнат, Хўжакент, Чингелди маршрутлари бўйича қатнайдиган шаҳарлараро электропоездлари линияси пойтахтни область қишлоқ ва шаҳарлари билан боғлаб туради. Станция бошлиғи гап орасида яқин йилларда Тошкентда республикамизнинг жанубий районларига сафар қилувчилар учун «Жанубий темир йўл вокзали» қуриб битказилишини айтиб ўтди. Кейинги кунларда бу ерда состави узайтирилган поездлар маршрутларга чиқарила бошланди.

Шунингдек, Тошкент вокзалида кассаларда билет сотишни тезлаштириш мақсадида марказлашган диспетчерлик хизмати ишга туширилган. Мазкур «Билет-2» диспетчерлик хизматининг икки давраси келажакда бир йўла 30 та кассага тегишли маълумот бериши мумкин. Ҳозирда Тошкент вокзали бу қулайликдан олтита касса учун фойдаланиш имконига эга.

Хўш, мавжуд имкониятлар камми? Меҳнаткашларнинг эҳтиёжини қондириш учун яна қандай ишларни амалга ошириш мумкин?

Вокзал коллективининг пассажирларга хизмат кўрсатиш жараёнини ўрганаётиб, мазкур саволларга жавоб изладик. Касса залларида йўловчилар тирбанд. Ҳаммаси бетоқат. Уларни суҳбатга тортдик. Наманганлик Абдували Отабоев Тошкентга меҳмон бўлиб келган экан.

— Пойтахтимизни томоша қилиб, баҳри дилим очилди. Магазинларида харид қилсанг, қўлингга «Ташаккур» деган қоғоз ҳам берар экан. Замонамиз ажойиб-да. Лекин шу вокзалга келиб бир соатдан ошди-ёв, кассанинг туйнугига етолмай хунобим ошиб турибди. Бир кассадан ҳамма томонга билет сотилади. Бу кассирлар учун қулайдир, лекин биз учун ноқулай. Электр таблода «Наманганга билетлар бор» деган ёзув қайд этилган. Лекин олдимизда навбатда Бухоро, Қарши, Самарқандга билет оладиганлар туришибди, таблода эса улар қатнайдиган маршрутларга билет йўқлиги кўрсатилган. Шунинг учун вокзал кассирларини йўналишларга қараб мослаштириш керакмикан? Шунда ортиқча ур-йиқитга ўрин қолмасмиди?

Йўловчи Полвон Чўлиев:

— Хизмат юзасидан Тошкентга келувдим. Энди Қаршига билет олиш учун бир соатдан бери бу ерда ўтирибман, бахтга қарши, фақат умумий вагонга билет бор экан. Йўл олис, умумий вагонда эса манзилга етишнинг ўзи бўлмайди.

— Кечирасиз, Қаршидаги темир йўл хизмати йўловчиларни қониқтирадими?— деб савол берамиз унга.

— Эй, сўраманг,— дея жилмаяди унинг ёнида турган йўловчи Очил Тоҳиров,— у томонларда билет бўлса ҳам ололмайсиз, ё вокзалда танишингиз бўлиши керак. Е...

— Қарши томонларда кассирлар «фақат умумий вагонларга билет бор» деган сўзни шиор қилиб олишган,— суҳбатга қўшилади қашқадарёлик Баҳром Умиров,— шуни ҳам ялиниб, ёлвориб оламиз.

Термизлик Худоёр Сапоев, қўқонлик Бахтиёр Ҳайдаров, андижонлик Мели Ҳодиев, нарпайлик Норбек Худоёровлар ҳам шу тарзда эътироз билдирдилар.

Маълумки, билет муаммоси республикамизнинг барча вокзалларида байрам арафаларида, студентларнинг ёзги, қишки таътиллари даврида ҳаммани бирдай ташвишга солади. Айниқса Тошкент темир йўл вокзалида бундай вазиятларда аҳвол оғирлашади. Устига-устак кечқурунлари касса залларида йўловчилар тирбанд, кассаларга яқинлашиб бўлмайди. Вокзал маъмурияти бундай ноқулайликдан қутулиши учун мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Челябинск каби марказий шаҳарларида йўловчилар учун бирмунча қулайликлар яратишнинг намунали усулларидан фойдаланмоқда. Аммо самараси кам.

Вокзал йўловчиларни манзилга кузатадиган, уларни кутиб оладиган жойгина эмас, балки коллектив тарбия маскани ҳам бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Тошкент вокзалида ҳар замонда радио карнайлари орқали йўловчиларни тартибга чақириш ҳисобга олинмаса, жамоат тартибини сақлашнинг кўргазмали, таъсирчан воситаларидан фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилмаган. Бу ерда кўнгилли халқ дружиначиларининг катта отрядлари бор. Аммо уларнинг кучидан самарали фойдаланилмаяпти. Акс ҳолда вокзал ва вокзал атрофида изғиб юрган бекорчи, ичкиликбозларга қарши кескин кураш чоралари кўрилган, кассалар ёнида намунали тартиб-интизом ўрнатилган бўлар эди.

Бугунги тезкор асримизда ҳамма ҳаракат жадал бўлиши керак. Ландовурлик, сансоларлик, эришилган муваффақиятдан қаноатланиш ҳолларига чек қўйилиши лозим. Пойтахт вокзали шаҳримизнинг маданий турмушини акс эттирувчи жонли ойна бўлиши керак.

Йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш вокзал ихтиёридаги жамоат жойлари — ошхоналар, буфетлар, кафетерийлар ва уларнинг филиаллари хизматида ҳам акс этади. Тўғри, бу ерда тайёр таомларнинг ассортименти анчагина. Афсуски, уларнинг сифати қониқарли эмас.

Вокзалдаги кутиш залларидан бири болали оналарга мўлжалланган. Бироқ, бу зал бошқа залардан пештоқига осиб қўйилган «Болали оналар хонаси» деган ёзуви билангина фарқ қилади, холос. Оддий мисол: бу ерда (бошқа кутиш залларида ҳам) совутиш, ҳаво алмаштириш воситалари ўрнатилмаган. Йўловчилар устидан мунтазам назорат йўқлиги туфайли бу ерга хоҳлаган йўловчилар кириб ўтиришади.

Темир йўл вокзалларида содир бўлаётган оворагарчиликлар автовокзалларга ҳам хосдир. Чунки поездга билет ололмаган йўловчилар, шубҳасиз, автовокзалларга чопишади. Бу ерда эса, ё билет аллақачон сотилган, ёки навбатдаги рейснинг бўлиш-бўлмаслиги даргумон. Бу жиҳатдан Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳар автовокзалларидаги аҳвол йўловчиларни ранжитмоқда. Бу жойларда йўловчиларга ғамхўрлик, маданий хизмат кўрсатиш ишлари мутлақо қониқарсиз. Самарқанддан Тошкентга қатнайдиган автобуслар сўнгги рейслар номаълум сабабларга кўра маршрутга чиқмайди. Автовокзал маъмурияти кассаларда билет сотишни тўғри йўлга қўймаганлари етмаганидек, ўз вазифаларига совуққонлик билан қарайдилар. Кассалар олдида доимий урйиқит, тартибсизлик ҳукмрон. Касса ходимлари «билет сотиб бўлинган» деган сийқаси чиққан жавобдан нари ўтмайдилар. Бундай масъулиятсизликдан эса учар шоферлар «унумли» фойдаланишаяпти. Улар «Турист», «Заказной» ниқоблари остида «фаолият» кўрсатишмоқда. Масалан, шу йил 27 август куни автовокзал маъмурияти «Самарқанд — Тошкент» маршрути бўйича охирги рейсга автобус бўлмайди» деб эълон қилганидан сўнг йўловчилар темир йўл вокзалига ошиқишди. У ерда ҳам билетлар сотиб бўлинганлигини эшитиб, лол бўлиб турганларида вокзал майдонида 91—82 СНЛ номерли «Икарус» пайдо бўлди ва 60—70 йўловчини «ҳўплаб» нафси «қонгач», Тошкентга равона бўлди. Манзилга яқинлашганда шофёр «ёрдамчиси» йўлкира йиғишга тутинди. У ўтирганлардан 7 сўмдан, Самарқанддан Тошкентга тикка туриб келганлардан 6 сўмдан йиғиштириб олди.

Содир бўлаётган бундай воқеаларнинг ўзи йўловчилар эҳтиёжини қондириш муаммосини бартараф этишда темир йўл вок-

Сариосиё районидаги Ўзуи посёлкасида меҳнаткашларнинг маданий-маиший хордиқ чиқаришлари учун барча шароит муҳайё. Суратда: (чапдан ўнгга) Ўлуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари Обиджон Раҳмонов, Нурилла Ҳамдамов, Аҳмад Баҳриддинов, Сафар Кассиров, Мамадамин Воҳидов, Турди Тўраев.

А. Жданов фотоси

«СУВ ТУЛКИСИ»

(ОВЧИНИНГ ЕН ДАФТАРИДАН)

Республикамизнинг табиати ниҳоятда бой ва ранг баранг: кўллар, дарёлар, сув омборлари ҳамда каналлар табиат ошиқларини ҳамиша ўзига чорлайди. Масалан, тонг саҳарда соҳилда дарёга қармоқ ташлаб ўтиришнинг гашти ўзгача бўлади. Қармоқда типирчилаётган балиқни кўз олдингизга келтириб кўринг. Балиқни қармоқдан чиқариб оласиз, гулхан устига қозон осиб, балиқ шўрва пиширасиз, ҳамроҳингиз билан гурунглашиб овқатланасиз, кейин чодирда масза қилиб тунайсиз...

Ҳаво очиқ бўлганда ажралмас дўстим Аслон Бурҳонов билан деярли ҳар дам олиш куни балиқ тутиш учун Сирдарёга борамиз. Пўкак бирданига тортилиб, кейин оҳиста сувга чўка бошлаганда қайси балиқ овчисининг юраги севинчдан типирчиламайди дейсиз? Қармоқ билан тутиш балиқ овининг энг қизиқарли, жозибали тури ҳисобланади.

Каттароқ балиқларни тутиш ҳамма овчининг орзусидир. Зоғара балиқни қармоқ билан тутиш овчидан катта маҳорат талаб қилади. У қаршилик кўрсатиш кучи жиҳатидан бошқа балиқлардан ажралиб туради. Бу балиқ пишиқ қармоқ ипини узиб ташлаши, қармоқни эгиб юбориши ҳам мумкин.

Биз зоғарабалиқнинг товушга ниҳоятда таъсирчанлигини билганимиз учун, овоз чиқармай, эҳтиёткорлик билан ўз жойимизни эгалладик. Қуёш энди нур соча бошлаганда бизлар овга тайёр бўлиб турар эдик: қармоқ ташланган, қўшимча хўрак сепилган, қирғоқда жимлик ҳукм сурар, биз ҳам унга бирлашиб кетган эдик. Ғира-шира пайтларда пўкакнинг кўринмаслигини, худди шу пайтда зоғора балиқнинг хўракка эҳтиётсизлик билан дадил ташланишини ҳам билар эдик.

Осмон мусаффо, қирғоқ бўйидаги ўт ва қамишлар қимир этмайди. Пўкакларни диққат билан кузатаман. Мана, улардан бири авваллар билинар-билинмас қимирлади, худди кичкина балиқча хўрак билан ўйнашаётгандай тасаввур уйғотади. Кейин пўкак жуда секинлик билан сувга чўка бошлади, бир оз кўтарилди ва шундан кейин кўринмай қолди.

Мен қармоқни шартта тортган эдим, алланима қўлимга зарб билан урилди, қармоқ ипи таранг тортилди. Қармоқни маҳкам ушлаб, қирғоқ томон тортдим... Худди шу пайт илинган балиқ юқори кўтарилди. Улкан зоғора балиққа кўзим тушиб, турган жойимда қотиб қолдим.

Қармоққа илинган зоғора балиқ шунақанги тўполон кўтардики, ўзимни йўқотиб қўйишимга оз қолди. Зоғора балиқ бирданига сариқ торпеда сингари қамишзорга отилди. Қармоқ ипини бураб тортган эдим, балиқ жон ҳолатда ўзини қирғоққа ура бошлади. У дам юқорига отилар, дам сувга шўнғир эди. Ниҳоят балиқ жим бўлиб қолди. Мен уни қирғоқ бўйлаб судраб келдим, лекин асабларим чидаш бермади. Қармоқни кескин силтаб тортдим, бамбукнинг қирсиллаб сингани эшитилди. Ҳаётимда сира ўша кундагидек сакрамаган бўлсам керак. Жарлик ёнига бориб, қўлимни сувга тиқдим, зоғора балиқни кучим борича қирғоққа қисдим-да, кейин сувдан узоқроққа отдим.

Ўзимни босиб олиб кўрсам, уч килограммча келадиган зоғора балиқ ўт устида олтиндай товланиб ётарди. «Сув тулкиси» деб аталадиган бу ҳийлакор зоғора балиқни қармоқ билан тутиш ҳар бир балиқчининг орзусидир.

М. МАХМУТОВ

Толиб ЙЎЛДОШ

КУРАШ

Йигит: — Қани, бобой курашайлик,
Бир куч синаб кўришайлик!

Етмиш ёшли Темир ота —
Билан бунда ким ўйнашар?
Билмаганлар қариянинг
Ҳазилкаши деб ўйлашар.
Темир ота: — Белбогингиз
борми, майли,
Курашамиз, ҳазил эмас.
Баланд парвоз сўзингизни
Кейин қилинг, ҳозир эмас.
(У, даврада савлат тўккан,
Бир йигитдан койиб дейди):
Чинордайин умр кўрдим,
Лекин сиздай беандиша,
Йигитни ҳеч кўрмадим, йўқ.
Устозингиз ким экан у,
Эл кўрмаган қай бетийиқ?
Кураш фақат ёшлар учун —
Эмас, буни билиб қўйинг.
Нейлон кўйлак уринмасин
Тол шохига илиб қўйинг...

Кулки, чапак... «Тўн кийганлар
Курашади», деган овоз.
Муккасидан кетар экан,
Ким сўзласа баланд парвоз.
— Шундай, ўғлим, кураш —
меҳнат
Ва машқ талаб, ўзи билмас.
Асли полвон йигитларнинг,
Бундай қўпол сўзи бўлмас.

Йигит айби — кўзи кўкда,
Ён-верига қарамаган.
Кексаларга жой бўшатиб,
Ўтқизишга ярамаган.

Хулоса:

Темир ота тўғри айтар,
Кўп курашни кўрган киши.
Кексаларни кафтда тутиб,
Эъзозлаш бу — марднинг иши.

ЧАЛАМУЛЛА

Ҳа, аввалам, халқ билмаса
Гапирмайди...
Яна тили бурро қурғур,
Гап бермайди.
Амри маъруф айтишидан
Бу нон емас,
Унча-мунча тузоқ узар,
Содда эмас.
Тўй-маъракa бўлган ерда
Йўқлайдилар,
Оласини бериб, қорнин
Тўқлайдилар.
Эл «ҳазратим» номи билан
Атар уни.
Мозор кезар таклиф бўлмай,
Қолган куни.
Маҳалланинг тил-оғзи ҳам,
Қошу кўзи
Эрта кунда ўлиб тинмас
Шу бир ўзи.
Бахти чопса шундай бўлар
Экан одам,
Мол бозорда умри ўтиб,
Бу шум қадам —
Бири икки бўлмаган ҳеч,
Бугун бошқа.
Ҳар куни бир тўн янгию,
Тугун бошқа...
Ахир кимсан, у, фалончи
Ҳазратимлар —
Ҳоки-пойи кўзга сурма —
Қилар кимлар.
«Табаррук зот» шундай яшар
Ёзу қиши,
Машинада осонгина
Битар иши.

заллари билан автовокзаллар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўқлигидан далолат беради. Мабодо вокзаллараро йўловчилар оқимини ўрганиш ва уларнинг эҳтиёжини қондириш чора-тадбирлари йўлга қўйилганда эди, юқоридаги каби бош-бошдоқликка ўрин қолмасди.

Йўловчиларнинг энг аввало ишчи, хизматчилар эканлигини, уларнинг мамлакат иқтисодий базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганликларини, ҳар бир минутнинг ўз ўрни ва қадри бор эканлигини ҳис этиш даркор. КПСС Марказий Комитети мамлакатимиз транспорт хизмати олдида турган муаммоларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб, «Транспортнинг пассажирларга хизмат қилиш соҳасидаги ишини янада яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорда аҳолининг транспорт хизматига эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилмаётганлиги, ёз фаслларида йўловчилар транспортида, айниқса темир йўл транспортида қийинчиликларга, сансалорликка, боқибеғамликка дуч келинаётганлиги, диспетчерлик хизматидаги нуқсонлар мавжудлиги, бу эса, меҳнаткашларнинг ўринли таъна ва шикоятларига сабаб бўлаётганлиги алоҳида қайд этилади.

Уйлаймизки, бу масала Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида, республика автотранспорт корхоналарида ва бошқа мутасадди ташкилотларда атрофлича ўрганилади. Мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг, йўловчиларга қулай транспорт хизмати кўрсатишнинг оммага манзур чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ўктам МИРЗАЕРОВ,
«Гулистон» журналининг
махсус мухбири

Болаларга ўқиб беринг

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Ҳабиб РАҲМАТ

АРАЗЧИ

Муқаддас қиз бирам тез,
Бурни учида жаҳли.
Унинг феълини ҳаргиз
Кўплар билмайди ҳали.
Қилдан қийиқ ахтарар,
Шунақа ҳам бўларми.
Балки уриш-жанжални
Дерсиз яхши кўрармиш.
Сал нарсага аразлаб,
Жанжал чиқарар дарҳол.
Жирттакилаб, бураб лаб,
Юмдалашишга тайёр.
Одатини билганлар
Кўпда уни хушламас.
Уйнайман деб келса ҳам.
Яқин олиб ўйнамас.
Битта ўзи сўппайиб
Уйнайди, уйиб қовоқ.
Демак, ўзида-да айб,
Феълин тузатсин тезроқ.
Шунда топилар ўртоқ!

САЪВА

Келиб қолди боғдан шўх
Чуриллаган бир оҳанг.
Чопиб бордим мисли ўқ,
Саъва экан тилларанг.
Бу мен севган миттижон,
Кўпдан қилардим орзу.
Тутиб олсам бегумон
Қафасчамни безар у.
Ўз куйига ўзи сел,
Куйлар эди берилиб.
Тутмоқ учун боғлаб бел,
Секин бордим эгилиб,
Сергак тортиб шарпамдан,
Ниятимни билиб у,
Учиб кетди тепамдан
Гўё хафа бўлиб у.
Деган каби: «Қафасда
Тутқунда туролмайман.
Эркинликни севаман,
Кенгликсиз куйлолмайман».
Қараб турдим паришон,
Таъсир қилди ушбу ҳол.
Энди боққа саъважон,
Чўчиб келмас эҳтимол.
Зийрак экан сезишга,
Бор экан-да омади.
Мақсадимдан қайтишга
Мажбур этди ҳолати.
Қўшни боғда чарх урар,
Куй-қўшиғи жаранглар,
Боғим қолди хувиллаб,
Иш бермас ҳеч аттанглар.

МУҒОМБИР БАҲОНАЧИ

Дарвозада турди Хол,
Турди лекин хавфсираб.
Кимки тепса урди гол,
Бунга қидирди сабаб.
Ўзни оқлаб яна у,
Нима дейди мана у:
— Билмайсиз тепишни тўп,
Мана шунда ҳамма гап.
Жа-а уста бўлсангиз хўп,
Менга тепинг тўғрилаб.
Теполмайсиз,
Нўноқсиз,
Ҳа, ҳа, қийшиқ оёқсиз.

Чақир-чиқанак

* * *

«Иккита олифта йигит рўпарасидан келаётган қарияга салом бермай ўтиб кетаётган эди. «Укалар, салом бериш фарз-ку», деган эдим, улар кулиб: «Бизлар фақат имтиҳон топширадиган домлаларга салом берамиз», деб жавоб беришди. Менимча улар имтиҳон топширганларидан кейин ўша ўқитувчиларига ҳам салом бермасалар керак.»

(Йўловчилар суҳбатидан)

* * *

«Сизларга «Етим новвос» деган масал юборган эдим, ҳалигача жавоб келмади. «Новвос»ни газета саҳифасида кўраманми, ё бирор кушхонадан қидирайми?»

(Ҳаваскор қаламкашнинг редакцияга йўллаган хатидан)

* * *

«Буфетдан тўрт шиша пиво олган эдим, сотувчи шиша учун саксон тийин ушлаб қолди. Қизиқ, нима учун шу ердаги ошпаз коса, чойнак, тарелка учун пул олиб қолмайдию буфетчи шиша учун пул олиб қолади. Бу ерда бирор сир йўқмикан?»

(Пули куйган хўранданинг саволи)

* * *

«Маҳалла комиссиясининг раиси Мавлон ота Ҳикматов бир йиғилишда менга қараб: «Юмалоқ хат ёзган одам юмалаб кетади», деди. Туҳматчи чолга чора кўришларингизни талаб қиламан!»

(Редакцияга келган имзосиз хатдан)

Ханда

— Ая, — деди Аҳмад, — нега дадамларнинг машиналари келмаяпти?

— Дадангнинг машинаси касал бўлиб қолибди.

— Машина ҳам касал бўладими?

— Ҳа, эсим қурсин. Шофёри дейман деб янглишибман.

— Энди мен нима қиламан? — ҳайратланди Аҳмад.

— Нима бўларди? — деди аяси.

— Мен мактабга боролмайман-да! — деди Аҳмад.

— Нега чиқиндини бу томонга ташлаяпсиз?!

— Чунки подъездимиз у томонда!

(Боши 15-бетда)

шар экан, Олимхонни ҳам амир, ҳам инсон сифатидаги ҳаёт тарзига атрофлича эътибор беради ва ўз муҳокамасидан ўтказиб, унинг саҳна қиёфасини гавдалантиришга қарор қилади. Натижада кўз ўнгимизда Бухоро хонлиги сўнгги амирининг хийла мураккаб ва тўлақонли қиёфаси намоён бўлади. Артист таърифидаги амирнинг кўринишида четдагилар салбий муносабатини қўзғайдиган аломати йўқ, аксинча, келишган, савлат ва салобат соҳиби. Лекин тахт соҳиби эмас, қўғирчоқ, вассал, буни унинг ўзи ҳам яхши билади. У риёкор ва ахлоқан тубан. Унинг кўриниши қилмишларига мутлақо зид: савлати пуч, сиёсати сохта. Бинобарин, халқ, давлат бошига битган бало ва ашаддий жиноятчи. Актёр ўз қаҳрамонини ана шундай таърифлайди. «Инқилоб тонги» спектакли ўзбек совет саҳна санъатининг йирик ютуғи сифатида 1977 йили СССР Давлат мукофотини олди. Турғун Азизов ҳам спектаклдаги асосий роллардан бирининг ижрочиси сифатида лауреатлик унвонига сазовор бўлди.

1980 йили театр Туроб Тўланинг «Нодирабегим» тарихий драмасини саҳналаштирди ва Турғун Азизов яна Бухоро амири — XIX аср тахт соҳиби Амир Насрулло ролини ижро этди. Актёр Амир Насруллони қонхўргина эмас, биринчи навбатда Нодиранинг ғоявий мухолифи даражасида талқин этди ва бу мавзуни ичил очабилди. Иккинчидан, Насруллонинг тахт соҳиби сифатида кучи аввало стратегиясида эканини актёр талқинга мавзу қилиб олди. Шу жиҳатдан у Нодира билан баҳс саҳнасида шохлик — бу тадбир ўйини, ким уста бўлса, ўша ютади, деган тезисни атрофлича асослайди. Мазкур саҳнада шоҳ сифатида Насрулло, адолатталаб сифатида Нодира ҳақ бўлиб чиқади. Насрулло ўзини ғолиб ҳис этади. Ғоявий баҳсда ҳам у далилларини иккиланмай ҳимоя қилади. Бу ерда актёр ўз қаҳрамони қиёфасида «Мана, мен» деб турган салбий тип қиёфасини эмас, жонли одамни, тахт соҳибини кўрсатади. Разолат Насруллонинг кўринишида эмас, қилмишларида намоён бўлади.

Турғун Азизов Ҳамза театри саҳнасида чорак асрдан бери ижод қилаяпти. Ўтган даврда у етмишдан ортиқроқ роль ўйнади. Уларнинг орасида биз тилга олганлардан ташқари, Роман («Ассалом, юлдузлар»), Ғазнавий («Абу Райҳон Беруний»), Бердиёр («Мирза Улуғбек»), Машраб («Олмалар гуллаганда»), Талъат («Биринчи муҳаббат»), Эдзи («Ўғирланган умр»), Эдмунд («Қирол Лир»), Потапов («Бўрон қуши»), Мортиллер («Мария Стюарт»), сингари йирик талқинлар ҳам борки, Турғун Азизов ижрочилик санъатининг камол топишида ўшаларнинг ҳам ўрни катта бўлди ва биз кичик бир мақолада барча ролларни таҳлил этиш имконига эга эмасмиз. Лекин уларсиз ҳам юқорида зикр этилган ролларнинг таърифи мисолида Турғун Азизовни театрнинг етук ижрочиларидан бири бўлиб етишгани хусусида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Актёр ижоди маҳсул фаслига кирди ва Турғун Азизов мухлисларини яна ҳам баркамол, шунингдек, сержило талқинлар билан йиллар оша хушнуд этаверади.

Тошпўлат ТУРСУНОВ

ИКИР-ФИКРЛАР

«Кўп нарсага қизиққаним учун мудиримизнинг эшиги орқасида унинг гапига қулоқ солиб турган эдим, тўсатдан эшик очилиб, муккамдан қулаб тушдим. Натижада пешонам ғурра бўлиб қолди. Бу бахтсиз ҳодиса ишхонада содир бўлгани учун менга бюллетень беришингизни сўрайман»

(Врачга қилинган илтимос)

«Оғзингдан қора қонинг келгур, сўкишни кимдан ўргандинг?»

(Бефаросат аёлнинг ўғлига танбеҳи)

«Сир эфирга ўхшайди, уни сақлай олмасанг, учиб кетади».

(Врачнинг лекциясидан)

БАРМОҚ ҚАРМОҚ

Қурилиш объекти. Қуруқ тахтадан омонатгина ясалган стол атрофида уч-тўрт қурувчи ва прораб ўтирибди.

Прораб. Ўртоқлар! Бир маслаҳатлашиб оладиган гап бор. Энди бу гапни ҳаммага ҳам айтиб бўлмайди. Сизлар ишонган тоғим бўлганларингиз учун...

(У бош бармоғини кўрсатади.)

Прораб. Бу нима?

1-қурувчи. Ишларимиз «во!» деганингиз.

Прораб. Бекор айтибсан. Хўш, яна ким айтади?

2-қурувчи. Қурилишдаги ишларимиз...

Прораб. Йўқ, ўтир!

(Яна бош бармоғини кўрсатади.)

Прораб. Бу, нима?

3-қурувчи. Бармоқ!

Прораб. Бор экансан-ку, баракалла! Қанақа бармоқ?

3-қурувчи. Бош бармоқ.

Прораб. Баракалла! Бош бармоқ, бу яъни мен, прорабингизман.

(У кўрсаткич бармоғини кўрсатади.)

Прораб. Бу қандай бармоқ? Кўрсаткич бармоқ, яъни бригадиримиз Уста Ҳалим. Мана бу эса ўрта бармоқ. Бу деганимиз шофёримиз Салмонбек! Мана бу ёрдамчи бармоқ — бригадирнинг ўринбосари Сотим хўроз. Ва ниҳоят жимжилоқ. Хўш, жимжилоқ ким?

2-қурувчи. У менимча дурадгоримиз Эшмат ака.

Прораб. Йўқ. У қурилиш қоровулимиз — Саримсоқ, ярим кечасиям уйғоқ! Ана ким жимжилоқ! Хўш, биродарлар, мен бу гапларни нима учун айтаяпман?

3-қурувчи. Ўзингиз айтиб қўя қолинг, бизни қийнаб нима қиласиз, шаҳар бердик.

(Прораб чўнтагидан битта олма олиб ўртага қўяди.)

1-қурувчи. **(четга қараб.)** Нима бало, прорабимиз фокс кўрсатмоқчими дейман.

Прораб. Мана кўриб турибсизлар, ушбу олмадир. Мана шу олмани якка бармоқ билан олиш мумкинми? Қани, сиз олинг-чи.

(Қурувчилардан бири қанча ҳаракат қилса ҳам олмани ололмайди.)

2-қурувчи. Олиб бўлмайди.

Прораб. Ҳа, баракалла! Сиз сизу мана, бош бармоқ бўла туриб мен ҳам ололмайман. Лик этиб у ёққа думалайди, лик этиб бу ёққа думалайди. Хўш, икки бармоқ билан олиб бўладими? Бўлади-ю, лекин бу ёқдаги бармоқлар қараб турибди, унинг устига қийин, шунинг учун беш бармоқ билан олинса, айни муддао бўлади. Ана унда олмани осмонга отиб:

Олмани отдим отганга,
Сим калаватда ётганга,

деб бемалол хиргойи қилсангиз ҳам бўлаверади. Чунки кўнгил тўқ, бир-биримиздан хавотир йўқ. Хоҳлаган пайтда олмани бешга бўлиб еб кетаверамиз.

1-қурувчи. Фикрингизга тушундик. Кеча иккита ром билан иккита эшикни четга олиб, яшириб қўйгандик. Жимжилоқ жойига олиб келиб қўйибди. Ҳа, десам, ҳаром кўл аралашганга ўхшайди, эшик-ром четга чиқиб қолибди, дейди.

2-қурувчи. Шу жимжилоқни қўшмасак нима қилади?

Прораб. Энди қандай қилиб қўшмаймиз. Беш бармоқнинг биттаси шу бўлса. Киргандан ҳам, чиққандан ҳам хабардор. Майли жимжилоқни менинг ўзимга қўйиб беринглар. У билан секин тил топишволаман.

(Шу пайт елкасида милтиқ билан «жимжилоқ» — Саримсоқ ота кириб келади.)

Саримсоқ ота. Ўртоқ прораб! Бу шофёр қанақа бола ўзи? Ҳозир тахта туширди. Қараб турдим. Бир маҳал қарасам, машинасини ҳайдаб кетаяпти. Тўхта, дедим. Шартта дарвозани беркитдим. Машинасига бўйлаб мўраладим. Ўн иккита сархил тахтани олиб кетаяпти. У десам, у дейди, бу десам, бу дейди.

Прораб. Қани ўша шофёр, бу ёққа чақиринг.

Саримсоқ ота. Милицияга телефон қилиб бериб юбордим.

(Ҳамма бир-бирига маъноли қараб қолади.)

Прораб. Баракалла! Қани, келинг, ота, бундай ўтиринг. Бир пиёла чой ичинг.

Саримсоқ ота. Раҳмат, ўғлим. Мен постдаман. Қоровуллик қоидасида постдан жилиш мумкин эмас.

(Саримсоқ ота чиқиб кетади.)

2-қурувчи. Кўрдингизми, бош бармоқ! У билан тил топаман дейсиз-а?

3-қурувчи. Сатқаи тил кетсин-а! У жимжилоқ эмас экан, ҳиқилдоқдан оладиган қармоқ экан...

Элбек МУСАЕВ

НАФС БАНДАСИ

ИНТЕРМЕДИЯ

Биринчи кўриниш.

Ифторлик бўлаётган хонадон. Дастурхон ноз-неъматларга тўла. Олчинбой баднафслик билан турли овқатларни кетма-кет туширмоқда.

Олчинбой. *(Ёнидаги меҳмонга).* Ука, олдингиздаги нишолдани емайсизми, бу ёққа узатворинг.

1-Меҳмон. Мана, мана, бемалол.

Олчинбой. Нишолдаи қандин, келтирилган Самарқандин! Ҳай-ҳай-ҳай.

(Олчинбой нишолдага икки марта нон ботириб пиёлани бўшатади. Кейин ликобчадаги қулупнайни қўлига олади-да, учтўрттасини оғзига ташлай бошлайди.)

2-Меҳмон. Жониворга энди маза кирибди. Мулла Олчинбой, буни қулупнай дейдилар, биттабитта ейдилар.

Олчинбой. *(Кавшаниб).* Шодиевой, у сиз айтганингиз зарғалдоқ шафтоли. Ана уни биттабитта ейдилар. *(кулишади).*

3-Меҳмон. *(Кесатиб).* Сомса ҳам тандирдан янги узилган экан. Шундан ҳам бир жуфтгина олиб юборинг.

Олчинбой. Оламиз, албатта оламиз. Тани соғ одамга бир жуфт сомса нима бўлибди. Варақининг кўриниши ҳам чакки эмас. *(Битта варақини олиб, салмоқлайди).* Анча вазмин, ичи тўла гўштми, дейман.

1-Меҳмон. Олчинбой ака, норингга ҳам жой қолсин.

Олчинбой. Хотиржам бўлинг, таом-таомга йўл беради. Норин жонивор — менинг энг севимли таомларимдан бири. Ҳай-ҳай, қуруғидан кейин ҳўли ҳам зўр кетади-да. Илик ютгандай лиқлиқ ютворавересиз. *(Олчинбой овқат ейишда давом этади.)*

Иккинчи кўриниш.

(Кинначи кампир кинна солмоқда. Олчинбой инқиллаб ётибди.)

Кинначи. Оч кинна бўлсанг чиқ, чиқ, тўқ кинна бўлсанг чиқ, чиқ. Назардан бўлсанг чиқ, нафасдан бўлсанг чиқ-чиқ-чиқ! *(эснайди)* Ховв-в! Олчинбой-ей, ўзи нима еган эдингиз, болам?

Олчинбой. Ҳозир айтдим-ку! Вой қорним. Беҳузур бўлиб кетаяпман.

Кинначи. Қулупнайдан бўлсанг чиқ, чиқ, гилосдан бўлсанг чиқ, чиқ. Сомсадан бўлсанг чиқ, варақидан бўлсанг чиқ. Қазидан бўлсанг чиқ. Қартадан бўлсанг чиқ. Нишолда-ю, мураббодан бўлсанг чиқ. Чиқ-а, бадбахт, чиқ-чиқ-чиқ! *(кампир косани очади).* Бай-бай, ўпирилиб кетибди-ю, туф денг!

(Олчинбой индамайди. Кўзи ғалати бўлиб ётаверади. Кинначи қўрқиб кетади.) Вой ўлмасам! Нега индамаяпти? Кўзи ғалати бўлиб кетибди-ю. Чиқ-чиқ деганимда жони ҳам чиқиб кетган бўлса-я! Энди нима қилдим. Секин чиқиб кета қолай. Нафсинг қурсин, очофат!

(Кампир чиқиб кетади. Олчинбой кўзини очади.)

Олчинбой. Даф бўл-е! Киннанг қурсин! Хотин, хой хотин, дарров докторни чақир!

Алп ЖАМОЛ

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДА

Янги йилни бирга нишонлаган дўстлар учрашиб қолишди:

— Кеча сеникида роса ичибман, уйга ким олиб келганини билмайман,— деди биринчиси. Иккинчиси эса, унга деди:

— Ана, холос, мен бўлсам сеникида ичдик, деб ўйлабман.



А. ХОЛИҚОВ чизган расмлар

— Э-э, Акахон! Борми-си-и-з!? Мар-ҳама-ат, марҳа-ма-ат!.. Отахонлар, узр, бу киши мижозимиз бўладилар. Бироз кутасизлар!

Ҳ. САЪДУЛЛА

М. ҚЎШЖОНОВ

Б. ЮСУПОВ

О. ЭРГАШЕВ

С. МАҲКАМОВ

Журнал редколлегияси қарорига биноан «Гулистон»нинг 1983 йил ва 1984 йил мукофотлари авторларимиздан Ҳабиб Саъдуллага «Замин садоси» достони (1983 йил, 12-сон), Болтабой Юсуповга «Яшил мўъжиза» публицистик мақоласи (1984 йил, 5-сон), Орзиқул Эргашевга «Болибек амаки» ҳикояси (1984 йил, 4-сон), Матёқуб Қўшжоновга «Нажот излаганлар»— Абдулла Қодирий ижоди ҳақидаги (1984 йил, 4-сон) адабий-танқидий мақоласи, Содиқ Маҳкамовга «Аския» сувратлар туркуми (1984 йил, 9-сон) учун берилди.

КРОССВОРД

Энига: 1. Ўрта Осиёдаги тизма тоғ. 4. Гражданлар уруши қаҳрамони 12. Тақинчоқ, зеб-зийнат буюми. 13. Қримнинг курорт районларидан бири. 14. Санъат тури. 15. Ватанимиз жанубидаги денгиз. 16. Қозоқ маърифатпарвар шоири. 19. Сўз усталарининг пайров бўйича баҳси. 20. Охота денгизи бўйидаги порт шаҳар. 21. Спорт тури. 24. Шахмат бўйича жаҳон чемпионларидан бири. 26. Ўзбекистондаги газ кони. 28. Республикамиздаги нашриётлардан бири. 29. Жун газлама. 31. Қозогистондаги кўл. 33. Ўзбек халқ баҳшиси. 39. Иттифоқдош республика. 40. Медицина аппаратини ихтиро қилган физик олим. 41. Парранда. 45. Озуқа экини. 46. Доғистонда яшовчи миллатлардан бири. 48. Миллий от спорти мусобақаси. 49. Болтиқ денгизига қуйиладиган дарёлардан бири. 50. Бўёқ олинадиган манзарали ўсимлик. 51. Денгиз жонивори. 52. Сайқал берилган олмос.

Бўйига: 2. Ҳўл мева. 3. Телеграф аппарати ихтирочиси. 5. Ипак газлама. 6. Айний қиссаси. 7. «Шоҳнома»достони қаҳрамони. 8. Сунъий тола. 9. Бинокорлик материали. 10. Арманистондаги тоғ. 11. Кимёвий элемент. 17. Табиий фанлардан бири. 18. Сирдарё областидаги янги шаҳар. 22. Сув гули. 23. Бегона ўт. 25. Балиқ тури. 27. Меъморлик ёдгорлиги. 30. РСФСРдаги область маркази. 32. Вулқондан отилиб чиқадиган жинс. 34. Маданий муассаса. 35. Космонавт учувчи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 36. Сайроқи қуш. 37. Хушбўй уруғли ўсимлик. 38. Шифобахш минерал сув. 42. Таниқли рус рассоми. 43. Ўзбекистоннинг миллий ифтихори. 44. Музика ёзуви. 47. Таомга лаззат берувчи тоғ ўсимлиги.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



10-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Когон. 6. Китоб. 11. Қашқадарё. 12. Эрйигитов. 14. Муборак. 19. Хива. 20. Советобод. 21. Анор. 22. Газли. 23. Ойдин. 26. Наво. 27. Жонибеков. 29. Орол. 33. Шеробод. 36. Бобожонов. 38. Чимқўрғон. 39. Фориш. 40. Косон.

Бўйига: 1. Чотқол. 2. Томди. 3. Ширин. 4. «Шоҳида» 7. Бабушкин. 8. Ургут. 9. Архар. 10. Косонсой. 13. Шовот. 15. Тановор. 16. Зоҳидов. 17. Боботоғ. 18. Бакиров. 24. Зарафшон. 25. Холматов. 28. Баҳор. 30. Денов. 31. Норин. 32. Омонов. 34. Фарҳод. 35. Зомин. 36. Оқтош.

МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўртинчи бет: БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ. Ҳосил байрами (Таллимаржондаги насос станцияси интерьерига ишланган деворий сурат.)

Иккинчи бет: Ўзбек ерининг саховати.

Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ)

Учинчи бет: Навоий область, Қизилтепа районидаги «Москва» колхози аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Худоёр Сулаймонов ёш пахтакорлар даврасида.

В. Занко фотоси (ЎзТАГ)

ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ленин комсомоли» агитпоезди составида бир гуруҳ республикамиз вакиллари РСФСРнинг Ноқоратупроқ ўлкасига бордилар, ўзбекистонлик қурувчилар билан учрашдилар. Суратда: Владимир шаҳридаги учрашувлардан бири. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқулов (ўртада) дўстлар даврасида.

А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ)

Тўртинчи бет: (саҳифанинг иккинчи ярмида): А. ВИНЕР. Хирмонга барака!

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МЎИДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАИДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 18.10.84 й. Босишга рухсат этилди 5.12.84 й. Р-20227 Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 233370. Буюртма № 4776. Нашр В-118.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26

ВЛАДИМИРСКУЮ

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.

ISSN 0134—2207